

**ЎЗБЕКИСТОН АЛОҚА ВА АХБОРОТЛАШТИРИШ АГЕНТЛИГИ  
ТОШКЕНТ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ**

**«Техник таълим  
педагогикаси» кафедраси**

**КИЛИЧЕВА Ф.Б.**

**ОЛИЙ МАКТАБ ПЕДАГОГИКАСИ**

**ЎҚУВ –УСЛУБИЙ КЎЛЛАНМАСИ**

**Тошкент - 2011**

Тузувчи: Ф.Б.Киличева “Олий мактаб педагогикаси” / ТАТУ, 142 б. – Тошкент, 2011.

Ушбу ўкув-услубий қўлланма магистратура талабаларига мўлжалланган бўлиб унда олий мактаб педагогикасининг ўзига хос хусусиятлари, педагогикада тутган ўрни ва моҳияти, мазмуни очиб берилган.

Назарий масалалар методикасини ишлаб чиқадиган педагогика тармоғи сифатида олий мактаб педагогикасининг шаклланаётганлиги ва барча фанлар билан боғлиқлиги кўрсатилган.

Тарбиянинг ҳамма муаммоларини бошқа сиёсий, ижтимоий масалалар билан бир қаторда ҳал этиш зарурияти кўрсатиб берилган.

Тошкент ахборот технологиялари университети илмий-услубий кенгashi қарорига асосан чоп этилган (2011 йил \_\_\_\_\_ феврал \_\_\_\_\_- сонли баённома)

Тақризчи:

Алиева З.Ш.

Абдулазизова Р.Н.

Тошкент - 2011

## **КИРИШ**

Олий мактаб педагогика фан жаҳон педагогикасининг етакчи бир қисмидир. Педагогика тарихи педагогик таъминотнинг тарихи ва тарбиянинг ривожланиши масалаларини ижтимоий ҳодиса сифатида тадқиқ этувчи педагогик билимлар тармоғидир. У илғор педагогик ғояларнинг салбий педагогик ғояларга қарши курашиш тарихини, ҳукмрон табақаларнинг демократияга қарши сиёсатини очиб ташлайди, илғор педагогик ғоялар, ҳур фикрлар, таълим қонунларининг айрим олинган тарихий даврдаги ривожланиш тамойилларини тахлил қиласиди. Мухим умумий хулосалар чиқаради ва бугунги кун учун долзарб муаммоларни ўртага ташлайди,

**Олий мактаб педагогикаси талабаларга таълим бериш ва тарбиялашнинг қонунларни тадқиқ этадиган бўлса, ҳунар - техника таълими педагогикаси билим юрти шарт-шароитларидағи ўқув-тарбиявий жараённинг ўзига хослигини тадқиқ этади.** Ўрта маҳсус ўқув юртларида умумий ўрта ва маҳсус маълумот оладиган ёшларни тарбиялаш ҳамда ўқитиш ҳам ўзига хос тарзда олиб борилади. Ишлаб чиқаришда ишлайдиган шахсларни тарбиялаш ва ўқитиш ҳам ўзига хос хусусиятларга эга бўлади.

Олий таълим педагогикасида олий ўқув юрти шарт-шароитларида ёшларни тарбиялаш ва ўқитиш ҳам ўзига хос хусусиятларга эга бўлади. Назарий масалалар методикасини ишлаб чиқадиган педагогика тармоғи сифатида олий мактаб педагогикасининг шаклланаётганлиги, унинг аниқлашиб бораётганлиги кўзга ташланади.

Олий мактаб педагогикаси фанининг ҳамма тармоқлари ўзининг турли ривожланишини, тараққиёт босқичларига эгадир, уларнинг айримлари аниқ шаклланиб бўлган ва етарли даражада кенг ишлаб чиқилган (масалан, олий мактаб педагогикаси, ишлаб чиқариш педагогикаси) баъзи бир тармоқлар педагогикасининг ажralиб чиқиши эндиGINA бошланмоқда.

Олий мактаб педагогикаси тарбия жараёнини ижтимоий ҳодиса сифатида ўрганар экан, табиий равишида жамиятдаги барча фанлар билан боғлиқдир.

Педагогика инсонлар орасидаги муносабатларни ва ижтимоий мухитнинг инсонга таъсирини тадқиқ этувчи фан сифатида иқтисодиёт, маданият ривожланишининг ўзига хослиги ҳамда уларнинг инсон шахси шаклланишига таъсирини ўрганади. Шу билан бирга, педагогика олий мактаб тизимининг ташкилий жиҳатларидағи кўпгина масалаларни ҳал этишга, талабаларни олий мактаб оила ва жамоатчиликнинг ўзаро ҳамкорликда иш олиб боришга ёрдам беради.

Олий мактаб педагогикасининг фалсафа ва бошқа ижтимоий фанлар билан боғлиқлиги, ҳал этиладиган илмий масалаларнинг умумийлигини педагогиканинг ижтимоий хусусияти унинг мафкуравий йўналишга эга

эканлигини таъкидлаб туради. Тарбиянинг ҳамма муаммоларини бошқа сиёсий, ижтимоий масалалар билан бир қаторда ҳал этиш заруриятини кўрсатиб беради.

**Олий мактаб педагогикасининг бошқа фанлар билан алоқаси.** Тарбиянинг моҳиятини илмий асосда тушуниш учун конкрет тарихий шароитда унинг тараққий этиш қонуниятларини билиб олиш зарур. Шунинг учун ҳам олий мактаб педагогикаси ижтимоий фанлардан бири сифатида ижтимоий фанлар билан яқин алоқада ривожланиб боради. Таълим - тарбия ишларида жуда кўп масалаларни тўғри тушуниш ва ҳал қилиш учун психологиядан хабардор бўлиш керак. Умумий психология ва болалар психологиясини билиш педагогга турли ёшдаги болаларнинг ҳатти - ҳаракатларини тўғри тушуниш ва уни тўғри йўлга солиш имконини беради.

Олий ўқув юртлари талабалари учун «Олий мактаб педагогика» курсини ўқитиши жараёнида қуидаги талаблар амалга оширилади:

1. Талабаларнинг фан асосларини онгли эгаллаши, интеллектуал-маънавий ривожланиши.
2. Талабаларни инсоният эришган бой қадриятларга суянган ҳолда олий мактаб педагогика фанининг ўзига хос илмий - амалий асослари билан қуроллантириш.
3. Талаба тушунчаларини абстракт ҳолда эмас, балки асосий маънавий, физиологик, психологик ва эстетик асосларига боғлиқ ҳолда шакллантиришнинг олий мактаб педагогик асосларини ишлаб чиқиши,
4. Кадрлар тайёрлаш миллий моделини ҳаётга жорий қилиш учун талабаларни фан ва ўқув фанларининг умумпедагогик амалий асослари билан қуроллантириш.
5. Олий ўқув юртларида ҳар бир ўқув фанининг алоҳида соҳа сифатида ривожлантиришни талабаларни ижодий фикрлаш методлари, мутахассислик педагогикаси асослари билан қуроллантириш.

Бошқа фанлар каби олий мактаб педагогикаси ҳам фан сифатида аввало, жамиятнинг талаб эҳтиёжлари асосида пайдо бўлди ва ривожланди.

Маълумки олий мактаб педагогикаси фани тарбия ва таълимнинг инсон ривожи, шахс камоли ва мутахассис шаклланишида муҳим ўрин тутади.

Шу билан бирга Ватан равнақи, юрт тинчлиги, ҳалқ фаровонлиги, комил инсон, ижтимоий ҳамкорлик, миллатлараро тотувлик, диний бағрикенглик каби ғоялар ҳам олий мактаб педагогика фани мазмунидан чуқур ўрин эгаллаган муҳим масалалардир.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов таъкидлаганидек «Шахс - кадрлар тайёрлаш тизимининг бош субъекти, таълим соҳасидаги хизматларнинг истеъмолчиси ва уларни амалга оширувчи объекти бўлиб ҳисобланади».

# **1 -МАВЗУ**

## **ОЛИЙ МАКТАБ ПЕДАГОГИКАСИ ФАНИНИНГ ПРЕДМЕТИ ВА МЕТОДОЛОГИЯСИ**

**Режа:**

- 1.1 Олий мактаб педагогикаси фанининг предмети.**
- 1.2 Олий мактаб педагогикаси фанлари тизими.**
- 1.3 Олий мактаб педагоги олдига қўйиладиган талаблар.**

### **1.1 Олий мактаб педагогикаси фанининг предмети**

Олий мактаб педагогикаси ҳозирги вақтда илмий билимларнинг яхши шаклланган катта назарий ва амалий материалларни ўз ичига олган тармоғига айланди. Бу эса педагогиканинг табақаланиши, яъни унинг алоҳида тармоқларга ажралишига сабаб бўлди.

Олий мактаб педагогикаси фан жаҳон педагогикасининг етакчи бир қисми бўлиб, педагогика фан тарихи билан мустаҳкам боғлиқдир. Олий мактаб педагогика фанининг тарихи эса, педагогиканинг қисмларидан бири, яъни унинг маҳсус тармоғи ҳисобланади, педагогика тарихи педагогик таъминотнинг тарихи ва тарбиянинг ривожланиши масалаларини ижтимоий ҳодиса сифатида тадқиқ этувчи педагогик билимлар тармоғидир. У илғор педагогик гояларнинг салбий педагогик гояларга қарши курашиб тарихини, ҳукмрон табақаларнинг демократияга қарши сиёсатини очиб ташлайди, илғор педагогик гоялар, хур фикрлар, таълим қонунларининг айрим олинган тарихий даврдаги ривожланиш тамойилларини тахлил қиласди. Муҳим умумий хуносалар чиқаради ва бугунги кун учун долзарб муаммоларни ўртага ташлайди,

Тарихийлик принципи ҳар қандай фан ривожланишининг зарур принципи ҳисобланади. Зеро ўтмишни ҳозирги давр билан қиёслаш фақат ҳозирги ҳодисаларнинг асосий ривожланиш босқичларини яхши кузатиб боришга ёки ўтмишнинг бебаҳо тажрибаси ҳамда эришилган ютуқлардан фойдаланишга ёрдам бериб қолмай шу билан бирга бу соҳада хатоларга йўл қўйишдан сақлайди ва келажакка йўналтирилган амалий таклифлар, мақсадли ишланишларни амалга оширишга кўп даражада асос бўлади. Жамият ҳаётини қайта қуриш, ўсиб келаётган ёш авлодни, шунингдек ҳамма меҳнаткашлар табақаларини тарбиялашни қучайтиришни талаб этади. Бундай шароитда педагогиканинг тадқиқот соҳалари доираси кенгаяди. Олий мактаб педагогикаси талабаларга таълим бериш ва тарбиялашнинг қонунларини тадқиқ этадиган бўлса, хунар - техника таълими педагогикаси билим юрти шарт-шароитларида ўқув-тарбиявий жараённинг ўзига хослигини тадқиқ этади. Ўрта маҳсус ўқув юртларида умумий ўрта ва маҳсус маълумот оладиган ёшларни тарбиялаш ҳамда ўқитиш ҳам ўзига хос тарзда олиб борилади. Ишлаб чиқаришда ишлайдиган шахсларни тарбиялаш ва ўқитиш ҳам ўзига хос хусусиятларга эга бўлади.

Олий таълим педагогикасида олий ўқув юрти шарт-шароитларида

ёшларни тарбиялаш ва ўқитиш ҳам ўзига хос хусусиятларга эга бўлади. Назарий масалалар методикасини ишлаб чиқадиган педагогика тармоғи сифатида олий мактаб педагогикасининг шаклланаётганлиги, унинг аниқлашиб бораётганлиги кўзга ташланади.

Миллий армиямиз учун мутахассислар тайёрлайдиган ҳарбий ўқув юртларида ёшларга таълим бериш ҳамда тарбиялаш муаммолари билан ҳарбий педагогика соҳаси шуғулланади. Катта ёшдагилар орасида мафкуравий тарғибот ва маданий-маърифий ишлар ҳам ўзига хос тармоқларга эгадир. Бу меҳнаткашларни тарбиялаш ишларига муносиб хисса қўшади ва белгиланади, аниқланган педагогик ғояларга суюнади.

## **1.2 Олий мактаб педагогикаси фанлари тизими**

Олий мактаб педагогикаси фанининг ҳамма тармоқлари ўзининг турли ривожланиши, тараққиёт босқичларига эгадир, уларнинг айримлари аниқ шаклланиб бўлган ва етарли даражада кенг ишлаб чиқилган (масалан, олий мактаб педагогикаси, ишлаб чиқариш педагогикаси) баъзи бир тармоқлар педагогикасининг ажralиб чиқиши эндиғина бошланмоқда. Олий мактаб педагогикасининг маҳсус тармоқлари дефектология ёки маҳсус педагогика деган умумий ном билан аталадиган маҳсус гуруҳга бирлаштирилган.

Олий мактаб педагогикаси тарбия жараёнини ижтимоий ҳодиса сифатида ўрганар экан, табиийки у жамиятдаги барча фанлар билан узвий боғлангандир.

Педагогика инсонлар орасидаги муносабатларни ва ижтимоий муҳитнинг иисонга таъсирини тадқиқ этувчи фан сифатида иқтисодиёт, маданият ривожланишининг ўзига хослиги ҳамда уларнинг инсон шахси шаклланишига таъсирини ўрганади. Шу билан бирга, педагогика олий мактаб тизимининг ташкилий жиҳатларидаги кўпгина масалаларни ҳал этишга, талабаларни олий мактаб, оила ва жамоатчиликнинг ўзаро ҳамкорликда иш олиб боришига ёрдам беради. Этика фалсафанинг ахлоқий ва тарбия масалалари билан бевосита боғлиқдир. Уларни ҳал этишда педагогика ахлоқнинг умуминсоний қадриятларига суюнади. Эстетика (нафосат) инсоннинг эстетик идеалларини шакллантириш, маданиятга ва воқеликка эстетик идеалларни шакллантириш, маданиятга, воқеликка, эстетик муносабатларнинг умумий қонуниятларини ўрганади ва эстетик тарбияни илмий жиҳатдан асослаш учун хизмат қиласи. Бу асосларни педагогика фани ишлаб чиқади, ёшларни гўзалликни ҳис қила олиш, тушунишга ўргатиш воситалари ва йўлларини белгилаб беради.

Олий мактаб педагогикасининг фалсафа ва бошқа ижтимоий фанлар билан боғлиқлиги, ҳал этиладиган илмий масалаларнинг умумийлигини педагогиканинг ижтимоий хусусияти унинг мафкуравий йўналишга эга эканлигини таъкидлаб туради. Тарбиянинг ҳамма муаммоларини бошқа сиёсий, ижтимоий масалалар билан бир қаторда ҳал этиш заруриятини кўрсатиб беради. Жамиятимиз ривожланишининг ҳозирги босқичида педагогиканинг иқтисодиёт билан алоқаси мустаҳкамланиб бормоқда.

Ижтимоий фанлардаги маълумотларга суюниб, педагогика жамиятнинг тарбияга бўлган объектив эҳтиёжини ва уларни амалга ошириш шартшароитларини ўрганади.

**Олий мактаб педагогикасининг бошқа фанлар билан алоқаси.** Тарбиянинг моҳиятини илмий асосда тушуниш учун конкрет тарихий шароитда унинг тараққий этиш қонуниятларини билиб олиш зарур. Шунинг учун ҳам педагогика ижтимоий фанлардан бири сифатида социал фанлар билан яқин алоқада ривожланиб боради. Тарбиянинг мақсад ва вазифалари киши шахсининг ҳар томонлама ривожланиши қонуниятларини ишлаб чиқиш жараёнида тарих ва фалсафа, иқтисод ва социология, этика ва эстетика фанлари маълумотларидан фойдаланади. Тарбия ва ўқитиши методлари ҳақида баҳс юритганда эса анатомия ва физиология, олий нерв системаси физиологияси, психология ва умумий гигиена фанлари хуносаларидан фойдаланади.

Таълим - тарбия ишларидаги жуда кўп масалаларни тўғри тушуниш ва ҳал қилиш учун психологиядан хабардор бўлиш керак. Умумий психология ва болалар психологиясини билиш педагогга турли ёшдаги болаларнинг хатти - ҳараткаларини тўғри тушуниш ва уни тўғри йўлга солиш имконини беради.

**Олий мактаб педагогикаси фанлари тизими.** Турли ёшдаги талабаларни ўқитиши ва тарбиялашнинг назарий ҳамда амалий томонини ёлғиз педагогика фанининг ўзи муфассал ёритиб бера олмайди. Таълим - тарбияга оид билим ва тажриба кенгая бориши натижасида педагогика фани тараққий этиб, такомиллашиб боради ва педагогика фанлари системаси юзага келади. Ҳозирги вақтда педагогика умумий педагогика (мактаб ёшидаги болаларни тарбиялаш ва ўқитиши ҳақида баҳс этади), мактабгача тарбия педагогикаси, маҳсус педагогика (сурдопедагогика, тифлопедагогика, олигоференопедагогика - кар, кўр ва ақли заиф болаларни тарбиялаш масалаларини ўрганади), методика (айрим ўқув фанларини ўқитиши хусусиятларини ўрганади), педагогика тарихи (таълим - тарбия ишининг пайдо бўлиши ва тараққий этишини, маълум тарихий даврларда педагогик фикрлар тараққиёти масалаларини ўрганади) каби асосий тармоқлардан иборат.

Олий ўқув юртлари талабалари учун «Олий мактаб педагогика» курсини ўқитиши жараёнида қуйидаги талабларнинг амалга оширилиши мақсадга мувофиқдир:

1. Талабаларнинг фан асосларини онгли эгаллаши, интеллектуал-маънавий ривожланиши.
2. Талабаларни инсоният эришган бой қадриятларга суюнган ҳолда олий мактаб педагогика фанининг ўзига хос илмий - амалий асослари билан қуроллантириш.
3. Талаба тушунчаларини абстракт ҳолда эмас, балки асосий маънавий, физиологик, психологик ва эстетик асосларига боғлиқ ҳолда шакллантиришнинг олий мактаб педагогик асосларини ишлаб чиқиш,
4. Кадрлар тайёрлаш миллий моделини ҳаётга жорий қилиш учун

талабаларни фан ва ўқув фанларининг умумпедагогик амалий асослари билан қуроллантириш.

5. Олий ўқув юртларида ҳар бир ўқув фанининг алоҳида соҳа сифатида ривожлантириши олий мактаб педагогларини таъминлаш учун талабаларни ижодий фикрлаш методлари, мутахассислик педагогикаси асослари билан қуроллантириш.

Хар бир мустақил фан ўзининг предмети ва методологик асосларига эга. Жумладан олий мактаб педагогикаси ҳам фан сифатида шаклланиб, ўзининг предметига эга бўлди. Бошқа фанлар каби олий мактаб педагогикаси ҳам фан сифатида аввало, жамиятнинг талаб эхтиёжлари асосида пайдо бўлди ва ривожланди.

Шу сабабли тарбия жараёнини ижтимоий ҳаётнииг ажралмас қисми деб қараш лозим. Чунки тарбиявий ишларни олиб бормасдан туриб жамиятни тасаввур қилиш қийин.

Маълумки олий мактаб педагогика фани тарбия ва таълимнинг инсон ривожи, шахс камоли ва мутахассис шаклланишида муҳим ўрин тутади.

Шу билан бирга Ватан равнақи, юрт тинчлига, халқ, фаровонлиги, комил инсон, ижтимоий ҳамкорлик, миллатлараро тотувлик, диний бағрикенглик каби ғоялар ҳам олий мактаб педагогика фани мазмунидан чуқур ўрин эгаллаган муҳим масалалардир.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов таъкидлаганидек «Шахс - кадрлар тайёрлаш тизимиning бош субъектини таълим соҳасидаги хизматларнинг истеъмолчиси ва уларни амалга оширувчи обьекти бўлиб ҳисобланади».

Олий мактаб педагоги шахсига жиддий талаблар кўйилади. Улар педагоглар ва психологлар томонидан чуқур ўрганилган. Педагог шахсига қўйиладиган энг муҳим талаб унинг юқори малакали бўлишидир, чунки унингсиз педагогик фаолият юритиб бўлмайди. Олий мактаб педагоги ҳам шундай талабларга жавоб бериши керакки, бундай талаблар уни юксак даражада бўлғуси мутахassisни шакллантирадиган шахс даражасига кўтарсин.

### **1.3 Олий мактаб педагоги олдига қўйиладиган талаблар**

Олий мактаб педагогигаси фани олдига қўйидаги муҳим ва доимий талаблар қўйилади:

- жамият ривожлинишининг сиёсий, социал ва иқтисодий йўналишларини тўғри баҳолай олиши;
- муайян тарақкиёт даврида жамият учун зарур бўлган бўлғуси мутахassisни шакллантириш стандартларини эгаллаган бўлиши;
- педагогик фаолиятни севиши;
- ўз соҳаси бўйича маҳсус билимларга эга бўлиши;
- заковатли бўлиши;
- педагогик туйғу;
- юксак етуклик;

- умумий маданият ва ахлоқнинг юксак даражаси;
- педагогик технологияларни маҳорат билан эгаллаган бўлиши.

Педагог шахсига қўйиладиган (қўшимча талаблар: киришиб кета олиш, санъаткорлик, қувноқлик, яхши дид ва бошқалар.

Юқорида санааб ўтилганлар педагог шахсига хос бўлган туғма хислителлар эмас, балки улар педагогнинг ўз устида мунтазам ва бетиним меҳнати, улкан хизматлари натижасида юзага келтирилади.

### **Назорат учун саволлар:**

1. Олий мактаб педагогикаси фанининг предмети нимадан иборат?
1. Олий мактаб педагогикаси фанлари тизимига қандай фанлар киради?
2. Олий мактаб педагогиканинг фалсафа ва бошқа ижтимоий фанлар билан боғлиқлиги.
3. Олий мактаб педагоги олдига қўйиладиган талаблар.

### **Таянч сўзлари:**

Олий мактаб, педагог, талим, тарбия, ўқиши

### **Адабиётлар:**

1. Архангельский С. И. Учебный процесс в высшей школе, его закономерные основы и методы. - М., 1980.
2. Беспалько В.П. Некоторые вопросы педагогики высшего образования. - Рига, 1972.
3. Кузьмина Н.В. Основы вузовской педагогики. - Л., 1972.
4. Основы педагогики и психологии высшей школы / Под ред. А. В. Петровского. - М., 1986.
5. Архангельский СИ. Лекции по теории обучения в высшей школе. - М., 1974.
6. Смирнов С.Д. Педагогика и психология высшего образования: от деятельности к личности. - М.: Аспект Пресс, 1995.

## 2- МАВЗУ

# ОЛИЙ МАКТАБ ПЕДАГОГИКАСИННИГ МОҲИЯТИ ВА УНИНГ ФУНКЦИЯЛАРИ

**Режа:**

- 2.1 Олий мактаб педагогикаси фанининг моҳияти.**
- 2.2 Педагогикада бошқариш ва тарбия.**
- 2.3 Таълим-тарбия хақидаги қонунлар, фармонлар ва уларнинг аҳамиятлари.**

### **2.1 Олий мактаб педагогикаси фанининг моҳияти**

Педагогик жараён, педагог ва талабаларнинг ривожланувчи муносабатлари бўлиб, бу муносабатлар талабаларнинг хусусият ва фазилатларнинг сифатларини ўзгартиришга олиб келувчи мақсадга йўналтирилгандир. Ушбу жараён таълим ва ривожланиш жараёнларининг шунчаки йиғиндиси эмас, балки янги сифат ўзгаришидир.

Яхлитлик, умумийлик ва бирлик - педагогик жараённинг бош характеристикаси (тавсифи) ҳисобланади.

Фалсафий тушунчада «яхлитлик» деганда объектнинг ички бирлиги, унинг нисбий (алоҳидалиги) ташқи муҳитга боғлиқ эмаслиги тушунилади; бошқа томондан эса яхлитлик деганда педагогик жараённинг таркибий қисмларининг бирлиги тушунилади. Яхлитлик таркибий қисмларнинг объектив хусусияти, лекин у доимий хусусият маълум босқичда пайдо бўлиши, бошқасида эса фойиб бўлиши мумкин. Бу ҳодиса педагогика фанига ҳам, амалиётга ҳам тегишлидир (хосдир).

Педагогик объектлар (масалан ўқитиш жараёни) яхлитлиги аниқ мақсад билан ташқил этилади. Демак, яхлитлик ўқув жараёнининг қонуний хусусиятидир. Жамиятда олий мактаб, ўқитиш жараёни бор экан, яхлит ҳам объектив равища мавжуддир. Масалан реал педагогик амалиётда(тажрибада) яхлитлик- таълим бериш, ривожлантириш ва тарбиялаш фаолиятларининг бирлиги мавжуд. Айтиб ўтилган ҳар бир жараён умумий таълим жараёнида биргаликда кечадиган фаолиятлардир. Тарбия фақат тарбиялашгина эмас, ривожлантириш ва таълим бериш вазифасини ҳам амалга оширади, ўқитишни эса тарбиялаш ва ривожлантиришсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Бу боғлиқликлар ўқитиш жараёнининг шаклланиши мақсади, вазифаси, шакли ва услубига таъсир ўтказади.

Масалан, ўқитиш жараёнида кейинчалик шахснинг ривожланиши, тарбиясига таъсир этувчи илмий тасаввурлар тушунча, қонун, назария ва тамойилларини ўзлаштириш (шакллантириш) кўзда тутилади.

Тарбия жараёнида эътиқод, ахлокий меъёрлар, қоида ва идеаллар, қадриятларга йўналтиришни амалга ошириш билан бирга тасаввур, билим ва кўнилмалар ҳам шаклланади. Шундай қилиб икки жараён ҳам асосий мақсадга яъни шахсни тарбиялашга олиб боради, лекин ҳар бири мақсадга эришишда ўзига хос воситалардан фойдаланади.

Амалда бу тамойил (принцип) дарснинг вазифалари, мазмуни, педагог ва талабалар фаолияти, ўқитишинг турли шакл, усул ва воситалари орқали амалга оширилади. Педагогик амалиётда, худди педагогик назариядаги каби, ўқитиш жараённинг яхлитлиги, билим, кўникмалар узвийлигини тўғри аниқлаш, ўқитиш ва ривожлантириш жараёнларининг мослашуви билим ва кўникмаларни дунё ва унинг ўзгариши хақидаги тасаввурлар бирлигига ўз аксини топади.

Педагогик жараён фанлар тизими ҳисобланади ва қуидаги таркибий қисмларга бўлинади:

- умумий асослар;
- тарбиялаш назарияси;
- дидактика;
- ўқитиш назарияси;
- мактабшунослик (таълим тизимини бошқариш).

Буларнинг хар бир натижалари бир бирини узвий давом эттирадиган ўз вазифасини бажаради. Тузилиш - бу тизимда элементларнинг жойлашиши. Тизим структурасини маълум мезонлар асосида ажратилган элементлар, компььютерлар ва улар ўртасидаги муносабатлар ташқил этади. Яхлит педагогик жараёнда нималар ўртасида боғлиқлик борлигини билгандагина, бу жараённинг ташқилий, бошқариш вазифалари сифатини яхшилаш муаммоларини ҳал қилиш мумкин.

Педагогик тизимдаги муносабатлар (алоқалар) бошқа динамик тизимдаги муносабатлардан фарқ қиласи. Жараённинг натижаси педагог, қўлланилаётган технология ва талабанинг ўзаро муносабатига тўғридан тўғри боғлиқдир. Педагог ва тарбияланувчининг ўзаро фаоллиги педагогик жараёнда «педагогик ўзаро муносабат» деган атама билан номланади ва ўз ичига педагогик таъсир, уни фаол қабул қилиш, объект томонидан ўзлаштирилиши, талабаларнинг шахсий фаоллиги, яъни ўзига - ўзи таъсир этиши (ўз - ўзини тарбиялаш) кабиларни олади. Педагогик муносабат давомида субъект ва объектлар ўртасида турли алоқалар намоён бўлади.

## **2.2 Педагогикада бошқариш ва тарбия**

Педагогик жараёнда бошқариш ва ўз - ўзини бошқаришнинг боғлиқлиги муҳим аҳамиятга эга. Умумий жараённинг муваффақиятли кечиши улар ўртасидаги нисбатнинг тўғрилигига боғлиқ. Ўз навбатида бошқаришнинг (муносабат) алоқаларини ахборот, ташқилий, фаолият алоқаларига (муносабат) таянади. Инсоннинг ривожланиши ўзаро боғлиқ икки жараён - таълим ва тарбияни ташқил этишни талаб қиласи. Бу икки жараён хар хил вазифага эга, баъзан келишиб (учрашиб), баъзан эса вақт жиҳатдан мос келиб, ўз шакли ва усусларни (услублари) билан тубдан фарқ қиласи. Таълимнинг асосий назарий муаммоларини қўриб чиқамиз.

Тарбия - нисбатан мустақил жараён бўлиб, бир неча хусусиятларга эга:

Биринчидан, тарбия - аниқ бир мақсадга қаратилган жараён. Педагог ўз олдига аниқ, мақсадни қўйса, тарбия самарали бўлади. Агар бу мақсад

талабаларга ҳам маълум, тушунарли бўлса ва у қабул қилишга рози бўлса, самарадорлик яна ҳам юқори бўлади.

Иккинчидан, бу қўп омиллик жараён. Уни амалга ошираётган педагог қўп миқдорда объектив, субъектив омилларни назарда тутиши (хисобга олиши) ва қўллаши керак. Бола шахси қўп омиллик таъсирларга дуч келади ва фақат ижобий, балки тузатиш талаб қилинадиган салбий тажриба ҳам орттиради. Кўп омиллик тарбия натижаларининг бир хил эмаслигини тушунтиради.

Учинчидан, тарбия жараёнида педагогнинг шахси катта аҳамиятга эга: унинг педагогик фикрлаши, характеристи (табиати) қирралари, шахсий фазилатлари, қадриятларга муносабати.

Тўртинчидан, тарбия жараёни яна бевосита тарбия вақти билан унинг натижаларигача бўлган вақтнинг узоқлиги билан (белгиланади) ажralиб туради. Тарбия тез самара бермайди. Ўқитиш жараёни натижаси каби тарбия натижалари тез сезилмайди.

Бешинчидан, педагогик жараённинг ўзига хос хусусияти унинг узлуксизлигидир. Педагогик жараён миқёсидаги тарбия-тарбиячи ва талабалар ўртасидаги муентазам муносабат. Биргина тадбир, қанчалик у ёрқин бўлмасин, тарбияланувчи хулқига кучли таъсир ўtkаза олмайди.

Агар тарбия жараёни муентазам бўлмай, онда - сонда бўлса, ўқитувчи қачондир бўлиб, кейин унутилган нарсаларни мустаҳкамлашига тўғри келади.

Ўқитиш (таълим бериш) бир бутун тизим сифатида ўзида кўпгина элементларни: мақсад, ўкув ахбороти, педагог ва талабанинг педагогик муроқоти воситаларини, уларнинг фаолияти шакллари ва талабанинг ўқиш ва бошқа фаолиятига, хулқига раҳбарлик қилиш усусларини ўзида мужассамлаган.

Ўқитиш жараёнини яхлит тизим сифатида қуйидаги схема (чизма) орқали тасвиrlаш мумкин.

Ўқув жараённинг тизим шаклида тушунилишида ўқитишнинг мақсади, педагог фаолияти, талаба фаолияти ва натижа иштирок этади. Бу жараённинг ўзгарувчан қисмига бошқариш воситалари киради. Улар ўз ичига: ўқув материалининг мазмуни, ўқитиш услублари, моддий ўқитиш воситалари (кўргазмали, техник ва ўқув воситалари) ўқитишнинг ва талабалар фаолиятининг ташқилий шаклларини олади.

Ўқув воситаларининг ўзгарувчан компонентлари ва доимий мазмунни ташқил этувчи компонентларининг боғлиқлиги ўқитишнинг мақсади ва пировард натижасини ташқил этади. Улар ўсиб келаётган авлодни жамиятдаги ҳаёт ва фаолиятга тайёрлашдек олий мақсаддага хизмат қилувчи мустаҳкам бирликни ташқил этади. Бу таркибий қисмларнинг биргаликдаги асоси ўқитиш ва ўқитиш жараённинг уйғундир. Шу туфайли қўп турдаги, турли сифатга эга элементлар бугун ўқитиш тизимини ташқил этади ва унга ташқилланган ва тартибга солинган тус беради.

Ўқув жараённинг тизим шаклида тушунилишида ўқитишнинг мақсади, педагог фаолияти, талаба фаолияти ва натижа иштирок этади. Бу жараённинг

ўзгарувчан қисмiga бошқариш воситалари киради. Улар ўз ичига: ўқув материалининг мазмунни, ўқитиш услублари, моддий ўқитиш воситалари (кўргазмали, техник ва ўқув воситалари) ўқитишнинг ва талабалар фаолиятининг ташқилий шаклларини олади.

Ўқув воситаларининг ўзгарувчан компонентлари ва доимий мазмунни ташқил этувчи компонентларининг боғлиқлиги ўқитишнинг мақсади ва пировард натижасини ташқил этади. Улар ўсиб келаётган авлодни жамиятдаги ҳаёт ва фаолиятга тайёрлашдек олий мақсадга хизмат қилувчи мустаҳкам бирликни ташқил этади. Бу таркибий қисмларнинг биргаликдаги асоси ўқитиш ва ўқитиш жараёнининг уйғунылигидир. Шу туфайли кўп турдаги, турли сифатга эга элементлар бир бутун ўқитиш тизими니 ташқил этади ва унга ташқилланган ва тартибга солинган тус беради.

Дидактикада ўқитиш жараёни фаолият сифатида тушунилади ва унда қуйидагилар яққол кўзга ташланади:

-бошланғич вазиятни таҳлил этиш; ўқитиш мақсадини аниқлаб олиш ва ўз олдига қўйиш, талабалар томонидан кабул қилиниши;

- ишни режалаштириш, унинг мазмунини мақсадга эришиш воситаларини танлаш, яъни ўқув материалининг янги бўлагини турли усулларда хавола этиш ва уни онгли қабул қилиш;

- ўқитиш ва ўқиш операцияларини бажариш, педагог ва талабанинг ҳамкорликдаги ишини ташқил этиш;

- тескари алоқани ташқил этиш, материални ўзлаштириш бўйича ишларни назорат қилиш ва тузатиш ва ўз - ўзини назорат қилиш;

- таҳлил ва ўз - ўзини таҳлил қилиш, ўқитиш натижаларини баҳолаш;

- талабаларнинг мактабдан ташкари ишлари.

Ўқитиш жараёнининг назарий жиҳатдан таркиби шулардан иборат.

Барча педагогик жараёнларнинг ривожланишида айни босқичларни кўришимиз мумкин. Босқичлар - таркибий қисм эмас, балки жараённинг ривожланишдаги кетма- кетликдир. Бош (муҳим) босқичларга: тайёрлаш, асосий (қисм) ва хulosа киради. Педагогик жараённинг тайёрланиш босқичида унинг керакли йўналишида зарур тезлиқда олиб борилиши учун зарур тезлиқда олиб борилиши учун зарур шароитлар яратилади. Бу босқичда қуйидаги муҳим вазифалар амалга оширилади: мақсадни асослаш ва қўйиш, шароитларни (диагностика) қилиш, аввалдан кўра билиш, жараён ривожини (кечишини) лойиҳалаш, режалаштириш.

Бу босқичнинг моҳияти ҳалқ таълими олдида турган умумий педагогик мақсадни жараённинг маълум бир қисмида эришиш керак бўлган аниқ вазифаларга кўчиришдир. Мақсадни тўғри қўйиш, жараён вазифаларини аниқлашни диагностика сиз амалга ошириб бўлмайди. Унинг асосий мақсади мўлжалланган натижаларга эришишга ёрдам берувчи ёки тўсқинлик қилувчи сабаблар ҳақида ёрқин тасаввурга эга бўлиш. Диагностика (ташхис) мобайнида педагог ва талабаларнинг реал имкониятлари, уларнинг бундан аввалги тайёргарлик даражаси ва бошқа муҳим ҳолатлар ҳақида зарур ахборотлар тўпланади.

Диагностика жараёнида бошланғич вазифаларга тузатиш киритишига тұғри келади, чунки маълум шароитлар уларни қайта күриб чиқиши ва реал имкониятларга мослашишни талаб қилади.

### **Педагогик жараённинг харакатланувчи кучлари.**

Педагогик жараённинг ривожланиш ва такомиллаштириш кучи, бұ

объектив ва субъектив қарама – қаршиликдан иборатдир.

Объектив қарама - қаршилик:

Талабанинг ривожланиш даражаси, билим, кўникмаларининг ҳолати ва ҳаёт даражасининг ошиб борувчи талаблари ўртасидаги зиддиятлардир. Бу зиддиятлар узлуксиз таълим, жадал ўқитиши, жисмоний, аҳлоқий тарбиялар орқали бартараф этилади.

Жамият ҳаётининг мураккаблашиши болалар эгаллаши зарур бўлган мажбурий ахборотлар, билим ва кўникмалар сифати ва хажмига бўлган талабни доимий ортиб бориши бир қатор қийинчиликларни вужудга келтиради. Булар ўрганиш керак бўлган фанлар, ўқув, меҳнат, жисмоний ва бошқа фаолиятлар сонининг ортиб бориши билан боғлиқ. Вақт танқислиги(етишмовчилиги), муқаррар интеллектуал, жисмоний ва руҳий зўриқишиларни юзага келтиради.

Педагогик жараённинг ички юритувчи кучларига билиш, меҳнат, амалиёт, ижтимоий фойдали меҳнат билан боғлиқ талаблар ва уларни амалга оширувчи реал имкониятлар ўртасидаги зиддиятлар киради. Агар талаблар имкониятларга мос бўлса, бу зиддиятлар умумий мақсадга эришиш манбаига айланади ва аксинча. Педагог талабалар жамоасини, уларнинг ҳар бир аъзосини яхши ўрганиши ҳамда яқин, узоқ истиқболларни лойиҳалаш маҳоратига эга бўлиши керак.

Талаба табиатининг фаоллиги билан ҳаётдаги ижтимоий -педагогик шароитлар ўртасидаги зиддиятлар субъектив зиддиятлардир.

## **2.3 Таълим тарбия ҳақидаги қонунлар, фармонлар ва уларнинг аҳамиятлари**

Жамият ҳаётидаги доимий ўзгаришлар, янги муносабат ва вазифаларни юзага келиши, болаларга бўлган янгича талаблар абсолют мукаммал педагогик жараён, ўзгармас педагогик тизимни куришига йўл қўймайди.

Инсоннинг шаклланишида гуманитар фанлар ролининг тобора ошаётганлиги билан педагогик жараённинг технократлашувга мойиллиги ўртасидаги зиддиятлар.

Бу зиддиятларни бартараф этиш, педагогик жараён самарадорлигини тўлиқ таъминлаш асосий элементларнинг сифатли фаолияти орқали эришилди.

Булар қўйидагилардир:

- талабаларнинг меҳнат, тарбия ва турли жамоат ташқилотлари;
- яхлит жараённинг асосий ўзаги бўлган ўқитиши;
- ижтимоий фойдали меҳнат тарбиянинг муҳим асоси;
- ўқишдан ташқари (синфдан, мактабдан ташқари ижодий фаолият).

Педагогик жараённинг қонуниятлари.

Ҳар бир фан ўз соҳасининг қонун ва қонуниятларини кашф этиш ва тадқиқот қилишни ўзининг вазифаси деб билади. Бу қонуниятларда ҳодисаларнинг моҳияти, муҳим муносабатлари ва боғликлари акс этади. Яхлит педагогик жараённинг қонунларини аниқлаш учун қуйидаги боғлиқликларни (алоқаларни) таҳлил қилиб чиқиш керак:

- педагогик жараённи янада кенгрок жамият жараёнлари ва шароитлар билан боғлиқлиги;
- педагогик жараённинг ички муносабатлари (алоқалари);
- ўқитиши, таълим, тарбия ва ривожланиш жараёнлари ўртасидаги муносабатлар;
- педагогик раҳбарлик билан тарбияланувчиларнинг (самодеятельность) ташаббускорликлари ўртасидаги боғлиқликлар;
- тарбия субъектлари (тарбиячилар, болалар ташқилотлари, оила) жамоатчиликнинг тарбиявий таъсири жараёнлари ўртасидаги боғлиқлик;
- педагогик жараённи ташқил этишининг вазифалари, мазмuni, усууллари, воситалари ва шакллари ўртасидаги боғлиқликлар.

Бу муносабатларни таҳлил килишдан педагогик жараённинг қуйидаги қонунлари келиб чиқади:

1. Педагогик жараён мақсадлари, мазмuni ва услубарининг ижтимоий жиҳатдан шартлилиги. Бу қонун ижтимоий муносабатлар, ижтимоий тузумнинг ўқитиши ва тарбия элементларининг шаклланишига белгиловчи таъсир этиш жараёнини очиб беради.
2. Ўқитиши, тарбиялаш ва ўқувчилар фаолиятининг бир-бирига боғлиқлик қонуни. Бу қонун педагогик раҳбарлик билан талабалар шахсий фаоллигининг ривожланиши шахсий фаоллигининг ривожланиши ўртасидаги, ўқитишини ташқил этиш ва унинг натижалари ўртасидаги боғлиқликларни очиб беради.
3. Педагогик жараённинг яхлит бирлиги қонуни. Бу қонун педагогик жараёнда қисм (бўлак) ва бутун ўртасидаги муносабатни очиб беради, ўқитишининг рационал, эмоционал, ахборот берувчи ва мазмуний, изланувчилик, операцион ва мотивацион таркибий қисмларини белгилаб беради.
4. Назария ва амалиётнинг бирлиги ва ўзаро муносабати қонуни.
5. Педагогик жараённинг динамиклик қонуни. Бу қонун навбатдаги ўзгаришлар ҳажми аввалги боскичдаги ўзгаришлар ҳажмига боғлиқлигини очиб беради.
6. Педагогик ривожланишининг суръати ва эришилган даражаси қуйидагиларга боғлиқ:
  - ирсиятга;
  - ўқув ва тарбия муҳитига;
  - педагогик таъсир воситалари ва усуулларига;
7. Ўқув - тарбия жараёнини бошқариш қонуниятлари. Педагогик таъсирнинг самарадорлиги қуйидагиларга боғлиқ:
  - тарбияланувчи ва педагог ўртасидаги (обратная связь) (?) ... тезкорлигига;
  - тарбиячиларга тузатувчи таъсир ўтказишнинг ҳажми ва характерига;

8. Стимуллаш(рағбатлантириш) қонуни. Педагогик жараённинг унумли бўлиши қўйидагиларга боғлиқ:

- педагогик фаолиятнинг ички стимуллари (сабаблари) таъсири;
- ташқи (ижтимоий, ахлоқий, моддий ва бошқалар) стимулларнинг тезлиги, характеристи ва ўз вақтида кечайданлиги;

9. Педагогик жараёнда сезги, мантиқий ва амалиётнинг бирлик қонуни.

Педагогик жараённинг самарадорлиги қўйидагиларга боғлиқ:

- сезги орқали қабул қилишнинг тезлиги ва сифатига;
- қабул килинган ахборотни мантиқий фахмлашга;
- фахмланганларни амалда қўллашга.

10. Ташқи (педагогик) ва ички (билиш) фаолиятининг бирлиги қонуни. Бу

нуқтаи назардан педагогик жараён самарадорлиги қўйидагиларга боғлиқ:

- педагогик фаолият сифатига;

- педагогнинг шахсий ўкув - тарбия фаолиятининг сифатига.

11. Педагогик жараённинг белгиланганлик қонуни. Бунда педагогик жараённинг кечиши ва натижаси қўйидагиларга боғлиқ:

- жамият ва шахс эҳтиёжларига;
- жамиятнинг имкониятларига (моддий техник, иктисадий ва бошқа);
- жараённинг кечиш шароитларига (аҳлоқий - психологик (рухий), эстетик ва хоказо).

Ўқитиши жараённинг ташқи ва ички қонуниятлари мавжуд. Ташқи қонунларга ташқи жараён ва шароитларга боғлиқ қонунлар киради: (ижтимоий - иктисадий, сиёсий вазият, маданият даражаси, жамиятнинг маълум турдаги шахсга эҳтиёжи таълим даражаси кабиларга боғлиқ).

Ички қонунларга педагогик жараён таркибий қисмлари ўртасидаги муносабатлар киради: мақсадлар, мазмун, усуслар, шакл ва воситалар ўртасидаги боғлиқликлар.

12. Ўқитиши ва тарбия ўртасида қонуний боғлиқлик мавжуд: Ўқитувчининг билим бериш фаолияти тарбиявий характерга ҳам эга. Тарбиявий таъсир бир қатор шароитларга боғлиқ.

13. Бошқа бир қонун педагог ва талаба муносабати билан ўқитиши натижалари ўртасидаги боғлиқликни таъкидлайди. Бу қонунга биноан ўқитиши жараёни қатнашчилари ўртасидаги ўзаро таъсир кўрсатувчи фаолиятсиз ўқитиши ташкил этилмайди.

14. Ўқитиши жараённинг барча таркибий қисмлари ўртасидаги ўзаро таъсир қўйилган мақсадларга эришишни таъминлайди.

Сўнгги қонунда барча юқоридагилари бир тизимга умумлашади. Агар педагог жараён вазифаларини, мазмунини рағбатлантириш усусларини тўғри танланса, мавжуд шароитларни назарда тутиб, уларни яхшилаш чораларини кўрса, мустаҳкам ижобий натижаларга эришади. Юкорида таърифланган қонуниятлар педагогик жараён томойилларида ўз аксини топади.

### **Назорат саволлари:**

1. Олий мактаб педагогикаси фанининг моҳияти нималардан иборат?

2. Педагогикада бошқариш ва тарбия.
3. Педагогик жараёнлар ва уларнинг моҳияти.
4. Педагогик жараённинг қонуниятлари.
5. Таълим тарбия хақидаги қонунларнинг аҳамияти.

**Таянч сўзлари:**

Олий мактаб, моҳияти, багвариш, тарбия, педагогик жараён, қонунлар

**Адабиётлари:**

- 1.Архангельский С. И. Учебный процесс в высшей школе, его закономерные основы и методы. - М., 1980.
- 2.Беспалько В.П. Некоторые вопросы педагогики высшего образования. - Рига, 1972.
- 3.Смирнов С.Д. Педагогика и психология высшего образования: от деятельности к личности: Учеб. пособие для студ. высш. пед. учеб. заведений. - М.: Издательский центр "Академия", 2001. - 304 с.
- 4.Педагогика и психология высшей школы: Учебное пособие. - Ростов н/Д:Феникс, 2002. - 544 с.
- 5.Основы педагогики и психологии высшей школы / Под ред. А. В. Петровского. - М., 1986.
- 6.Архангельский СИ. Лекции по теории обучения в высшей школе. - М., 1974.

### **З -МАВЗУ МУСТАҚИЛ ЎЗБЕКИСТОНДА ОЛИЙ ТАЪЛИМ**

**Режа:**

- 3.1 Ўзбекистон Республикасида таълимнинг турлари.**
- 3.2 «Таълим тизимини бошқариш» тушунчаси.**

#### **3.1 Ўзбекистон Республикасида таълимнинг турлари**

Ўзбекистон Республикаси сиёсий мустақилликни қўлга киритган дастлабки кунларда ёқ Республикада таълимни ташкил этиш соҳасида туб ислохотларни амалга ошириш, уни юксак даражада такомиллаштириш ва жаҳон таълими даражасига кўтариш каби масалаларга алоҳида эътибор қаратилди. Ана шу эътиборнинг ёрқин исботи таълим соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий тамойиллари ҳамда таълимнинг Ўзбекистон Республикаси ижтимоий тараққиёти соҳасидаги устувор йўналиши деб эълон қилингандиги билан белгиланади.

Таълим соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий тамойиллари кўйидагилардан иборат:

**1.** Таълим ва тарбиянинг иисонпарвар, демократик характерда эканлиги. Республикада ташкил этилаётган таълим ва тарбия жараёнида шахс орномуси, кадр-қиммати, маънавий ҳамда ҳуқуқларини ҳурмат қилиш, унинг иқтидори ва қобилиятини намоён қилиши учун шароит яратиш, шунингдек, ҳоҳиши - истак ва эҳтиёжларини инобатга масалалари назарда тутилади.

**2.** Таълим тизимининг дунёвий характерда эканлиги. Ушбу тамойил Республика худудидаги мавжуд таълим муассасаларида ёшларга дунёвий характердаги, илмий билимларнинг беришини назарда тутади. Таълим муассасаларида жангари, бузғунчилик кайфиятидаги, шунингдек, миллий низолар ҳамда диний адоватларни келтириб чиқаришга хизмат қилувчи ғояларнинг тартиб этилиши, уларнинг ёшлар сингдириш қонун йўли билан таъкидланади. Ёшларга диний билимларни бериш давлат аккредитациясидан ўтган Республика Адлия вазирлиги томонидан рўйхатга олинган ҳамда диний таълим-тарбия бериш ҳуқуқига эга таълим муассасалари, шунингдек, маҳсус диний маълумотларга эга ва ушбу фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқини қўлга киритган шахслар томонидан амалга оширилади.

**3.** Давлат таълим стандартлари доирасида таълим олишнинг ҳамма учун аниқлиги.

Республика фуқаролари исталган таълим муассасалари (таълим муассасаси низомида кўзда тутилган талабларга мувофиқ)да Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамаси томонидан 1999 йилнинг 16 августида қабул қилинган «Умумий ўрта таълимнинг давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарори, шунингдек, бу борада ўрта маҳсус, касб-хунар ва олий таълимнинг давлат таълим стандартлари тўғрисидаги қарорлари асосида Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими ҳамда Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирликлари томонидан ишлаб чиқилган ДТС

талабларига мувофиқ таълим олиш хуқуқига эгадирлар.

4. Таълим дастурини танлашга ягона ва табақалашган ёндашув.

Ўқув фанлари бўйича яратилган дастурлар орасидан ўқув дастурини яратишга қўйиладиган тамойилларга мувофиқ яратилган ҳамда мақбул деб топилган дастурни танлаб олиш асосида таълим муассасаларида таълимни ташкил этиш мақсадга мувофиқдир. Шунингдек, мутахассислик, касб-хунар таълими хусусиятларидан келиб чиқкан холда муайян таълим муассасалари маълум мутахассислик ва Касб-хунар таълимининг ўзига хос жиҳатларини инобатга олиш асосиа яратилган дастурлар асосида фаолият ташкил этишлари мумкин.

5. Билимли бўлишни ва истеъдодни рағбатлантириш. Таълимни ташкил этишдан кўзланган мақсад ёш авлодга ўқув билим бериш, улардаги мавжуд лаёқат ва истеъдодларни ривожлантиришдан иборатдир. Бугунги кунда жамиятимизда ёшлар орасидан билимли, иқтидорли ўқувчиларни (талабаларни) аниқлаш ва уларни қўллаб- қувватлашга алоҳида эътибор берилмоқда. Ушбу мақсад йўлида фаолият олиб борувчи қатор жамғармалар, чунончи, истеъдодли ёшларни қўллаб қувватловчи «Умид» ва «Улугбек» жамғармалари ташкил этилди. Мазкур жамғармаларнинг хомийлигига юзлаб ўқувчи ва талабалар етакчи хорижий мамлакатларда таълим олиш хуқуқига эга бўлдилар.

6. Таълим тизимида давлат ва жамоат бошқарувини қонунлаштириш. Самарали таълимни ташкил этиш ижтимоий жамият тараққиётини, миллатнинг халқнинг порлоқ келажагини таъминлайди. Шу боис таъминлашни ташкил этиш нафакат давлатнинг, балки умумхалқ ишида. Таълим муассасаларида ташкил этилган ота-оналар қўмитаси, талабалар ўз-ўзини бошқариш органларининг кучи ва имкониятларидан, шунингдек, хоталик (хомий) ташкилотларининг молиявий, маънавий қўллаб-қувватлашлари таълим самарадорлигини ошириш мумкин. Ушбу тамойил мана шу ғояни очиб беришга хизмат қиласди.

7. Таълим тизими деб муайян жамиятда ижтимоий тарихий жараёнда таркиб топган маълум тамойиллар асосида бажариладиган ҳамда бир-бири билан боғланган барча типдаги ўқув-тарбия муассасаларининг йифиндисига айтилади. Таълим муассасаси юридик шахс булиб қонун хужжатларида белгиланган тартибда фаолият олиб боради.

### 3.2«Таълим тизимини бошқариш» тушунчаси

Таълим тизими ижтимоий-тарихий характерга эга бўлиб, у муайян жамиятнинг ижтимоий-иктисодий, маданий тараққиёти даражага ҳамда сиёсати мазмуни билан боғлиқ холда таркиб топади. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг IX сессиясида (1997 йил 29 август) қабул қилинган «Таълим тўғрисида»ги қонунида қўрсатиб ўтилганидек, республика таълим тизим тизимдагиларни ўз ичига олади:

а) давлат таълим стандартларига мувофиқ таълим дастурларини амалга оширувчи давлат ва таълим муассасалари;

б)таълим тизимининг фаолият кўрсатиши ва ривожлантиришини

таъминлаш учун зарур бўлган тадқикот ишларини бажарувчи илмий-педагогик муассасалар;

Ўзбекистон Республикаси таълим тизими ягона ва узлуксиз бўлиб, мазкур тизим доирасида фаолият юритувчи муассасалар таълимнинг босқичма-босқич амалга оширилиши учун хизмат қиладилар.

Ўзбекистон Республикасида таълим қуидаги турларда амалга оширилади:

Олий мактабгача таълим талаба шахсини соғлом ва етук, олий мактабда ўқишига тайёргарлик даражасида шакллантириш мақсадида ташкил этилади. Олий Мактабгача таълим муассасаларида болалар хар томонлама ривожланадилар таълим-тарбия оладилар. Уларнинг соғлиги мустаҳкамланади, ўз-ўзига хизмат қўрсатиш кўникумларини хосил қиладилар. Уларда меҳнатга муҳаббат уйғонади, катталарга ҳурмат пайдо бўлади. Умумий ўрта таълим мактабларда амалга оширилади. Умумий ўрта таълим мактабларининг иш мазмуни ва вазифаси ўқувчиларга фан асосларини ўргатади, уларда ижтимоий фаолиятни ташкил этиш борасида кўникум ва малакалар ҳосил қилиш, шунингдек, ўрта маҳсус, касб-хунар таълимига уларни тайёрлашдан иборатдир.

Умумий ўрта таълим бошланғич таълим негизида ташкил этилиб, у ўқувчиларга билимларнинг зарур ҳажмини беради (умумий ўрта таълим ДТСда белгиланган), уларда мустақил фикрлаш, амалий тажриба кўникумларини ривожлантиради, дастлабки тарзда қасбга йўналтириш ва таълимнинг навбатдаги босқичини танлашга ёрдам беради. Умумий ўрта таълим доирасида болаларнинг қобилият ва истеъодидини ривожлантириш мақсадида муайян йўналишдаги ихтисослиги, маҳсус таълим муассасалари (мактаб-интернатлар, мусиқа, спорт, хореография ҳамда тасвирий санъат, шунингдек, ижтимоий-гуманитар ва тарбиявий йўналишлари бўйича чукурлаштирилган билим берувчи мактаблар ва бошқаларни ташкил этиш мумкин. Ўрта маҳсус, касб-хунар таълими узлуксиз таълимнинг таркибий қисми бўлиб, унинг вазифаси иш мазмуни ўқитувчиларга муайян йўналишда мутахассислик ёки касб-хунар маълумотини бериш ва уларда бу борада амалий кўникум ҳамда малакаларни шакллантиришдан иборатдир. Ўқувчилар тўққиз йиллик умумий-мажбурий таълимни тугатганларидан сўнг яна уч йил ўрта маҳсус, касб-хунар таълимини мажбурий-ихтиёрий тарзда ўзлаштирадилар. Ўрта маҳсус, касб-хунар таълими академик лицей ва касб-хунар коллежларида олиб борилади. Академик лицей ва касб-хунар коллежлари, касб-хунар бўйича ишлаш хуқуқини берадиган, шунингдек, ихтисослик фаолияти ёки таълимини навбатдаги босқичда давом эттириш учун асос бўлувчи ўрта маҳсус, касб-хунар таълимини беради. Академик лицей ўқувчиларнинг ақлий қобилиятларини жадал ўстириш, уларнинг чукур, табақалантирилган ва муайян мутахассисликка йўналтирилиш билим олишларини таъминлайди. Академик лицей уч йиллик ўрта маҳсус ўқув юрти хисобланади. Ушбу ўқув юртида ўқувчилар ўзлари танлаган йўналиш бўйича билимларини ошириш ва муайян ишлар асосларини чукур, мукаммал умумлаштириш имкониятига эга бўладилар. Академик

лицейлар асосан олий ўқув юртлари қошида ташкил этилади. Инсоннинг тафаккури, ақлий салоҳияти ижтимоий бойлик ҳисобланади. Улар хар қандай жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиётига белгилайдиган омиллардир. Шундай ўқувчилар борки, улар умумий ўрта таълим жараённида маълум йўналиш бўйича ўзларининг иқтидори, истеъдодларини намоён этадилар. Бу бойликдан оқилона фойдаланиш, уни тўғри йўналтириш катта аҳамият касб этади. Академик лицейлар айнан шу мақсадни амалга оширишга, иқтидорли, истеъдодли болаларни тарбияшга хизмат қиласди. Касб-хунар коллежи ўқувчиларнинг муайян касб-хунарга мойиллиги, маҳорат ва малакасини чуқур ривожлантиришни, танланган касб-хунар йўналиши бўйича бир ёки бир неча ихтисослик маълумотини олишни таъминловчи ҳамда уч йил давомида ташкил этилувчи касб-хунар таълимини йўлга қўядиган ўқув ютидир.

Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги қонун ғояларига эга академик лицей ва касб-хунар коллажининг мақоми хосдир. Мазкур турдаги ўқув юртларида таҳсил олган ўқувчилар олий ўқув юртига киришда ёки танилган йўналиш бўйича куратишда, қонституциявий хақ-хуқуқларидан фойдаланишда тенг хуқуқлилар. Академик лицей ва касб-хунар коллежлари юқорида қайд этиб ўтилганидек, ўз олдиларига қўйган мақсадлари билангина бир-биридан маълум маънода фарқ қиласди. Касб-хунар коллежлари ишлаб турган хунар-техника билим юртлари, ўрта маҳсус ўқув юртлари ва бошقا таълим муассасалари негизида турли йўналишларда ташкил этилади. Шуни алоҳида қайд этиб ўтиш жоизки, янгидан ташкил этилаётган касб-хунар коллежлари айни вақтда ишлаб турган билим юртларидан ҳам мазмунан ҳам ишлаш тубдан фарқ қиласди. Бу фарқдар нималарда кўринади.

Ушбу типдаги касб-хунар коллежларининг фаолияти ўқув жараёнини самарали техника ва технология ютуқлари ёрдамида ташкил этиб, юксак малакали уста, кичик мутахассис тайёрлашдан иборатdir.

Таълим жараёни жаҳон талабларига жавоб берувчи, истиқболни қўллаб ишлаб чиқилган ўқув режаси ва дастурлари асосида ташкил этилади. Касб-хунар коллежлари учун ишлаб чиқилган ўқув дастурларидан олдинги таълим босқичи-умумий ўрта таълим мактаблари ва ўзидан кейинги босқичда турган олий ўқув юртларининг ўқув дастурлари билан ўзаро мутаносиблигда бўлиб, таълимнинг узлуксизлик ва изчиллик тамойилига тўла мос келади. Навбатда фарқ касб-хунар коллежлари педагогларининг савияси юқорилиги ва таълим жараёнига педагогик технологиянинг тартиби тилга эгалиги билан фарқ қиласди. Касб-хунар коллежларида замонавий асбоб-ускуналар, ўқув-услубий қуроллар, кўргазмали воситалар, ахборот технологиялари ва компьютерлар билан жиҳозланиши билан ҳам тубдан фарқ қиласди. Ускуна бинолари, устахоналарнинг замонавийлиги билан ажralиб туради. Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, касб-хунар коллежларида ишчи қадрлар эмас, балки кенг ихтисосликдаги кичик мутахассислар тайёрланади. Яна бир афзаллиги бундай ўқув юртларида ҳар бир худуднинг ўзига хос географик ва демографик шарт-шароитлари ва мутахассисларга бўлган маҳаллий эҳтиёжлари ҳисобга олинган ҳолда кадрлар тайёрланади амал қилиш;

**Назорат саволлари:**

1. Ўзбекистон Республикаси таълим тизими доирасида фаолият кўрсатувчи муассасаларни санаб ўтинг.
2. Ўзбекистон Республикасида таълимнинг қандай турлари фаолият кўрсатмоқда?
3. «Таълим тизимини бошқариш» тушунчаси.
4. Таълим соҳасидаги давлат сиёсатининг мазмуни.

**Таянч сўзлари:**

Таълим тизим, таълим соҳаси, мазмуни, кадрлар тайёрлаш

**Адабиётлари:**

1. Архангельский С. И. Учебный процесс в высшей школе, его закономерные основы и методы. - М., 1980.
2. Беспалько В.П. Некоторые вопросы педагогики высшего образования. - Рига, 1972.
3. Смирнов С.Д. Педагогика и психология высшего образования: от деятельности к личности: Учеб. пособие для студ. высш. пед. учеб. заведений. - М.: Издательский центр "Академия", 2001. - 304 с.
4. Педагогика и психология высшей школы: Учебное пособие. - Ростов н/Д:Феникс, 2002. - 544 с.
5. Основы педагогики и психологии высшей школы / Под ред. А. В. Петровского. - М., 1986.
6. Архангельский СИ. Лекции по теории обучения в высшей школе. - М., 1974.

## **4- МАВЗУ ОЛИЙ МАКТАБДА ЎҚУВ ЖАРАЁНИ ВА ТАЪЛИМ МАЗМУНИ**

**Режа:**

- 4.1 Олий мактабда ўқув жараёнини ташкил қилиш.**
- 4.2 Дастурларнинг ўқув жараёни билан боғлиқлиги.**
- 4.3 Таълим воситаларининг дидактик вазифалари ва уларнинг туркумлари.**
- 4.4 Олий мактабда давлат таълим стандартлари.**

### **4.1 Олий мактабда ўқув жараёнини ташкил қилиш**

Энг қадимги даврда жамоа аъзолари ижтимоий ҳаётда орттирган тажрибаларини ёш авлодга турли йўллар катталарнинг меҳнат фаолияти намунасида тақдим этдилар.

Давр ўтиши билан инсоният ҳар бир одам ижтимоий ҳаётда ўз ижодий фаолияти, табиий борлиқни ўзлаштиришда фаол иштирок этиши кераклигини англади.

Ҳозирги даврдаги ижтимоий ҳаёт ҳар бир одам олдига қамровли улуг вазифаларни қўйиб, уларни амалга оширишни, натижаларни ҳаётга тадбиқ этишни талаб этмоқда.

Бу вазифалардан энг муҳими қўйидагилардир:

- ақлий ривожланиш вазифалари - талабаларда билим, билиш ва малакаларни, яъни ақлий ривожланишни, мустақил фикрлашни, ижтимоий ҳаётда ва ишлаб чиқаришда фаолият қўрсатишни ривожлантириш;
- эмоционал ривожланиш вазифалари талабаларда санъат ва ташқи оламга эмоционал, эстетик муносабатни ривожлантириш;
- ахлоқий ривожланиш вазифалари талабаларда инсоний ахлоқий фазилатни, ахлоқий гўзалликни, ҳаётда ахлокий жавобгарлик ҳиссини ривожлантириш;
- жисмоний ривожланиш вазифалари талабаларда мустаҳкам, кудратли кучни ривожлантириш;
- шахсий ривожланиш вазифалари таълим ва тарбия жараёнида ҳар бир талабада табиат инъом этган қадриятларни аниқлаш ва ривожлантириш;
- маданий тарбия вазифалари талабаларда миллий ва умуминсоний қадрият асосида бадиий маданиятни ривожлантириш.

Бу вазифаларни амалга ошириш ва ижобий хал қилиш, шахсни хар томонлама ривожлантириш педагогик жараённинг бир бутун буюк мақсади.

### **4.2 Дастурларнинг ўқув жараёни билан боғлиқлиги**

Дастурий курс мазмуни ва уларни ўқитиш усулларини аниқлашда ҳар бир билимда ўзаро боғлиқ бўлган илмий, мантиқий, психологик хусусиятни болалар билиб олиши керак.

Бу масалалар хусусида таниқли тадқиқотчи олимлар П.Я.Гальперина, В.Л.Данилова, Н.Ф.Тальзина, И.Я.Лернер, М.Н.Скаткин, Б.Т.Лихачевлар ўз фикрларини баён этдилар.

Олий мактаб таълими мазмунини шакллантириш принциплари орасида ўқув фанлари мазмунни принциплари алоҳида ажралиб туради. Бу қўйидаги принциплардир;

- ўқув матнининг ҳозирги давр фани ривожи билан боғлиқлиги принципи;
- политехник принципи;
- мантиқнинг фан ва ўқув фанлари билан бирлиги принципи.
- Санъат мазмунининг шаклланиш принциплари:
- ғоявий мазмун ва бадиий шакл бирлиги принципи;
- шахснинг маданий ривож билан уйғунлик принципи;
- ғоя ва санъатнинг ўзаро бирлиги принципи;
- ёш хусусиятни ҳисобга олиш принципи.

Жисмоний ривожланиш ва меҳнат мазмунини шакллантириш принциплари:

- талаба меҳнатининг ижтимоий - иқтисодий ва ишлаб чиқариш меҳнати билан боғлиқлик принципи;
- меҳнатнинг фан билан узвийлиги принципи;
- талаба меҳнатининг ҳозирги давр касбий талабларга мувофиқ бўлиш принципи.

Юқорида қайд қилинган барча принциплар қўйидаги уч асосий принципларда тўлиқ ўз ифодасини топади:

- таълим мазмуни қисмларининг тузилиш, ҳозирги замон фанининг ишлаб чиқариш ва жамият талаблари даражасида бўлиш принципида;
- таълим методларининг шаклланиши ва тузилиш принципида;
- мўлжалланган мазмунни ҳаётга тадбиқ этиш йўлларининг иш инсоният фаолиятида ва ўқув фанларининг ўзаро боғлиқлик принципида;
- таълим мазмуни қисмларининг ўзаро уйғунликда ва шахснинг ривожини ҳисобга олган холда шаклланиши, тузилишининг узвийлиги принципи.

Олимлардан Ю.К.Бобонский, И.Я.Лернер, М.Н.Скаткин томонидан педагогика фанида мактаб таълими мазмунининг умумидидактик мезони ишлаб чиқилди:

1. Олий мактаб таълими мазмунида эркин жамиятда мустақил фикрлайдиган кишини шакллантириш вазифаси, фан методлари ўрганиладиган мактабларда умумий таълим нуктаи назардан ўқувчига мослиги мезони;
2. Таълим матнининг мазмуни ва амалий моҳияти мезони;
3. Таълимий матн мазмунининг мураккаблик жиҳатдан мактаб ўқувчиси ёшига мослиги мезони;
4. Мазмун ҳажмининг ўрганиладиган ўқув фанига ажратилган вақтга мослиги мезони;
5. Умумий олий мактаб таълими мазмуни тузилишини белгилашда халқаро тажрибани инобатга олиш мезони;
6. Таълимнинг ҳозирги давр олий мактабларининг ўқув -методик негизига

мослиги мезони.

Олий мактаб таълими мазмунини шакллантирувчи асосий манбалар фан, моддий ва маънавий бойлик, ижтимоий мулоқат тажрибаси, маънавий қадрияtlар, ижтимоий тушуниш шакллари, инсон фаолияти турлариidir. Бу манбалар асосида таълим мазмунини шакллантиришда тарихий ва психологияк талаблар ҳисобга олинади.

Юқорида қайд қилинган ижтимоий тажриба таълим мазмунининг ўзига хос турларидан бири.

- табиат, жамият, техника, фикр ва қобилият ҳақидаги билим. Бу билимларни ўзлаштириш талаба онгida дунёни тўғри англаш, уни олган ва тажриба фаолиятига тўғри ёндашишни таъминлайди.

- маълум фаолиятни амалга оширишдаги тажриба шахснинг билиш ва малакаси билан бирлиқда бўлган тажриба;

- жамиятда содир бўлган янги муаммоларни хал қилиш бўйича тадбиркорлик, изланувчанлик, фаолият тажрибаси. Бу тажрибада мустақил равишда олдин ўзлаштирилган билим ва билишни турмушга тадбиқ этиш талаб этилади.

- обьект ёки инсон фаолияти воситаларига бўлган муносабат тажрибаси. Бу тажриба ташқи оламга, одамларга муносабатда намоён бўлади.

Олий мактаб таълим мазмуни юқорида қайд қилинган принцип ва дидактик мезонларга асосан шакллантирилади, аниқланади.

Таълим воситалари. Таълим воситаларининг дидактик вазифалари ва уларнинг туркумлари. Тўғри ташкил қилинган таълим жараёнида педагог талabalарга ўрганилаётган воқеа ва обьектлар хақида чукур тасаввурга эга бўлишлари учун зарур имконият яратиши керак.

Таълим воситалари - жадвал, расм, суръат, модел, фотосуратлар билимни пухта ўзлаштиришини таъминлайди.

Талabalарнинг амалий мустақил ишларда, она тили, чет тили, чет тили ва бошқа ўқув дарсларда фойдаланадиган дарслик, маълумотномалар, луғатлар, илмий ва бадиий адабиётлар, жадвал, расм, фото суръатлар таълим воситалари ҳисобланади ва улар билимни пухта ўзлаштиришга ёрдам беради.

Физика, электротехника, радиотехника дарсларида педагог талabalарни масалан схема, диаграмма, макет, диафильм ва кинофильм воситасида, масалан, «Технология» курсини ўтишда схема, диаграмма, макета, диафильм, кинофильм воситасида «транзистор»нинг ташқи кўриниши ва тузилиши билан таништириш имкониятига эга бўлади.

Ўрганиладиган ҳодиса ва обьектни ўрганиш охирида педагогларга воситаларни амалда қўллаш йўлларини кўрсатади. Умуман, таълим воситалари талabalар учун таълим жараёнида атроф муҳитни чукур англашга ёрдам беради. Педагог учун, ахборот негизи сифатида, таълим жараёнини ташкил қилиш ва билимни назорат қилишда муҳим омил бўлиб хизмат қиласи.

#### **4.3 Таълим воситаларининг дидактик вазифалари ва уларнинг туркумлари**

Таълим воситаларининг дидактик вазифалари қуйидагилардан иборат:

- ўрганиладиган ҳодиса ёки объект ҳақида тўлиқ ва аниқ ахборотни таъминлаш, шу билан таълим сифатини оширишга имконият яратиш;
- талабаларнинг англашга кизиқишини юқори даражада ривожланишига ёрдам бериш;
- таълимнинг кўргазмалилигини кўтариш, талабалар учун қийин бўлган материални тушунишни таъминлаш;
- талабалар меҳнатини унумдорли қилиш, шу билан ўқув материалини ўрганишни тазлаштириш;
- дарсда талабаларнинг мустақил ишларини ошириш.

Барча таълим воситаларини қуйидаги турларга бўлиш мумкин:

- таълим мақсади учун мўлжалланган ташқи оламдаги табиий обьектлар;
- ҳаракатдаги машина моделлари, аппаратлар, қурилишлар;
- техник қурилмалар макети, ўсимликлар ва уларнинг ҳосили;
- физика, химия дарсларида ўтказиладиган ўқув экспериментларга доир асбоблар;
- график воситалар (суратлар, расмлар, жадваллар, географик хариталар);
- техник таълим воситалар (диапозитивлар, кино фильмлар, чизма ва товушли аппаратлар, аудио ва видео ёзувлар);
- ксерокўчирма ўқув материаллари;
- дарслик ва ўқув қўлланмалар;
- талабалар билими ва билишни назорат қилиш қурилмалари.

Таълим воситаларини қўллаш соҳасида олиб борилган тажрибалар шуни кўрсатадики, улар ахборот манбаи сифатида педагогни техник меҳнатдан маълум даражада озод қиласди, талабалар билан олиб бориш ижодий фаолият вақтдан озод этади. Таълим воситалари ўқув материали мазмунини тўлиқ ва чукур баён этишга имконият яратади, талабаларда ижодий фикрлашни шакллантиради. Таълим жараёнида қуйидаги вазифалар хал қилиниши керак:

- талабаларни ўқув-англаш фаолиятини рағбатлантириш;
- илмий билим ва билишни эгаллашлари бўйича уларнинг англаш фаолиятини ташкил қилиш;
- фикрлаш, тушуниш ва назарий қобилиятини ривожлантириш;
- ўқиши билиш ва малакаларини такомиллаштириш;
- илмий дунёқараш ва эстетик маданиятни яратиш.

Таълимни ташкил қилишда педагог қуйидаги вазифаларни амалга оширади:

- бутун ўқув фаолият машғулотига тайёрланиш;
- янги материални эгаллашга бўлган эҳтиёжни шакллантириш;
- ўзлаштирилган материал мазмунини аниқлаш;
- ўқув-англаш фаолиятини ташкил қилиш;
- бу фаолиятга хаяжонланиш ижобий хусусият баҳт этиш;

- талабалар фаолиятини тартибга солиш ва назорат қилиш;
- фаолият натижасини баҳолаш ва яқунлаш.

Қуйидаги тузилиш - мантикий жадвалга асосланган ҳолда тажрибада педагогик фаолият амалга оширилади.

#### **4.4 Олий мактабда давлат таълим стандартлари**

Таълим - ташкил топган билим фаолияти бу фаолият ўйин, бадиий тасвир, меҳнат фаолиятлар фарқ қиласи. Таълим фаолияти икки хислатга эга. Биринчи хислати инсон рухияти қонуниятлари ва унинг ижтимоий ривожида ташкил топади. Иккинчи хислати шундаки, инсон билиш фаолиятини ўзгартиради. Махсус тарзда ташкил топган билиш фаолияти - ўқув фаолиятини - ўз мақсад, вазифа, мазмун, метод ва шаклларига эга.

Таълим алоҳида ташкил топган фаолият сифатида, биологик, психологик, ижтимоий қонуниятлар асосида шаклланган инсон ривожини тезлаштиради. Талаба таълим жараёнида атроф борлиқни, таълим жараёнидан ташқаридағига нисбатан, ортиқ, чукур тушунади. Бундай англаш инсоннинг ижтимоий - тарихий қонуниятлар ривожини англаш, меҳнат жараёнидаги фаолияти ёрдам беради. Бундан ташқари йўл инсон шахси ривожини англашдир. Бундай англаш фақат таълим шароитида бўлади.

Талаба мустақил ҳолда илмий билим тизимини, агар уни бунга ўргатилмаса ўзлаштира олмайди. Шунинг учун таълимда ўқув матни, ўқув китоби, инсоният тажрибаси акс эттирилган дарслер алоҳида аҳамиятга эга.

Таълим - педагог ва талабанинг ўзаро фаолияти. Белгиланган мақсад, мазмун ва дастур педагогнинг фаолияти туфайли амалга оширилади. Ўқиши - бошқариш кутилган натижани ҳосил қиласи.

Ўқиши - талабанинг фаолияти. Педагог талабанинг ёрдамида таълим вазифаларини бажаради, инсониятнинг ижтимоий-тарихий тажрибаларини ўзлаштиради.

#### **Назорат саволлари:**

1. Олий мактабда ўқув жараёнини ташкил қилиш.
2. Олий мактаб таълими мазмунини шакллантириш принциплари.
3. Дастурларнинг ўқув жараёни билан боғлиқлиги аҳамияти.
4. Таълим воситаларининг дидактик вазифалари ва уларнинг туркумлари.
5. Олий мактабда давлат таълим стандартлари

#### **Таянч сўзлари:**

Ўқув жараён, принциплар, дидактика, стандартқ, таълим воситалари

#### **Адабиётлари:**

- 1.Архангельский С. И. Учебный процесс в высшей школе, его закономерные основы и методы. - М., 1980.
- 2.Беспалько В.П. Некоторые вопросы педагогики высшего

образования. - Рига, 1972.

3.Педагогика и психология высшей школы: Учебное пособие. - Ростов н/Д:Феникс, 2002. - 544 с.

## **5-МАВЗУ ОЛИЙ МАКТАБ ДИДАКТИКАСИ**

**Режа:**

- 5.1 Таълим жараёнининг моҳияти, вазифаси.**
- 5.2 Ўзбекистонда таълимни ислоҳ қилиш тамойиллари.**
- 5.3 Замонавий таълим.**

### **5.1 Таълим жараёнининг моҳияти, вазифаси**

Таълим жараёни педагогик жараённинг ажралмас, муҳим қисмларидан бири бўлиб, у ўқитиши, билим, кўникма ва малака ҳосил қилиш масалалари билан шуғулланади. Таълим назариясини «дидактика» тушунчаси билан ҳам ифодаланади. Дидактика тушунчаси. Дидактика (грекча «didaktikos»-ўқитувчи, «didako» ўрганувчи) педагогиканинг таълим муаммоларии ишлаб чиқувчи қисми.

Дидактика сўзи илк бор немис педагоги Волфчанг Ратхе(1571-1635) асарларида ўқитиши санъати сифатида ифодаланади. Ян Амос Коменский бу сўзни ҳаммани барчага нарсага универсал санъати шаклида ифодалади. Ратхе дидактиканинг асосий вазифаси «нимага ўргатиш ва қандай ўргатиш вазифасини ишлаб чиқди; ҳозирги замон фанида «качон, қаерда, кимни ва нима учун ўқитиши» муаммосини тадқиқ этиш, деб ифодаланади.

Дидактиканинг асосий туркумлари; ўқитиши, ўргатиш, таълим, билим, билиш, кўникма, шунингдек мақсад, мазмун, ташкил қилиш,шакл, метод, восита, таълим натижалариdir.

Демак, дидактика ўқитиши, таълим бериш, уларнинг мақсади, мазмуни, методлари, воситалари, ташкил қилиш ва эришилган натижалар тўғрисидаги фан.

Дидактика фан сифатида ўз предмети дорасидаги мавжуд қонуниятларни ўрганади, ўқитиши жараёни натижалари ва боришини бир-бирига боғлиқлигини таҳлил қиласи, режалаштирилган мақсад ва вазифаларини амалга оширишни таъминлайдиган шакл ва воситаларни аниқлади. Шунга кўра у икки вазифани бажаради:

- Назарий (асосан аниқлаш усули)
- Амалий (меъёрни, қуролни)

Дидактика барча предметлар ва барча даражада ўқитиши фаолиятлари

Барча таълим тизимини қамраб олади.

Ўқув жараёнida таълим олувчилар ва педагоглар ўртасида ўзига муносабатлар ўргатилиб, бу жараён икки томоннинг биргаликдаги фаолияти натижасида боради шунинг учун ҳам таълим жараёни икки томонлама характерга эга дейилади. Педагоглар ва талабаларнинг фаоллик даражаси таълим жараёнининг самарасини белгилайди. Албатта бу жараёнда педагог йўналтирувчи сифатида майдонга чиқади.

Таълим жараёнida ўқувчилар онгига синдирилаётган назарий билимлар

амалий фаолият ёрдамида янада мустахкамланади. Амалиёт инсон билишининг асосий манбаидир. У ўзлаштирилаётган назарий билимларнинг асосли эканлигини кўрсатувчи хақиқат мезонидир. Инсон теварак-атрофдаги воқелик, нарса ва ҳодисаларнинг соҳиятини амалий ҳаётда уларга тўқнаш келиш йўли билан билиб олади, уларни ўзлаштиради. Инсон амалий фаолият туфайлигина ижтимоий, ишлаб чиқариш фаолияти жараёнида ташкил этувчи муносабатлар, шунингдек, табиат ҳодисалари сирини билиб олади.

Нарсалар, буюмлар билан амалий муомалада бўлиш натижасида буюмлар сезги органларига таъсир қиласди, сезгилар идрокни келтириб чиқазади. Амалиётда инсоннинг фаол фикрлаш фаолияти юзага келади. Фикрлаш ёрдамида у реал воқеликни чуқур тушунади.

Билим манбаи саналган амалиётнинг аҳамияти хусусида сўз юритганда билиш жараёнининг моҳиятини ҳам таъкидлаб ўтиш жоиз.

Билим мураккаб диалектик жараён бўлиб, жонли мушоҳададан, абстракт тафаккурга, сўнгра амалиётга ўтиш йўлидир. Билиш шахс учун мавхум, ҳам ўзлаштирилмаган нарса, воқеа ва ҳодисалар моҳиятининг онг ёрдамида англаш жараёнидир. Объектив борлиқни билиш уни сезишдан бошланади. Сезиш онгнинг ташқи олам билан бўладиган чинакам алоқасидир. Сезиш теварак атрофдаги воқелик, нарса ва ҳодисаларнинг сезги органлари (бизга маълумки, улар битта)га таъсир этувчи айрим сифат, белгиларнинг онгда акс этишидир.

Бунда ҳар бир орган, ҳар бир анализатор, И.И.Павлов таъкидлаб ўтганидек, нарсаларнинг айрим, энг муҳим сифатларини ҳис этади. Сезиш муайян нарса, воқеа ҳодисалар мазмунини онгда идрок этилишига олиб келади.

Идрок сезги аъзолари оркали онгта таъсир этиб турилган нарса ва ҳодисаларнинг унда (онгда) яхлитлигича акс этиш жараёнидир. Сезишлар, сезиш сингари идрок қилиши ҳам ташқи буюмлар, уларнинг мактаблари йўқолиши билан тўхтайди.

Сезиш ва идрок қилиш ёрдамида билиш жараёнида тасаввур рўй беради. Тасаввур инсон онгида узок муддат сақланиб қоладиган сезишлар ва идрокнинг изидир. Ёки бошқача айтганда, тасаввур сезги аъзоларига качонлардир таъсир этган ҳамда идрок қилинган нарса ва ҳодисаларнинг онгдаги яққол тасвиридир. Тасаввур муайян умумлашмаларнинг мавжудлиги билан боғлиқ. Сезиш, идрок ва тасаввур билишнинг муҳим таркибий қисмлари бўлсада, улар ҳам ҳақиқий воқеликни билиш муаммосини тўла ҳал этишмайди. Билиш жараёнининг энг юқори боскичидаги тафаккур юзага келади.

Инсон фақат тафаккур юритиш жараёнидагина муайян жараён ёки воқеа-ходиса моҳиятини, муносабатларнинг сабабий баҳолашларини аниқлайди.

Демак, бизга билимнинг амалиётдан сезги идрок, тасаввур ва тафаккур асосида ҳосил бўлиши ва яна амалиётга қайтиб боришидан бўлади. Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, билим амалиётга ўзининг илгари кўринишида эмас, балки анча бойиган кўринишда, анча юқори даражада қайтиб боради.

Биз бу ҳолни схема тарзидаги қўйидаги ҳолатда кўришимиз мумкин.

Билиш жараёнида билим ҳосил бўлади. Билим - одамларнинг ижтимоий тарихий амалиёт жараёнида тўплаган умумлашган тажрибасидир. Билим объектив борлиқни тўғри акс эттиради. Онг тўғри ва мукаммал билимлар ҳам ўз навбатида доимий эмас, балки ижтимоий тараққиёт жараёнида ўзгариб боради.

Билимлар асосида ўқувчиларнинг кузатувчанлик, тафаккур, хотира сингари билиш қобилиятлари ривожланади, уларда эътиқод ҳосил бўлади, илмий дунёқарашнинг шакллантирувчи ғоялар тизими таркиб топади.

## 5.2 Ўзбекистонда таълимни ислоҳ қилиш тамойиллари

Таълим жараёнида бирор фан соҳасида инсоният томонидан ўзлаштирилган барча билимларни ўрганиш мумкин эмас. Таълим жараёнида энг асосий, энг муҳим билимлар - фанларнинг асосари ўрганилади. Таълим муассасаларида ўрганиладиган ўқув предметлари сони ўз вазифалари ва хусусиятларига мувофиқ тарзда ортиб боради. Бошланғич синфларда табиат ва жамият қонуниятлари борасидаги энг оддий маълумотларни бериш асосида уларда дунёқараш шакллантириб борилади. Мазкур билимлар асосида ўқувчилар объектив борлиқ моҳиятини англаш борадилар. Таълим жараёнида ўқувчилар билимлар-тизимини эгаллабгина қолмасдан, балки фаолият қўникма ва малакаларини ҳам ҳосил қиласидар.

Билимларнинг амалда бир неча бор қўлланилиши қўникмаларнинг ҳосил бўлишига олиб келади. Қўникма – бу ўзлаштириб олинган билимлар асосида амалга ошириладиган ва амалий жиҳатдан мақсадга мувофиқ харакатларга тайёрликда ифодаланган фаолиятдир. Демак, қўникма муайян фаолиятни ташкил этиш усулларини билиб, ўзлаштириб олиш ҳамда ўз билимларини қўллай олишдир.

Кўникмалар муайян вазиятлардагина эмас, балки дастлабки шартшароитлар вақтида ҳам маълум хатти-харакатлар қилиш (ҳосил бўлган тажриба асосида) қобилияти билан тавсифланади. Кўникмаларни билимлар билан аралаштириб юбориш ярамайди. Ҳар қандай қўникма асосида билим ётади. Билимлар фикр, қўникма эса хатти-харакатларда ифодаланади. Ҳатти-харакатлар ақлий ёки жисмоний бўлиши мумкин.

Малака муайян усул билан бехато бажариладиган, ўрганиб қолинган автоматлашган онгли ҳаракатдир. Малака бир хатти- ҳаракатнинг ўзини бир хил шароитда кўп марта такрорлаш натижасида ҳал қилинади. Малака канчалик пухта бўлса, одам ишни шунчалик тез ва тўғри. Малакалар турлича бўлади: чунончи, ўқув малакалари оғзаки ҳисоблаш ва бошқалар; меҳнат малакалари-иш қуроллари билан ишлаш, материаллар ҳамда техника билан муомала ва ҳаказолар; ҳаракат малакалари-юриш, югуриш ва бошқалар. Кўникма каби малака ҳам эгалланган билимлар асосида ҳосил қилинади. Кўникма ва малака ўртасида фарқли томонлар ҳам бор. Хусусан, ўқувчилар томонидан ўзлаштирилган кўникма ва малакалар ҳар хил характерда бўлади.

Юқорида айтиб ўтилганидек, билим, қўникма ва малакалар жараёнида таркиб топади. Таълим-диалектик тарзда тараққий этиб борадиган ички

зиддиятли жараён бўлиб унда икки томон ўқитувчи ва ўқувчи иштирок этади. Таълим бериш ўқувчиларга билимлар бериш, уларда кўникма ва малакалар хосил қилиш, янги ҳақиқатларни очишга йўналтирилган ижодий, мантиқий тафаккурни тарбиялашдир.

Ўқиши эса ўқувчиларнинг ўзлаштириш, ўқилиш қобилияти ҳамда муайян харакатларни хосил қилиш жараёни саналади. Ўқиши жараёнида ўқувчилар маълум бўлмаган, онгланмаган маълумотларни ўзлаштира борадилар.

Ўқитиши жараёни тўртта асосий босқичдан ташкил топади:

1. ўзлаштирилиши лозим бўлган материални идрок этиш;
2. уни фахмлаб олиш, тушунчалар хосил бўлиши;
3. билимларни мустахкамлаш ва такомиллаштириш, кўникма ва малакаларнинг хосил бўлиш;
4. хосил қилинган кўникма ва малакаларни амалда қўллаш.

Ҳар бир босқич учун ўқувчиларнинг муайян характердаги билиш фаолияти характерлидир. Бу фаолият ўқитувчи томонидан алоҳида раҳбарликни талаб этади.

Таълим жараёнининг бошланғич босқичида ўзлаштирилаётган билимлар моҳияти анализ ва синтез методлари ёрдамида янгиланади.

Анализ (лат.analisis-бўлакларга ажратиш) нарса ва воқеа ходисаларни таркибий қисмларга, бўлакларга ажратишдир. Масалан, анорни каттик пуст, кат-кат парда ва доначаларга ажратнлади.

Синтез (лат. synthesis- бирикиш, кўшилиш) анализга қарама-қарши бўлган фикрлаш жараёнидир. Унда ўрганилаётган нарса ва ходисаларнинг алоҳида қисмларини, бўлаклари бир бутун қилиб бирлашгиралади.

Ўқувчиларниш фикрлаш фаолияти таққослашларда ҳам намоён бўлади.

Таққослаш - нарса ва ходисалардаги тафовут ҳамда ўхшашликни, тенглик ва нотенгликни топа олишга йўналтирилган фикрлаш операцияси демакдир.

Индуктив ва дедуктив тафаккур ўқув материалини тушуниб олишда муҳим аҳамиятга эга.

Индуктив тафаккур (лат. «*indectio*» келтириб чиқариш) – жузъий ёки якка ҳоллардан умумийга, айрим далиллардан умумлашмаларга қараб борадиган, хulosha чиқаришга асосланган мантиқий билиш метод, тафаккур шаклларидан биридир.

Дедуктив хulosha (лат. «*deductio*» иккига ажратиш, келтириб чиқариш) - умумий хукмлардан якка хукмларга қараб бориш орқали мантиқий хulosha чиқаришдан иборат метод, тафаккур шаклларидан биридир.

Анализ синтез, таққослаш, индуктив тафаккур ва дедуктив хulosha методларидан фойдаланиш асосида ўқувчиларда тушунчалар хосил бўлади.

Тушунча - воқеликдаги нарса ва ходисаларнинг муҳим белги ва хусусиятларини бир сўз ёки сўзлар бирикмаси билан ифодалашдан иборат тафаккур шакли. Таълим жараёнининг диалектик характерга эгалиги боис тушунчалар аста-секин чуқурлашиб ва мураккаблашиб боради.

Маълумотларнинг ўзлаштирилиши, тушунчаларнинг таркиб топиши

билимларни ўзлаштириб олишнинг умумий жараёнидаги муҳим вазият ҳисобланади. Ўрганилган материални муроҳаза қила олмаслик, таълим ва меҳнат фаолиятида мустақил бўлмаслик, уларга нисбатан ижодий ёндошмаслик билимларнинг юзаки ўзлаштиришига олиб келади.

### **5.3 Замонавий таълим**

Таълим муассасаларида бериладиган маълумот мазмуни тарихий хусусиятга эга. Кишилик жамияти тараққиётининг барча боскичларида ёш авлодга бериладиган маълумот мазмуни, унинг ҳажми муайян ижтимоий тузумнинг иқтисодий талаб ва эҳтиёжи, фан, техника тараққиёти даражада бўлган бугунги кунда таълим муассасаларида бериладиган маълумот мазмуни ўқувчиларга илмий билимлар бериш, уларнинг фаол ижтимоий фаолияти ташкил этишлари йўлида кўникма ва малакаларни шакллантиришни ифодалайди.

Мустақил Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларида ташкил этиладиган таълим (маълумот)нинг мазмуни аввало комил инсон малакали мутахассисни тайёрлаш жараёни мазмунни билан белгиланади.

Ушбу мақсадни ўзида акс эттирган маълумот мазмуни давлат таълим стандарти, ўқув дастурлари, ўқув режаси ва дарслерлар мазмунидаги бўлади.

Дидактик вазифалар асосида ўқитиш методларини классификация қилиш

Дидактик вазифалар	Ўқитиш методлари
Қабул қилиш ва ЭСЛаб колиши мақсадида ўқув материалини тушунтириш	Оғзаки тушунтириш. кўргазмали, мустақил иш
Эгаллаган билимларни мустадкамлаш	Ўрганилаётган материални мухокама қилиш, мустақил иш.
Кўникма ва малакаларни мустахкамлаш	Кўргазмали - машқ қилиш. мустақил иш.
Эгаллаган билимларни, кўникма ва малакаларни амалиётга қўллаш	Амалий ишлар методи, мустақил иш.

Умумий ўрта (касб-хунар ва олий) таълимнинг ДТС ўзининг тузилиши ва мазмунига кўра давлат, худуд, таълим муассасалари манфаатлари ва воситалари мувозанатини акс эттиради ҳамда энг муҳим ўқувчи шахси, унинг интилишлари, қобилияти ва қизикишлари устуворлигидан келиб чиқади.

ДТСни унинг талабларини бажариш Ўзбекистон Республикаси худудида фаолият кўрсатаётган мулкчилик шакли ва идоравий бўйсунишидан қатъий назар барча таълим муассасалари учун мажбурийдир.

Ҳар бир синф (1.2,3 ... ва ҳоказо) якунида ўқувчилар томонидан эгаллаши лозим бўлган билим, кўникма ва малакалар таълим (ўқув) предметлари

бўйича ишлаб чиқилган ўқув (режаси ва дастурларида) ўз ифодасини топади.

б) Ўқув режаси - барча таълим муассасаларида сўзсиз амал қилиниши лозим бўлган давлат ҳужжатидир, Унда синфлар бўйича ўрганилиши лозим бўлган ўқув предметлари, мазкур предметлар учун ажратилган ҳафталик соатлар ҳажми кўрсатилади.

Таълим муассасалари учун мўлжалланган ўқув режаси ДТСнинг таркибий қисми бўлган таянч ўқув режаси асосида ишлаб чиқилади ва тегишли вазирлик томонидан тасдиқланади (Республика халқ таълими ёки Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги томонидан). Ўқув режаси таълим муассаси маъмуриятига юборилади ҳамда мазкур режа асосида жадвали тузилади. Ўқув жадвалида хафта ўқитиладиган ўқув предметларининг номи ва уларга ажратилган соатлар миқдори кўрсатилиб, у ўқув юрти директорнинг ўқув ишлари бўйича ўринбосари томонидан тасдиқланади.

в) Ўқув дастури ҳам худди ўқув режаси каби муҳим давлат ҳужжати бўлиб, унда муайян ўқув предмети (масалалан «Инсон ва жамият» фанининг мазмунини очиб берилади ва ўқув йили давомида ўқувчилар томонидан ўзлаштирилиши зарур бўлган билим, кўникма ва малакалар ҳажми кўрсатилади.

Ўқув дастурлари тегишли таълим (умумий ўрта, касб-хунар ёки олий таълим) туридаги барча Таълим муассасалари учун ягона, унинг талаблари тўла равишда бажарилиши мажбурий.

Тушунтириш хати, бўлим ва мавзулар бўйича ажратилган соатлар ҳажми, дастур материали мазмуни ҳамда таавсия этиладиган рўйхатидан иборат бўлади. Тушунтириш хатида ўқув предметининг аҳамияти, унинг фанлар тизимида тутган ўрни, улар ўртасидаги алоқадорлик, материални ўрганиш жараёнида хал этилиши лозим бўлган вазифалар очиб берилади, айрим бўлим ва мавзуларни ўрганиш хусусиятлари кўрсатилади, ўқитиш (таълим) методлари ва воситаларини қўллишга доир тавсиялар берилади.

Соатлар ҳисобини асосли ўринларда ўзгартирилишига йўл қўйилади. Дастур материали бўлимлар ва мавзулар бўйича тақсимланган бўлиб, ҳар бир мавзуни ўрганиш учун ўзлаштирилиши мажбурий бўлган тушунчалар тизимини, шунингдек, кўникма ва малакаларнинг аниқ кўрсатгичи берилади, ниҳоят, ўқувчиларга қўйиладиган якуний талаблар баён этилади. Дастур материал таълим ва тарбия мақсадлари, дидактик узвийлик ва изчиликка мувофиқ равишда танланади ва изчиликка мувофиқ равишда танланади ва таксимланади.

Ўқув дастурлари қуйидаги тамойиллар асосида тузилади:

- Дастур мазмунининг илмий хусусиятга эгалиги;
- Дастур мазмунининг ижтимоий-ғоявий хусусиятга эгалиги;
- Назарий ғояларнинг амалиёт билан бирлиги;
- Дастур мазмунининг ижтимоий тарихий хусусиятга эгалиги;
- Дастур мазмунининг муайян тизимга эга бўлиши;
- Ўқув предметлари ўртасидаги ўзаро алоқадорлик, боғланишнинг мавжудлиги;

■ Даструрни тайёрлашда ўқувчиларнинг психологик ва руҳий хусисиятларини инобатга олиш.

Ўқув режаси ва дастури таълим муассасаси маъмурияти, ўқувчилар жамоаларининг сўзсиз амал қилишлари лозим бўлган бўлган давлат хужжатидир.

### **Назорат саволлари:**

1. Таълим жараёнининг моҳияти, вазифаси.
2. «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»нинг асосий йўналишлари.
3. Дидактик вазифалар асосида ўқитиш методларини классификация қилиш.
4. Замонавий таълим.
5. Ўқув дастурлари қайси тамойиллар асосида тузилади?

### **Таянч сузлари:**

Замонавий таълим, таълим жараёни, ўқув дастури, дидактика, ўқитиш методлари

### **Адабиётлари:**

1. Архангельский С. И. Учебный процесс в высшей школе, его закономерные основы и методы. - М., 1980.
2. Бесpal'ko B.P. Некоторые вопросы педагогики высшего образования. - Рига, 1972.
3. Смирнов С.Д. Педагогика и психология высшего образования: от деятельности к личности: Учеб. пособие для студ. высш. пед. учеб. заведений. - М.: Издательский центр "Академия", 2001. - 304 с.
4. Педагогика и психология высшей школы: Учебное пособие. - Ростов н/Д:Феникс, 2002. - 544 с.
5. Основы педагогики и психологии высшей школы / Под ред. А. В. Петровского. - М., 1986.
6. Архангельский СИ. Лекции по теории обучения в высшей школе. - М., 1974.

## **6- МАВЗУ**

### **ТАЪЛИМДА ЯНГИЧА ЁНДАШУВ ВА ИНТЕРФАОЛ МЕТОДЛАР**

**Режа:**

- 6.1 Таълимнинг интерактив методлари.**
- 6.2 Интерактив методлар ва уларнинг таснифи.**
- 6.3 Таълим беришда янгича ёндашув.**

#### **6.1 Таълимнинг интерактив методлари**

Таълим методи мураккаб тушунча. «Метод» сўзи грекча бўлиб, тадқиқот усули йўл демакдир, (масалан, мақсадга эришиш усули, йўли). Бу сўзнинг келиб чиқиши (эпимотологияси) илмий даража сифатида талқин этилади.

«Метод» сўзи фалсафий лугатда мақсадга эришиш усули, аниқ тартибга солинган фаолият деб айтилган. Демак, метод таълим жараёнида ўқув-тарбиявий мақсадга эришишда педагог аа талабалар фаолиятини ўзаро боғловчи усул, йўл. Шу нуқтаи назардан дейиш мумкинкн, ҳар бир ўқув методи педагогнинг ўқитиш, таълим бериш, янги янги билимни баён қилиш, тушунтириш, талабалардан англаш фаолиятини эгаллашга, рағбат уйғотиш ва ривожлантиришни ўзида мужассам этган.

Метод ўқув - таълим жараёнининг негизи. У таълимда режалаштирилган мақсадни охирги хulosага боғловчи таркибий қисм. У таълимнинг мақсад, мазмун, шакллар воситалар тизимини аниқлашга ёрдам беради.

Таълим приёми таълим методининг узвий қисми (бир бўлаги). Приём талабаларда амалий билиш ва кўниммани ҳосил қилишда, ўрганиладиган билимни амалиётда қўллаш уларга кўрсатишда қўлланади.

Таълим методида объектив конуниятлар, мақсад, мазмун, асослар (принциплар), таълим шакллари ўз ифодасини топади. Таълим методлари курилишда, аввало, объектив ва субъектив қисмлар мавжудлиги яққол кўринади. Таълим методидаги объективлик барча методларда мавжуд. Барча дидактик ҳолатлар, конун талаблари, қонуниятлар, тамойиллар (принциплар) ва қоидалар, шунингдек, мақсад, мазмун, ўқув фаолияти шакллари унда мужассам.

Педагогик фаолият — бу инсон шахсини, унинг дунёқарашини, ишончини, онгини, хулқини шакллантиришга бўйсундирилган чексиз масалаларни ечиш жараёнидир. Психологик — педагогик адабиётларда педагогик фаолият турлари (таълим берувчи, тарбияловчи, ривожлантирувчи, сафарбарлик, тадқиқотчилик, ташкилотчилик ва бошқалар) қатор олимлар томонидан тадқиқ қилинган. Шу билан биргаликда педагогик фаолият мунтазам ўзгарувчан, янгиланувчан, ривожланувчанлиги билан ажralиб туради, унга ижтимоий буюртма узлуксиз таъсир кўрсатади.

Таълим—тарбия жараёнини замонавий педагогик технологиялар билан таъминлаш вазифаси педагогдан бевосита ижодий фаолиятни ҳамда ишлаб чиқаришга тегишли бўлган соҳа билимларини талаб этади. Демак, технология мавжуд экан, уни таълим—тарбия жараёнига сингдириш шарт экан, бу жараён қаерда кечиши мумкин, деган савол туғилиши табиий. Бу эса, шаксиз, педагогик корхонада, яъни педагогик ишлаб чиқариш жараёнида рўй беради.

*Тарбиялаш технологияси* — нисбатан янги атама бўлишига қарамай ривожланган мамлакатларда кенг тарқалган. 1. Тарбиялаш технологияси педагогикада янги йўналиш ҳисобланган «ижтимоий педагогика» билан биргаликда фуқаролик ғурури, ватанпарварлик, ижтимоий фаоллик, масъулият ҳисси ва бошқа шахсий сифатларни шакллантиришда жиддий таъсир қилмоқда.

Таъкидлаш жоизки, тарбиялаш технологияси ёшлар билан тарбиявий ишларнинг ғояси, мазмуни ва таркибини эмас, балки бу соҳадаги республикамиз ҳукумати томонидан ишлаб чиқилган мақсад ва вазифаларни самарали амалга ошириш билан шуғулланади. Тарбиялаш технологияси мўлжалланган тарбиявий мақсадга самарали эришувни таъминловчи воситалар мажмуасини қўриб чиқади.

Ўқитувчи педагогларнинг ўзида мулоқот, баҳс олиб бориш маданиятини шакллантириш мақсадида педагогик таълим мазмунига қўйиладиган талаблар, айниқса муҳимдир. Ўзаро ҳамкорлик педагогикаси — ўқитувчи (педагог) ва ўқувчи — талаба орасига ҳамфирлилик, ишонч, ўзаро ёрдам, ижодий ҳамкорлик муҳитини яратади. Бу эса, ўз навбатида, ёшлар томонидан ҳақиқий инсоний қадриятларни англаш ва эътироф этилишини кафолатлади.

Президент И.А.Каримов Олий Мажлиснинг XIV сессиясида сўзлаган нутқида: «Бизнинг олдимиизда озод фуқаро шахсининг маънавиятини, бошқача айтганда, озод, ҳар томонлама ривожланган, ўз ҳуқуқларини яхши биладиган, кучи ва қобилиятига ишониб таянадиган, атрофдаги ҳодисаларга ўзининг мустақил фикр ва муносабати мавжуд, ўз манфаатларини ватан ва халқ манфаатлари билан уйғунлаштирадиган шахсни тарбиялаш вазифаси турибди», деб таъкидлаган эди.

Миллий ўзликни англашни бутун олам инсонпарварлик маданияти умуминсоний қадриятлар, қўп миллатли халқимиз анъаналаридан айrim ҳолда тиклаб бўлмайди.

Ёшларнинг иқтидори ва билимга чанқоқлиги — айнан шулардан маънавиятга эришиш ва уни ривожлантириш бошланади.

Миллий мафкура, психологик ва педагогик фанлардан фойдаланиб, мақсадлар кетма кетлигини тўғри «технологик» танлай билиш ўта муҳим. Назария нуқтай назаридан тарбия услубиётини таърифлаш етарли. Лекин технологик жиҳатдаи барча тарбия мақсадларининг қисмларини аниқлаш ва уларни рўёбга чиқариш йўлларини белгилаш зарур бўлади.

«Олий ва ўрта маҳсус ўқув юртларида бўлгуси мутахассисларни умумий ва касбий маданиятини шакллантириш бўйича жамлама тарбиявий

ишлар режаси» тарбиявий ишларни дастурлашга мисол бўла олади. Ушбу дастур олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги ўқув юртлари олимлари ва педагоглари гурухининг меҳнати маҳсулидир. Унинг асоси этиб, Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг Ўзбекистоннинг дахлсизлигини мустаҳкамлаш, унинг буюк келажагини барпо этиш, ҳар бир талабани қўпқиррали баркамол ва Ватаннинг юксак ғояларига содик шахс сифатида тарбиялаш хақидаги кўрсатмалари олинган.

Дастурда асосий тарбиявий йўналишлар ва мақсадлар келтирилган. Жумладан, фуқаро тарбияси, касб эгаллашга, шахсий масъулиятни, юқори малакали бўлишга ва касбий маҳоратга интилишни тарбиялаш, оилавий ҳаётга тайёрлаш, талабани шахс сифатида ривожлантириш кабиларга алоҳида эътибор берилган. Мазкур дастур талаба ва педагогнинг фаолиятларини айрим —айрим ҳолда таърифлайди, бу эса қўйида келтирилган тарбия технологияси ва Д. Кратволнинг руҳиятли қадрият соҳасидаги ўқув мақсадлари таснифлагичга мос келади. У дунёда тан олинган ва тарбиявий мақсадларни ва кутиладиган натижаларни режалаштиришда кенг қўлланилади. Унинг асосида эса тарбиявий технология ётади. Таълим технологияси каби, тарбия вазифаларни шакллантиришда таълим олувчилар хатти — ҳаракатини акс эттирувчи феъллардан фойдаланилади.

## **6.2 Интерактив методлар ва уларнинг таснифи**

Ўқув — тарбия жараёнига замонавий педагогик технологияларни жорий қилиш педагогдан ижобий ишлашни талаб этади. Педагог ўзида унга ёрдам берувчи ташқи имкониятлар, яъни, назарий —амалий, ўқув қуроллари ва воситалари мавжудлиги ҳақида тўлиқ маълумотларга эга бўлиши керак. Педагог ўзидаги мавжуд маълумотлар ва имкониятлар асосида қаралаётган таълим йўналиши бўйича маълумотлар ва илғор ўқитиши услубларини қўзлаган мақсадга йўналтириш қобилятига эга бўлиши лозим.

Педагогда шаклланган билим, кўникма, малака, ўқитиши воситалари, замонавий педагогик технологиялар имкониятларини мақсадга мувофиқ йўналтира олиш қобилиятлари мавжуд бўлиб, у давлат таълим стандартлари асосида таълим олувчига аниқ мақсадини белгилаб олиши мумкин. Бу эса, ўз навбатида, педагогик технологияларни қўллаш режасини ишлаб чиқишига, яъни вазифаларини белгилаб олишга олиб келади. Белгиланган мақсад ва вазифаларни эътиборга олган ҳолда таълимнинг ҳаракатчан модели яратилади. Моделни ишлаб чиқиш асосан тизимли ёндашув услуби, мақсадлар тизимини яратиш ва унга эришиш кетма — кетлигига асосланган ҳолда олиб борилади. Таълим модедини яратиш замонавий таълим технологиясининг асосий талабларидан биридир.

«Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» педагогга рақобатбардош кадрлар тайёрлаш юзасидан замонавий талаблар мажмуини белгилаб беради. Бир —бирига боғлиқ бўлган талабларнинг мажмуи, педагогнинг умумлаштирилган модедини ташкил этади. Умумлашган моделга мувофиқ

асосий талаблар қуидагилардан иборат, яъни:

- педагогнинг таълим бериш маҳорати;
- педагогнинг тарбиялай олиш маҳорати;
- таълим — тарбия жараёнида инсон омилини таъминловчи шахс фазилати;

—таълим олувчиларнинг билимларини холисона баҳолай олиш ва назорат қила олиш маҳорати. Бугунги кунда Ўзбекистонда жаҳон таълим майдонига киршга йўналтирилган янги таълим тизими қарор топмоқда. Бу жараён билан бир вақтда педагогик ўкув —тарбия жараёнининг назарияси ва амалиётда сезиларли ўзгаришлар содир бўлмоқда. Таълимдаги ёндашувлар таркиби ўзгармоқда ва бошқача муносабатлар, педагогик менталитетлар ўрнатилмоқда. Таълим тизими янги ахборотлар билан ишлаш қобилияти ижодий ечимининг таълим дастурини индивидуаллаштиришга қаратилиши билан бойитилмоқда.

Таълим - педагогик жараённинг муҳим таркиби бўлиб, ўкувчи - талаба билан ўқитувчи (педагог)нинг шахсга йўналтирилган ўзаро муносабатлари ҳисобланади. Ижтимоий билимга тенг бўлган педагогик технологияларнинг ташкил топишида фаннинг роли ортиб бормоқда.

Замонавий педагогик технологияларнинг психологик — педагогик нуқтаи назардан такомиллашувининг асосий йўналишлари қуидагилар билан ифодаланади:

- Ўқувчи-талабанинг ёдлашдан эслаб қолиш функциясига ўтиши, яъни ўзлаштирилганини ишлатиш имконини берувчи ақлий ривожланиш жараёнига ўтиши;
- билимнинг ассоциатив статистик моделидан ақлий ҳаракатнинг динамик таркибий тизимларига ўтиш;
- ўртacha ўқувчи —талабага йўналтирилганликдан ўқитишнинг табақалашган ва индивидуаллаштирилган дастурларига ўтиш;
- ўқувчи—талабанинг ташқи мотивациясидан ички маънавий иродали тартибга солинишга ўтиш.

### **6.3 Таълим беришда янгича ёндашув**

Таълимда замонавий дидактика ва таълим таркибларининг самарадорлигини ошириш, янги ғоя ва технологияларнинг илмий ишлаб чиқилиши ва амалий асосланишига ўтилмоқда. Бунда ҳар хил педагогик тизим билан ўқитиш технологиялари ўртасида боғлиқлик, амалиётда давлат таълим тизимининг янги шаклларининг апробацияси, ҳозирги замон шароитида ўтмишнинг педагогик тизимларини қўллаш муҳим ҳисобланади.

Педагогик технология пайдо бўлгунга қадар бошқа масалалар қаторида мураккаб қурилма ва жараёнлар ўрганиладиган таълим тизими доирасида айнан таълим жараёнини етарлича самарали лойиҳалаш қоидаси ишлаб чиқилмади. Бу бўшлиқни педагогик технология педагогнинг лойиҳалаштирилган ўкув жараёнига ижодий ёндашуви учун кенг ўрин қолдирган ҳолда тўлдиради.

Педагогик технологиянинг ўзига хос томони шундан иборатки, унда

ўқув мақсадларига сўзсиз эришиш ўқув жараёнида лойихалаштирилади ва амалга оширилади. Технологик ёндашув, энг аввало, юзакиликда эмас, балки режалаштирилган натижани амалга ошириш имконини берувчи конструктив, кўрсатмали схемада ўз ифодасини топади.

Мақсадга йўналтирилганлик, жараён натижаларини ташхисли текширув, таълимни алоҳида ўргатувчи эпизодларга бўлиш, ўқув жараёнининг барча бундай қирраларини бугунги кунда таълимни қайта ишлаб чиқиш цикли ғоясига мужассамлаштириш имконини туғдиради.

У асосан ўз ичига қуидагиларни олади:

- таълимда умумий мақсаднинг қўйилиши;
- тузилган умумий мақсаддан аниқ мақсадга ўтиш;
- ўқувчи —талабаларнинг билим даражаларини дастлабки (ташхисли) баҳолаш;
- бажариладиган ўқув ишлари мажмуаси (бу босқичда тескари боғланиш

асосида зудлик билан таълим жараёнига тузатиш киритиш бўлиши лозим);

—натижани баҳолаш.

Ўқув мақсадларининг тўлиқ стандартлаштирилишининг меъёри қуидагича бўлиши мумкин:

- a) юқори, аммо мутлақ эмас:
- б) мутлақ.

Биринчи ҳолатда мақсаднинг мураккаблиги туфайли уни тўлиқ кузатувчан хатти — ҳаракатлар типига айлантириш имконини бермайди, цикл тўлалигича қайта ишлаб чиқилмайди.

Иккинчи ҳолатда конвейерли жараён бўлган таълимнинг репродуктив типи билан иш юритилади.

Ўқув жараёнини педагогик технология асосида ташкил этишнинг режалаштириш босқичида, етакчи педагог олимлар, методист ўқитувчилар педагогик технологиянинг қонун — қоида ва принциплари асосида услубий материалларни ишлаб чиқиш апўтларида юксак малака талаб этилади. Материаллар тайёр бўлгач, педагог асосан, ташкилий ва консультатив (ижодий қўшимчалар киритиш имконини сақлаган ҳолда) вазифаларни бажаради.

Ўқув жараёнининг барча босқичларида бутун тизимнинг асосий технологик жиҳати — ўқув жараёнининг сўнгги натижаларига йўналтирилганлигини кузатиш мумкин.

Умумий кўринишда педагогик технология таркибига қуидагилар киради:

- идентификацияланган ўқув мақсадларини ишлаб чиқиш;
- ўқув мақсадлари таксономияси;
- ўқув мақсадларини назорат (тест) топшириқларига айлантириш;
- мақсадга эришиш усуллари;
- эришилган ўқув мақсадларини баҳолаш;

Педагогик технологияни тушунишнинг асосий йўли аниқ белгиланган

мақсадларга қаратилғанлик, таълим олувчи билан мунтазам ўзаро алоқани ўрнатишидир. Ўзаро алоқа педагогик технология асосини ташкил қилиб, ўқув жараёнини түлиқ қамраб олади. Ўқитувчи (педагог) ўз олдига ўқувчи — талабалар ўқув материалининг мазмунини тушуниб, ўзлаштириб олган маълум билимларни эгаллаб, амалиётга қўллашга ўргансин деган мақсадни қўяди. Бироқ, ўзлаштириш, тушуниш, қўллаш нимани англатади. Ўқитувчи (педагог) ўз олдига қўйган мақсадга эришганлигини қандай билади?

Педагик мақсадга эришганлик ёки эришмаганликни билишнинг аниқ воситалари бўлгандагина, ўқитувчи (педагог) ўзининг меҳнати самарали эканлигига ва танлаган методлари мақсадга муофиқлигига ёки аксинча самарасиз эканлигага ишонч ҳосил қилиши мумкин.

М.В.Кларин фикри бўйича ўқитувчи (педагог)лар томонидан мақсадларни белгилашнинг типик усуллари қуидагича:

1. Ўқув материалининг режасидан келиб чиқиб, мақсадни белгилаш.
2. Мақсадни ўқитувчи (педагог) фаолияти орқали аниқлаш.
3. Ўқувчи — талабанинг иителлектуал, эмоционал, шахсий ривожланиш ички жараёнлари ва қонуниятлари орқали ўқув мақсадини қўйиш.

Ўқитишининг мақсади таълим мазмуни, ўқитувчи (педагог)нинг ёки ўқувчи — талабанинг фаолияти орқали белгилаш таълимда қутилаётган натижалар ҳақида аниқ таассуротга эга бўлишга имкон бермайди. Бу натижалар ҳақида ўқувчи — талабалар фаолиятининг фақат ташқи томондан намоён бўлишини қузатиш мумкин. Бу мақсадга эришишнинг жуда содда ва самарасиз йўлидир.

Ривожланган давлатларда ўқувчи — талаба ва ўқитувчи (педагог)лар учун мақсадларни алоҳида — алоҳида белгилаш одатга кирган. Бу мантиқан тўғри, чунки ўқитиш жараёни педагог ва ўқувчи —талабанинг ўзаро ҳамкорликдаги фаолияти ҳисобланади.

Бунда мақсадлар ўқитувчи (педагог)нинг фаолиятидан келиб чиқкан ҳолда қўйилади (ўргатиш, тушунтириш, кўрсатиш, айтиб бериш ва ҳоказо), ўқувчи —талабанинг характерларида ифодаланадиган натижалар эса таълимнинг вазифалари дейилади. Бундай маънода таълим вазифалари ўқувчи — талаба машғулотнинг охирида билиши ёки бажара олиши мумкин бўлган нарсани англатади.

Умуман олганда, таълим жараёнида вазифаларни ўлчаш, аниқлаш, ўқитишини қайта такрорлаш имконига эга бўлиш учун ҳар бир мақсадга эришиш мезонини билиш керак, яъни таълим мақсади шундай қўйилиши керакки, унга эришганлик ҳақида аниқ хулоса чиқариш мумкин бўлсин.

### **Назорат саволлари:**

1. Таълимнинг интерактив методлари. Уларнинг моҳияти.
2. Интерактив методлар ва уларнинг таснифи.
3. Интерактив методларнинг бошқа методлардан устунлиги.
4. Таълимда замонавий дидактика ва таълим таркибларининг самарадорлигини ошириш.

**Таячн сұzlари:**

Интерактив методлар, таълим, дидактика, педагогик фаолият, тарбиялаш технологияси

**Адабиётлари:**

- 1.Архангельский С. И. Учебный процесс в высшей школе, его закономерные основы и методы. - М., 1980.
- 2.Беспалько В.П. Некоторые вопросы педагогики высшего образования. - Рига, 1972.
- 3.Смирнов С.Д. Педагогика и психология высшего образования: от деятельности к личности: Учеб. пособие для студ. высш. пед. учеб. заведений. - М.: Издательский центр "Академия", 2001. - 304 с.
- 4.Педагогика и психология высшей школы: Учебное пособие. - Ростов н/Д:Феникс, 2002. - 544 с.
- 5.Основы педагогики и психологии высшей школы / Под ред. А. В. Петровского. - М., 1986.
- 6.Архангельский СИ. Лекции по теории обучения в высшей школе. - М., 1974.

**7- МАВЗУ**  
**ОЛИЙ МАКТАБ ПЕДАГОГИКАСИ ФАНИНИНГ ИЛМИЙ**  
**ТАДҚИҚОТ МЕТОДЛАРИ**

**Режа:**

**7.1 Амалдаги педагогик усуллар**

**7.2 Илмий тадқиқот усули**

**7.1 Амалдаги педагогик усуллар**

Педагогика фани ўз мазмун моҳиятини бойитишида, янгилашда мавжуд педагогик ҳодиса ва жараёнларни унинг мақсади ва вазифаларига мувофиқ келадиган усуллари билан ўрганади. Ушбу илмнинг илмий-тадқиқот усуллари деганда ёш авлодни тарбиялаш, билимли қилиш ва ўқитишнинг реал жараёнларга хос бўлган ички алоқа ва муносабатларни текшириш, билиш йўллари, услублари ва воситалари мажмуи тушунилади. Педагогика фанининг илмий —тадқиқот усуллари қанчалик тўғри танланса, таълим — тарбия мазмунини янгилаш ва такомиллаштириш шу даражада юксалади. Аммо шуни таъкидламок лозимки, илмий тадқиқот методлари тизими хали ҳозиргича фанда тўла яратилган, хал этилган эмас. Мавжуд ва ишлаб чиқилган қуидаги илмий тадқиқот усулларига таяниб фикр юритиш мумкин:

1. Педагогик кузатиш усули.
2. Сухбат усули.
3. Болалар ижодини ўрганиш усули.
4. Сўровнома, тест усули.
5. Мактаб хужжатларини таҳлил қилиш усули.
6. Эксперемент, тажриба, синов усули.
- 7.Статистика маълумотларини таҳлил қилиш усули.
- 8.Математика—кибернитика усули.

**Педагогик кўзатиши** — одатда табиий кўзатиши орқали ўқувчиларнинг фанларни ўзлаштиришларини уларнинг хулк атвори ва муомилаларидан ўзгаришларини хисобга олиш ва тегишли таълимий —тарбиявий таъсир кўрсатиш йўлларини белгилаш учун қўлланилади.

**Сухбат методи** — сўрашнинг бир тури бўлгани холда, тадқиқотчининг жиддий тайёргарлик кўришини талаб этади, чунки у текшираётган шахс билан бевосита алоқада бўлиш вақтида оғзаки сухбат тарзида, сухбатдошнинг жавобларини ёзмасдан эркин муомила формасида қўлланилади. Ҳозирги кунда оммавий сўраш назарияси ва амалиётида интервью ташкил этишнинг қўп усуллари мавжуд:

- Гурухлар билан;
- Интенсив;
- Синаш ва ҳакозо.

**Мактаб хужжатларини таҳлил қилиши усули** — бунда ўқувчиларнинг умумий микдори, унинг ўсиши ёки камайиши сабаблари тавсифи, ўқувчиларнинг фанлар бўйича ўзлаштириш даражасига, синфдан қолишнинг олдини олиш, рағбатлантириш ва жазолаш чоралари турларига, мактабнинг

моддий базасига эътибор берилади.

**Тест синовлари методи** — бу ёзма жавобларнинг оммавий равишда ийғиб олиш методидир. Тест синовларини ишлаб чиқиш мураккаб жараёндир. Одатда тест саволларини маълумотларини компьютерда математик статистика методлари билан ишлашга имкон берадиган қилиб тузилади.

Ўз самарадорлиги ҳамда талабаларнинг фанни ўрганишдаги эришган даражалари, олган билимларининг пухталиги қай дарражадалигини ҳам аниқлаш имконини берадиган услугуб бу тадқиқот услубидир.

Бу услугда талабалар юз бераётган воқеликни кузатиш, фактларга дикқатни қаратиш, улардан хulosса чиқаришни ўрганишади.

Тадқиқот методини иқтисодиётни ўрганишни тадбиқ қилиш талабаларнинг пухта билим олишларига катта ёрдам беради. Сабаби иқтисодиёт доимо кишиларнинг олдига танлов муаммосини қўяди, чунки ресурслар чекланган, уларни бир мақсаддагина ишлатиш мумкин. Бир мақсадда ишлатилган ресурсни иккинчи мақсадда ишлатиб бўлмайди. Масалан, ерга уй курилса, энди у ерга экиб ёки йўл қуриб бўлмайди. Бунинг учун уйни бузиш керак. Лекин биз уларнинг орасидан бирини танлашимиз керак. Бунинг учун альтернатив вариантлар таққосланади.

Дарс беришнинг бу методи олдига икки мақсад қўйилади:

1.Мавзунинг мазмунини ўзлаштириш ва илмий методлардан фойдаланишни ўрганиш;

2.Ахборотлар, далиллар, маълумотлар асосида тадқиқот ўтказиш жараёнига қатнашиш орқали, талабаларнинг ахборот тўплаш, тўпланган ахборот устида ишлаш, хulosса чиқариб баҳолашга ўргатиш.

Тадқиқот услуби асосида дарс ўтиш дедуктив мантиқа таяниши мумкин.

Тадқиқотни дедуктив методга асосланиши иқсодиётда қатор тайёр қоида, қонунлар мавжудлиги, улардан қўйилган муамоларни ечишда фойдаланилса бўлишига таянади. Бу қонун, қоидалар талабаларга зарур ахборотларни кераксиз маълумотлардан ажратишга ёрдам беради. Тадқиқот жараёнида изланишни тўғри йўлдан боришига қўмаклашади.

Индуктив методни қўллаш ёрдамида талабалар маълумот, ахборотга асосланиб, иқтисодий ҳодиса ва жараёнлар хақида янги гипотезани илгари суриши ёки илгари билдирилган гипотезаларни текшириб қўриши мумкин. Бунда бир муқобил қиймат иккинчиси билан солиштирилади. Шунинг учун кишиларнинг ҳатти —ҳаракати қандай бўлишини ва маълумотларни синчковлик билан ўрганиш муҳим аҳамиятга эга. Айнан ана шу услуби орқали бунга эришиш мумкин. Тадқиқот услуби бошқа методлардан катта фарқ қиласди. У талабаларни фикр юритиши юқори даражада бўлиши бор интеллектуал қобилиятларни ишга солишини талаб қиласди, Таникли америкалик мутахассис Бенжамин Блум тавсия қилган билишнинг қадам —бақадам беш босқичининг энг юқори босқичига тўғри келади. У баҳолаш бўлиб, баҳолашнинг уддасидан чиқиш учун олган билимини ёдга тушириш, қўйилган масалани тушина билиш, таҳлил қилиш, синтез қилишни билиши, турли варианtlарни таққослаши, охир оқибат хulosса чиқара оладиган даражада билимга эга бўлиши керак. Шунинг учун ҳам бу услубни ҳамма гурухларда қўллаш қийин. Талабаларнинг тайёргарлиги,

фаоллигини таъминлаш, билим даражасини ошириш асосида барча гурухларда кўллаш мумкин бўлади. Бунинг учун талабаларни ахборот тўплаш, мустақил равишда ўқиб, жадвал ва графиклардан фойдаланишни ўрганишларини қузатиш, аниқлаш ва бу кўникмаларни ҳосил қилишлари учун ёрдам бериш керак.

Дарсни тадқиқот методи асосида ташкил қилишнинг таркибий қисмлари.

1. Дарсда талабаларни ҳақиқатдан қизиктирадиган савол ёки масала қўйилади.

2. Ўқитувчи талабаларга бирон — бир гипотеза таклиф қилиши ёки талабаларнинг ўзлари муҳокама қилаётган масаланинг ечимининг мумкин бўлган вариантларини таклиф қилишлари, тушунтиришлари мумкин.

3. Талабалар маълумотлар йиғишиади, ахборотлар тўплашади, мустақил равишда адабиётлар ўқиб, жадвал, график, видеофильм ва бошқаларни ўрганиб, ҳар бири шахсан ўзи тадқиқот ўтказади ёки дарсда тадқиқот ўтказишида қатнашади.

4. Олинган маълумотлар асосида қўйилган масала бўйича хулоса чиқарилади.

5. Аввалги айтилган гипотеза тўғрими ёки йўқ аниқланади. Нотўри бўлса чиқарилган хулоса бўйича янги таъриф берилади.

Тадқиқот услубига дарс ўтишнинг методи сифатида турлича ёндошиш мумкин. Кўпчилик бу услуб талабаларга маълумотларни ўрганиш, синчковлик билан таҳлил қилиш, кишиларнинг ҳатти — ҳаракати қандай бўлиши мумкинлигини ўрганиш, хулоса чиқариш, саволларга жавоб беришга ёрдам беради. Шунинг учун, айниқса, иқтисодиёт назариясини, умуман иқтисодий фанларни ўрганишда кўллаш ниҳоятда зарур деган фикрни билдиради.

Иқтисодий масалалар, муаммоларни тадқиқ қилишда дедуктив таҳминлар кенг кўлланилади. Улар масалани, муаммони ечишда одамларнинг сайди — ҳаракати қандай бўлиши мумкин, улар нимани танлаши мумкин, бунинг сабаби нимада эканлигини тушунишга ёрдам беради. Бу таҳминлар одамларнинг иқтисодий фикрлаш тарзининг қандай кечиши мумкинлиги, у нималарга боғлиқлигини англай билишимизга боғлиқ. Ана шу таҳминлардан тадқиқот ўтказишида фойдаланамиз. Улар асосидагина хулоса чиқаришимиз мумкин.

Талабалар бирон масалани, муаммони ўрганаар экан, инсонларнинг ана шу иқтисодий фикрлаш тарзини ёддан чиқармасликлари лозим.

## 7.2 Илмий тадқиқот усули

Тадқиқот услуби талабаларни бевосита ўрганилаётган мавзу, муҳокама қилинаётган масалага бевосита қатнашиш илмий изланишга амалий ёндошиш имкониятини беради. Бу методни қўллаб дарс ўтганда дарс беришнинг бошқа усулларидан ҳам фойдаланилади.

Бу услуб дарс беришнинг бошқа услубларидан:

1. иқтисодий фикрлашнинг юқори босқичига фойдаланилганлиги;
2. талабаларнинг бор интеллектуал қобилиятларини ишга солиши;
3. илмий изланишда талабаларнинг бевосита иштирок этишлари;
4. маълумотлар, далиллар асосида хисоб—китоб қилиб, хулоса чиқариш ва баҳолашга ўргатиши билан фарқ қиласи.

Дарс ўтишнинг тадқиқот услубида қўйилган масалани ҳал қилиш учун талабалар ўзлари қатнашишлари туфайли пухта билим олишларига имконият яратилади. Улар илмий изланишга ўрганишади. Талабалар қўйилган масаланинг муҳокамаси жараёнида ўз фикрларини мустақил равишда ўртоқлашишга, бошқаларнинг билдирган фикрларини мушоҳада қилишга ўрганишади.

Маълумотларни, далилларни таҳлил қилиш жараёнида талабалар қизиқонлик қилмай объектив тарзда масалани ечишга ўрганишади. Рақамларга кўр—ёндошмасликни, улар замирида иқтисодий ҳодиса, қонунлар яширингандигини кўришга ўрганадилар. Билишнинг нисбий эканлиги, далиллар ўзгариши ва янги маълумотлар олинини холосани ҳам ўзгаришга олиб келишини тушунишга ёрдам беради.

Талабалар турли ахборотлар ва мантиқий мушоҳада орқоли ўз таҳминлари, ўртоқлари билдирган фикрларни тўғри ёки нотўғри эканлигини аниқлашади. Маълумотлар асосида тенденциялар, қонуниятлар амал қилишини аниқлашга ҳаракат қилишади. Илгари сурилган гипотеза билан чиқарилган холосани таққослаб келишади.

Қўйилган масалани тадқиқот методи асосида муҳокама қилиш, юзаки қабул қилинган қарорларга ишончсизлик билан қарашни тарбиялади. Талаба масалани чуқур ўрганиш учун зарур адабиётлар, ахборотлар билан узлуксиз ишлаш зарурлигини тушинади. Буни тадқиқот услубида юқори даражада фикр юритиш зарурлиги ҳам талаб этилади. Шунинг учун ҳам бу услуг талабаларнинг пухта билим олишларини таъминлайди. Улар ўрганаётган предметларининг мазмунини тушунибгина қолмай, ахборот тўплаш ва уни таҳлил қилишни ҳам ўрганадилар.

Кўпчилик педагоглар тадқиқот услубини талабаларнинг билим олишлари қамрови жиҳатидан бошқа методлардан қолишмаслиги, айрим жиҳатлари билан эса афзаллигини таъкидлашади.

Дарсни ўтказишда ўқитувчи ўрганиладиган мавзу бўйича тайёргарлик кўришни ахборот, маълумот, далилларни тўплашни талабаларга аввалдан топшириши мумкин. Ёки ўқитувчининг ўзи зарур далил, маълумотлар асосида талабалар олдига муаммо қўйиб, уни биргалиқда ечиши мумкин. Бунда амалий ўйин, турли иқтисодий моделларни ифодаловчи график, жадваллардан ва бошқа услублардан фойдаланиш орқали тадқиқот ўтказиш, тадқиқотнинг қизиқарли тарзда бўлишига олиб келади, ҳамда барча талабаларнинг фаол қатнашишига эришилади.

Бу усулда бутун гуруҳ биргалиқда иқтисодиётни, қолаверса дунёни яхшироқ тушунишга интилувчи изланувчиларга айланишади.

Лекин бу услугни кўллаш осон эмас. Биринчидан, бу услугда дарс ўтиш кўп вақт талаб қиласи, Кўйилган бир муаммони тадқиқ қилиш учун ҳамма диққат қаратилиб, мавзудаги бошқа масалалар кейинга сурилиши ёки қолиб кетиши мумкин.

Иккинчидан, тадқиқот услуби асосида дарс ўтиш гуруҳ талабаларининг барчасининг қобилияти жиҳатидан бир — бирига яқин бўлишини ва фикрлашнинг "когнитив" даражаси юқори бўлишини талаб қиласи. Бунга

айниқса 1 — курсда эришиш қийин.

Учинчидан, тадқиқот услуби ўқитувчидан чукур билим, тажриба, талант талаб қиласы. Чунки тадқиқот ўтказиш учун ўқитувчининг ўзи ижодий фикрлаш қобилиятига эга бўлиши, тадқиқот жараёнида юз берадиган ҳар қандай кутилмаган ҳодиса, талабалар томонидан қўйилган савол, масала ёки муаммога ҳозиржавоб бўлиши, улардан айнан тадқиқот ўтказилаётган масалани ечишда фойдаланиш маҳоратига эга бўлиши керак.

#### **Тадқиқот услубининг афзалликлари:**

Талабани объектив ва мустақил фикр юритувчи мутахассис сифатида шаклланишига ёрдам беради.

Маълумотлар, далилларга диққат билан ҳисоблашиб ёндашишга ўргатади.

Ҳар қандай билим нисбий эканлигини тушунишга ёрдам беради.

Мантиқий фикрлашга ўргатади.

Юзаки қабул қилинган қарорларга ишончсизлик билан қарашни тарбиялади.

Юқори даражада фикр юритишга ундаиди.

Фақат мавзунинг мазмунини ўзлаштириш эмас, балки мантиқий фикрлашга ўргатади, муаммоларни ечиш учун кўникма ҳосил қиласи.

Дарс беришнинг тадқиқот методи камчиликлари:

Кўп вақт талаб қиласи.

Ўқитувчининг ўзи ижодий фикрлаш қобилиятига эга бўлишни талаб қиласи. У муаммоларни ечиш ва стратегик режалаштириш маҳоратини эгаллаган бўлиши керак

Ўқитувчи фақат "билим бериб"гина қолмай, талабаларни моҳирлик билан мантиқий асосланган хulosага келишга ёрдам бериши кераклиги.

Ўқитувчи дарсда қўйилиши мумкин бўлган муаммоларни стратегик режалаштириш ва уларни ечиш йўлларини ўйлаб қўйиши керак.

Бу эса ҳамма ўқитувчиларнинг, айниқса ёш, тажрибаси кам ўқитувчиларнинг қўлидан келавермайди.

#### **Назорат саволлари:**

1. Амалда Ўзбекистондаги олий ўқув юртларида қандай педагогик усуллар қўлланилмоқда ва уларнинг моҳияти.
2. Педагогик кўзатиш ва сухбат методларини тушунтириб беринг.
3. Мактаб ҳужжатларини таҳлил қилиш ва тест синовлари методларини тушунтириб беринг.
4. Илмий тадқиқот усули ҳақида маълумот беринг.

#### **Таянч сўзлари:**

Илмий тадқиқот усувлари, педагогик усувлари, педагогик вўзатиши, сухбат методи, мактаб ҳужжатлари

#### **Адабиётлари:**

1. Архангельский С. И. Учебный процесс в высшей школе, его закономерные основы и методы. - М., 1980.

- 2.Беспалько В.П. Некоторые вопросы педагогики высшего образования. - Рига, 1972.
- 3.Смирнов С.Д. Педагогика и психология высшего образования: от деятельности к личности: Учеб. пособие для студ. высш. пед. учеб. заведений. - М.: Издательский центр "Академия", 2001. - 304 с.
- 4.Педагогика и психология высшей школы: Учебное пособие. - Ростов н/Д:Феникс, 2002. - 544 с.
- 5.Основы педагогики и психологии высшей школы / Под ред. А. В. Петровского. - М., 1986.
- 6.Архангельский СИ. Лекции по теории обучения в высшей школе. - М., 1974.

## **8-МАВЗУ** **ОЛИЙ ТАЪЛИМДА ЯНГИ ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯЛАР**

**Режа:**

- 8.1 Педагогик технология тушунчаси ва унинг моҳияти.**
- 8.2 Олий ўқув юртларида ўқув тарбия жараёнида янги педагогик технологиядан фойдаланиш.**
- 8.3 Педагогик технологияларни амалда қўллаш.**

### **8.1 Педагогик технология тушунчаси ва унинг моҳияти**

Технология деганда субъект томонидан обьектга кўрсатилган таъсир натижасида субъектда сифат ўзгаришларига олиб келувчи жараён тушунилади. Технология ҳар доим зарурий воситалар ва шароитлардан фойдаланиб, обьектга йўналтирилган мақсадли амалларни муайян кетма-кетликда бажаришни кўзда тутади. Ушбу тушунчаларни ўқув жараёнига кўчирадиган бўлсак, ўқитувчини ўқитиши воситалари ёрдамида ўқувчиларга муайян шароитларда кўрсатган тизимли таъсири натижасида уларда жамият учун зарур бўлган ва олдиндан белгиланган ижтимоий сифатларни интенсив тарзда шакллантирувчи ижтимоий ходиса, деб таърифлаш мумкин. Таърифлар назарияси бўйича бундай ижтимоий ходисани педагогик технология деса бўлади.

Педагогик технология ижтимоий зарурият бўлганлиги туфайли даставвал АҚШда 70-йилларда фалсафанинг биохивиоризм оқими заминида юзага келди ва бошқа ривожланган мамлакатларга тез тарқалиб кетди.

Ер юзи мамлакатлари икки қарама-қарши лагерга бўлинниб, совук уруш авжга чиққан даврда социализм тарафдорлари бу ижтимоий ходисани мафкура нуқтаи назаридан тан олмай, кўп йиллар давомида уни кўр-кўрони инкор қилиб келишди.

XX-аср 90-йилларни бошларида социализм нураб, унга аъзо бўлган давлатлар бирин-кетин мустақил бўлганидан кейин ҳар жиҳатдаи тараққий этган хорижий мамлакатларга, шу жумладан Ўзбекистонга ҳам кенг йўл очилди.

Мустақкликка эришган Ўзбекистон олимлари хорижий мамлакатлар билан иқтисодий, ижтимоий, сиёсий ва илмий-маърифий алоқалар ўrnата бошладилар. Натижада юртимизда илфор ва самаралн технологиялар кириб кела бошлади. Шулар қатори жаҳондаги прогрессив педагогик технология тушунчалар ҳам кириб келиб, Педагогик жамоатчилигимизни фикрини чулғаб олди.

Педагогика фанида қўлланилаётган «педагогик технология» атамаси инглизча сўздан олинган бўлиб, «таълим технологияси» деган маънода тўғри таржима қилинади.

Педагогика фанида педагогик технология тушунчасини таърифлашда хали ягона фикрга келганича йўқ. Айрим педагоглар «педагогик технология» деганда технологик ёндашувга асосланмаган (баъзи фойдали, самарали усулларни ёки ўқитиши жараёнида техник воситаларни қўллашни)

тушунадилар. Лекин, педагогик-технология таълим жараёнига янгича, ўзига хос белгилар, хусусиятларга эга бўлган, тизимли, технологик ёндашувга асосланади. У педагогикада ижтимоий-мухандислик тафаккуриннинг маҳсули, технократик илмий фикр(онг)нинг таълим соҳасида лойиҳаси, таълим жараёнини маълум даражада стандартлаштириш, такрорланадиган педагогик жараёнга айлантиришдир.

## **8.2 Олий ўқув юртларида ўқув тарбия жараёнида янги педагогик технологиядан фойдаланиш**

Педагогикада қайта такрорланадиган педагогик жараён яратиш осон иш эмас. Бунга ўқув-тарбия вазифаларининг турли- туманлиги, таълим мазмуни ва ўқув материалларининг хар хиллиги, талабаларнинг билим ўзлаштириш қобилияtlари, хотира хусусиятлари бир хил эмаслиги каби бошқа факторлар сабаб бўлади.

Шунга қарамай ривожланган мамлакатларда олимлар педагогик технология усулини ишлаб чиқдилар, улар яратган педагогик технология усули қайта такрорланадиган педагогик цикл бўлиб, таълим олишда режалаштирилган натижаларни кафолатлайди.

Педагогик адабиётларда педагогик технология тушунчасига берилган таърифлар ва унинг муҳим белгилари, хусусиятларини умумлаштирилган ҳолда келтирамиз.

ЮНЕСКО ташкилоти маъқуллаган таъриф: «Педагогик технология бу, таълим шаклларини оптималлаштириш мақсадида "техник воситалар, инсон салоҳияти ҳамда уларнинг ўзаро таъсирини инобатга олиб, ўқитиш ва билим ўзлаштиришнинг барча жараёнларини аниқлаш, яратиш ва қўллашнинг тизимли методидир».

Бошқа муаллифларнинг таърифлари:

- педагогик технология — амалиётга жорий этиш мумкин бўлган маълум педагогик тизимнинг лойиҳасидир;
- педагогик технология— таълим-тарбиядан қўзланган мақсадга эришиш учун ўқув жараёнида қўлланиладиган усуллар, воситалар мажмуидир;
- педагогик технология олдиндан белгиланган, ўқув-тарбия жараёнини изчил амалга ошириш кабилар;

Юқорида келтирилган таърифлар педагогик технология усулининг мазмунини англаш ва аниқлаш жараёнини хали поёнига етмаганидан далолат беради. Бу мақсадга ойдинлик киритиш учун, аввало педагогик технология усулининг муҳим белгиларни аниқлаш талаб этилади.

Педагогик адабиётларни ўрганиш ва таҳлил этиш педагогик технологиянинг муҳим хусусиятлари, белгилари қаторида қуйидагиларни кўрсатиш имконини беради:

- таълим жараёнини олдиндан лойиҳалаш ва синфда ўқувчилар билан қайта ишлаб чиқиш;
- тизимли ёндашув асосида талабанинг ўқиш-билиш фаолиятини тасвирлайдиган таълим жараёнини лойиҳасини тузиш;

- таълим мақсади реал, аниқ диагностик бўлиши ва ўқувчининг билим ўзлаштириш сифатини объектив баҳолаш;
- таълим жараёнининг тузилиши ва мазмуни яхлитлиги, ўзаро боғлиқ ва ўзаро таъсирда бўлиши;
- таълим шаклларини оптималлаштириш (қулайлаштириш);
- таълим жараёнида техник воситалар ва инсон салоҳиятининг ўзаро таъсирини ҳисобга олиш;
- таълим мақсадларини кўзлаган этalon асосида ўқувчиларнинг кузатиладиган, ўлчанадиган ҳаракатлари шаклида жуда ойдинлашади;
- талабанинг фаоллигига таяниб ўқитиш;
- билим ўзлаштириш жараёнида йўл қўйилган хатоларни аниқлаб, уларни тузатиб бориш;
- шакллантирувчи ва жамловчи баҳолар;
- белгиланган мезонларга биноан тест вазифаларни бажариш;
- таълим режалаштирилган натижасига эришишнинг кафолатланганлиги;
- таълим самарадорлигини юқорилиги.

Педагогик технология тушунчасига доир мавжуд таърифлар ҳамда педагогик технология усулининг муҳим белгилари, хусусиятларини умумлаштирилган холда келтирдик. Маълумки мантиқ фанига қўра, бирор тушунчага илмий таъриф бериш учун таърифда тур ва жинс тушунчалар келтирилиши ва таърифланаётган тур тушунчани жинс тушунчага кирадиган бошқа тур тушунчалардан фарқини кўрсатувчи муҳим белгилари кўрсатилиши талаб этилади.

ЮНЕСКОнинг таърифида «педагогик технология» - тур тушунча, «тизимли метод» жинс тушунча ҳисобланади. Таърифда педагогик технология усулини ўқитишнииг бошқа усулларидан кескин фарқини яққол кўрсатувчи: «таълим жараёнига тизимли, технологик ёндашув; таълим мақсадларини ойдинлаштириш, натижасини кафолатлаш ва объектив баҳолаш»дек муҳим белгилар акс этмаган. Жинс тушунча сифатида ишлатилган «тизимли метод» атамаси ҳам битта метод (яъни тизимли метод) маъносини билдиради.

Бизнингча, таърифда жинс тушунча сифатида «методлар мажмуи» атамасии ишлатиш мантиқий жиҳатидан тўғрироқ бўлар эди. Шу мулоҳазалар асосида биз «педагогик технология» тушунчасига қуйидагича таъриф беришни мақсадга мувоғиқ, мукаммалроқ деб ҳисблаймиз:

Педагогик технология — тизимли, технологик ёндашувлар асосида таълим шаклларини қулайлаштириш, натижасини кафолатлаш ва объектив баҳолаш учун инсон салоҳияти ҳамда техник воситаларни ўзаро таъсирини инобатга олиб, таълим мақсадларини ойдинлаштириб, ўқитиш ва билим ўзлаштириш жараёнларида қўлланиладигаи усул ва методлар мажмуидир. Бундай усул ва методларни ишлаб чиқиш педагогик технология учун педагогик амалиёт жараёнларини белгилаш ва тасвирлаш; ўқувчи ва студент келгуси фаолиятида дуч келадиган вазифаларни олдиндан аниқлаш; ўқитишнинг ҳар бир босқичида таълимнинг мазмуни (ўқув режаси, ўқув

элементлари, уларнинг мантииқий тузилмаси, ўкув дарслари, дарсликлари)ни белгилаш; ўкув юкламаси боланинг кучига мослик даражасини ва талабанинг ўзлаштириш тезлигини аниқлаш; таълим-тарбиянинг шакллари ва воситалари (ўкув қўлланмалари, таълимнинг техник воситалари)ни тайёрлаш; ўкув жараёнининг мотив компонентини рўёбга чиқариш мақсадида предметнинг мазмунига киритиш учун қўшимча равища вазиятли матнлар, тестлар тайёрлаш; шахсда шакллантириш назарда тутилган касбий сифатлар ва маънавий фазилатларни ўзлаштиришга йўналтирилган машқлар тизимини ишлаб чиқиш; таълимнинг натижаси ва ўзлаштириш даражаси сифатини баҳолаш мезонларига мос равища талабанинг билим ва малакаларни эгаллаш сифатини объектив баҳолаш учун тест вазифаларини режалаштириш, мустақил машғулотларни тузилмаси ва мазмунини ишлаб чиқиш қаъбилар ҳам педагогик технологиянинг вазифаси ҳисобланади. Педагогик технология назарияси ва амалиётти қуидаги қонуният ва принципларга асосланади:

- таълим-тарбия жараёни тузилиши ва мазмуни жиҳатдан яхлитлиги, бирлиги;
- таълим жараёнини оптималлаштириш: қулай шароит яратиб, оз вакт, кам куч сарфлаб, юқори натижага эришиш;
- замонавийлик: педагогик амалиётга илмий асосланган дидактик янгиликларни, янги тартиб қоидаларни жорий этиш, таълим мазмунини узлуксиз янгилаб, замонавийлаштириб бориш;
- илмийлик: таълим-тарбияда янги шакл ва воситалар, фаол методлар, дидиктик материалларни қўллаш, узлуксиз изланиш, тадқиқот;
- талаба ва ўқитувчи фаолиятини оқилона уюштириш: ўқувчи таълим мақсадини, мазмунини пухта билиш, таълим усуллари ва техник воситарни яхши эгаллаган бўлиши; ўқувчининг манфаатдорлиги, қизиқиши ва интилувчанлиги;
- педагогик жараённи жадаллаштириш: ахборот технологияси ва техник воситалардан фойдаланиш самарадорлигини оширувчи дидактик материалларни ишлаб чиқиш ва қўллаш;
- ўкув жараёни учун моддий-техник базасини яратиш;
- педагогик жараён учун зарур моддий-техник базасини яратиш;
- педагогик жараён натижаларини холисона ва объектив баҳолаш; тест усули, рейтинг тизими, талабанинг билим ва қўникмаларини жараёнини назорат қилиш, баҳолашни такомиллаштириш;
- таълим-тарбиянинг табиатга мослиги;
- таълим-тарбиянинг жамиятга мослашуви ва бошқалар.

Охирги йилларда Россия билан Ўзбекистон педагогик технологияни ўрганиш йўлида анча ишлар қилинда. Педагогик технологияни худудга мос вариантини яратишга қўл урган Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги (МДҲ)нинг пешқадам педагог олимларига тасаннолар айтиш билан биргаликда, уларни йўл қўяётган камчиликларни айтиб, уларни тузатиб ўтишни лозим кўрдик. Чунки бу камчиликлар педагогик технологиянинг мазмун ва моҳиятини тўғри тушунишга халал бермоқда. Бунинг учун МДҲда

шу йўналишда фаолият кўрсаётган педагог олимларнинг «Педагог технология» тушунчасига берган таърифларини ҳамда улар тузиб чиқсан педагогик технология лойиҳаларни таҳлил қилиб чиқамиз.

### **8.3 Педагогик технологияларни амалда қўллаш**

Педагогик технологияни ўқув жараёнига олиб кириш зарурлигини МДҲга кирувчи мамлакатлар ичидан биринчилар қаторида ҳар томонлама илмий асослаб берган россиялик олим В.П.Веспальконинг фикрича, «ПТ-бу ўқитувчи маҳоратига боғлиқ бўлмаган ҳолда педагогик муваффақиятни кафолатлай оладиган ўқувчи шахсини шакллантириш жараёни лойиҳасидир».

Россия олимларидан В.М.Моиахов: «ПТ-аввалдан режалаштирилган натижаларга олиб борувчи ва бажарилиши шарт бўлган тартибли амаллар тизимиdir», - деган.

М.В.Кларин фикрича, ПТ-ўқув жараёнига технологик ёндашган ҳолда, олдиндан белгилаб олинган мақсад кўрсаткичларидан келиб чиқиб ўқув жараёнини лойиҳалашдир.

И.Я.Ларнернинг фикрича, ПТ-ўқувчилар ҳаракатларидағи акс этган ўқитиши натижалари орқали ишончни англаб олинадиган аниқлайдиган мақсадни ифодалайди.

Б.П.Беспальконинг ўзбекистондаги шогирдлари Нурали Сайидахмедов ва Абдураҳмон Очиловларнинг фикрича, ПТ-бу ўқитувчининг ўқитиши воситалари ёрдамида ўқувчиларга муайян шароитда таъсир кўрсатиши ва бу фаолият маҳсули сифатида уларда олдиндан белгиланган шахс сифатларини интенсив шакллантириш жараёнидир.

Бу таърифларни узоқ хорижда берилган таърифлар билан солиштириб кўриш учун япон педагог олими Т.Сакомото берган таърифини келтирамиз. «ПТ-бу мажмуали фикр юритиш усулини педагогикага сингдириш, бошқача қилиб айтганда, педагогик жараёнини муайян бир мажмууга келтиришдир».

Келтирилган таърифларни илмий-фалсафий нуқтаи назардан таҳлил қиласиган бўлсак, узоқ хорижда берилган таърифлар билан МДҲ мамлакатлари олимларининг берган таърифлари бир-бирига яқин келсада, фарқи ҳам анчалигини кўрамиз. Жумладан, Сакомото ва ЮНЕСКО таърифларида мажму ёндашув тамойилига алоҳида урғу берилган. МДҲ олимларининг ПТ га берган таърифларида мажму ёндашув эслатиб ўтилган билан, ўқув жараёнини лойиҳасини тузишганда уни мутлоқ унутиб, мажму ёндашув тамойилининг қонун қоидаларига сира амал қилишмаганлигини кўрамиз. Ҳақиқатда эса, объектив борлиқка мажму ёндашув тамойилини яхши билган кишига, Сакомото айтганидек, «ПТ-ўқув жараёнини муайян бир мажмуга келтиришдир», деган тушунча кифоя қиласиди. Бу тушунча орқали ПТнинг бошқа ҳамма хусусиятларини англаб олса бўлади.

Хуллас, педагогик технология — таълим усули, маълум маънода таълим-тарбия жараёнлари, воситалари, шакл ва методлари мажмуи. Ўқув материалларни танлаш, қайта ишлаб ўқувчиларнинг кучига, ўзлаштириш хусусиятларига мослаб шакли, хажмини ўзгартириш ҳам таълим тарбиянинг-объектив қонуниятлари, диагностик мақсадлар асосида ўқув жараёnlари,

таълим-тарбиянинг мазмуни, метод ва воситаларини ишлаб чиқиш ва такомиллаштириш тизимиdir.

**Назорат саволлари:**

1. Педагогик технология тушунчаси ва унинг моҳияти.
2. Олий ўқув юртларида ўқув тарбия жараёнида янги педагогик технологиядан фойдаланиш.
3. Педагогика фанида педагогик технология тушунчасини таърифлаш.
4. Педагогик технологияларни амалда қўллаш.

**Таянч сўзлари:**

Тарбия жараён, педагогик технологияси тушунчаси, таълим, тарбия

**Адабиётлари:**

1. Архангельский С. И. Учебный процесс в высшей школе, его закономерные основы и методы. - М., 1980.
2. Бесpal'ko B.P. Некоторые вопросы педагогики высшего образования. - Рига, 1972.
3. Смирнов С.Д. Педагогика и психология высшего образования: от деятельности к личности: Учеб. пособие для студ. высш. пед. учеб. заведений. - М.: Издательский центр "Академия", 2001. - 304 с.
4. Педагогика и психология высшей школы: Учебное пособие. - Ростов н/Д:Феникс, 2002. - 544 с.
5. Основы педагогики и психологии высшей школы / Под ред. А. В. Петровского. - М., 1986.
6. Архангельский СИ. Лекции по теории обучения в высшей школе. - М., 1974.

## **9 -МАВЗУ ОЛИЙ ТАЪЛИМДА ПЕДАГОГИК МАҲОРАТ**

**Режа:**

**9.1 Олий таълимда педагогик маҳоратни шакллантиришнинг асосий тамойиллари.**

**9.2 Олий таълимда педагогик меҳнат ва педагогик маҳоратнинг узвийлиги.**

**9.3 Олий таълимда педагогик маҳоратни шакллантиришнинг асосий воситалари.**

### **9.1 Олий таълимда педагогик маҳоратни шакллантиришнинг асосий тамойиллари**

Республикамиз ҳукумати олий ва халқ таълими соҳасида ўргага қўяётган вазифаларни бажариш кўп жиҳатдан педагогга боғлик. Яъни иқтисодий шароитда таълим —тарбиядан кўзда тутилаётган мақсадларга етишиш, талаба — ёшларнинг хилма —хил, фаолиятларни уюштириш, уларни билимли, одобли, эътиқодли инсон қилиб ўстириш педагог зиммасига юқлатилган. Халқимизнинг келажаги, Мустақил Ўзбекистонимизнинг истиқлоли кўп жиҳатдан педагогга, унинг савиясига, тайёргарлиги, фидойилигига, ёш авлодни ўқитиш ва тарбиялашга муносабатига боғлик. Узлуксиз таълим тизими амалга оширилмоқда. Шу муносабат билан педагогиклар маҳоратини оширишни ташкил этиш, қайта тайёрлаш иши давлат ва жамиятнинг диккат марказига қўйилган. Педагогларни фалсафий жиҳатдан кенг фикровчи, юксак маҳоратли, мулоҳазали бўлишларига эътибор берилмоқда. Шуни айтиш керакки, педагогик шарафли, лекин жуда мураккаб касбдир. Яхши педагог бўлиш учун педагогик назарияни эгаллашнинг ўзигина етарли эмас Чунки, педагогик назарияда болаларни ўқитиш ва тарбиялаш ҳакида умумий қонун қоидалар, умумлаштирилган услубий ғоялар баён этилади. Педагогларнинг ёш индивидуал хусусиятларини этиборга олиш таъкидланади. Лекин, ўрта маҳсус таълим ҳаёти, жараёни хилма-хилдир. Педагогик назарияга мос келмайдиган вазиятлар учраб туради. Бу эса педагогдан кенг билимдонликни, амалий тайёргарликни, юксак педагогик маҳорат ва ижодкорликни талаб этади. Шунинг учун ҳам Мустақил Ўзбекистон давлатининг умумий таълим муассасаларида ишлайдиган ўқитувчи, педагог фаолиятига қобилиятли, ижодкор, ишбилармон, миллий маданият ва умуминсоний қадриятларни, дунёвий, диний билимларни мукаммал эгаллаган, маънавий баркамол, Ўзбекистоннинг мустақил давлат сифатида тараққий этишига ишонадиган ватанпарварлик бурчини тўғри англаган, эътиқодли фуқаро, ихтисослик, психологик, педагогик билимли ва маҳоратли, бўлиши муҳимдир.

Бирор касбнинг ҳақиқий устаси бўлиш учун табиий қобилият, маълум жисмоний ва руҳий хислатлар жо бўлиши керак. Педагоглик фаолиятида ёшларни ўқитиш ва тарбиялаш ишини самарали бажариш, ота — оналар ва талабанинг иззат — хурматига сазовар бўлиши учун кишида бу ишга лаёқат, қобилият, маҳорат, қизиқиши бўлмоғи лозим.

## **9.2 Олий таълимда педагогик меҳнат ва педагогик маҳоратнинг узвийлиги**

Муваффақиятли ишлаш учун хар бир талаба педагогик маҳоратга эга бўлиши зарур. Педагогик маҳорат эгаси оз меҳнат сарф қилиб катта натижага эришади. Ижодкорлик унинг хамиша хамкори бўлади. Педагогик ишга қобилиятли, истеъдодли кишидагина педагогик маҳорат бўлиши мумкин.

Юксак маҳоратли талаба учун энг аввало қобилиятли, малакали ва улдабурон бўлиши керак. Қобилият фаолият жараёнида пайдо бўлади ва ривожланади. Қобилият малака ва улдабуронлиқдан фарқ қиласди. Малака ва улдабуронлик машқ, ўқиш натижаси хисобланса, қобилиятнинг ривожланишида истеъдоднинг ўрни бекёёсdir. Ана шундагина қобилият деб аталувчи руҳий хусусияти тарақкий этади. Педагогик фаолиятнинг самарали бўлиши учун у педагогда қобилиятнинг қуидаги турлари мавжуд бўлиши лозим. Билим қобилияти, тушунтира олиш қобилияти, кузатувчанлик қобилияти, нутқ қобилияти, ташкилотчилик қобилияти, обру орттира олиш қобилияти, келажакни кўра билиш қобилияти, диққатни тақсимлай олиш қобилияти ва х.к.

Маҳоратли педагог талабалар руҳиятини, билим ва камолот даражасини хисобга олади. Баъзи ўқитувчиларга ўкув материали оддий, тушунарли ва қандайдир алоҳида изоҳни талаб этмайдигандек туюлади. Бундай педагоглар талабаларни эмас, балки ўзларини назарда тутадилар. Қобилиятли, тажрибали педагог ўзини талабанинг ўрнига қўя олади. У фаннинг илмий — назарий асосларини талабаларга тушинтириш мақсадида иш тутади. Шунинг учун у баён этишнинг характер ва шаклини алоҳида ўйлаб чиқади.

Маҳоратли педагог дарс материалини баён этиш жараёнида талабаларнинг қандай ўзлаштираётганларини талабаларнинг қатор белгилар асосида пайқаб олади ва зарур холларда баён қилиш усулини ўзгартиради. Шунингдек педагог талабаларни саводли ўзлаштиришлари учун замин тайёрлаб, уларни дам олишдан ишга ўтишлари, бўшашини, ланжлик, лаёқатликларини бархам бериш учун минимал даражада фойдаланиш учун вақт ажратиш зарурлигини ҳисобга олади. У тегишли вазият юзага келгунга қадар иш бошламайди.

Педагогнинг одоби, маданияти юксак бўлсагина, одамларга нисбатан меҳрибон, саховатли бўла олади, уни ҳамма ҳурмат қиласди. Ўқитувчи умуминсоний қадриятларни ижодий ўрганиб, таълим тарбия жараёнига тадбиқ этиши лозим. Шу билан бирга миллий ўзига хослигимизни, асрлар синовидан ўтган анъаналаримизни, хамиша иймон —эътиқод билан яшаш каби хаётий тамойилларимизни хам сақлаб, хам юксалтириб бориши ва уларни талабалар қалбига сингдириш зарур. Педагог фаолияти ўз моҳиятига кўра ижодий характерига эга. Маълумки, инсон олдида бирор муаммо тургандагина ижодкорликка эҳтиёж туғилади. Педагог фаолияти ана шундай хусусиятга эга. Педагогик ижодкорларнинг асосий моҳияти фаолиятининг мақсади ва характери билан боғлик. Педагогик фаолият киши шахсини, унинг дунёкараши, эътиқоди, онги, хулк —авторини шакллантиришдек умумий мақсадга буйсунган сон —саноқсиз педагогик масалаларни ечиш жараёнидир. Педагог фаолиятидаги ижодкорлик ана шу масалаларни ечиш усусларида, уларни хал қила олиш йўлларини қидириб топа олишида ифодаланади.

Педагогик ижодкорлик манбаи —бу педагогик тажрибадир. Педагогик

тажриба — муаммоли вазиятларга жуда бойдир. Илғор педагогик тажриба деганда, биз ўқитувчининг ўз педагогик вазифасига ижодий ёндошишини талабаларнинг таълим—тарбиясига янги, самарали йўл ва воситаларни қидириб топишини тушунамиз.

Ижодий ишлайдиган талаба фақат талабаларни муваффақиятли ўқитиш ва тарбия бериш, илғор иш тажрибаларини ўрганиш билангина чекланиб қолмасдан тараққиётчилик кўникма ва малакаларига ҳам эга бўлиш зарур. Хозирги замон фан ва техника тараққиёти педагогнинг ижодкор бўлишини, фаннинг муҳим муаммолари юзасидан эркин фикр юрита билиш, фан ютукларини ўқувчиларга етказа олиши, тадқиқот ишларига ўргата олишини талаоб қиласди.

Тарбия жараёнида педагогик таъсир кўрсатиш талабага у ёки бу юксак ахлоқий сифатларининг мохиятиии англиши жараёнида қўлланиладиган педагогнинг иш усулларидан биридир.

Хар бир шахсга таъсир этиши тарбиячининг педагогик маҳорати ва обруғисига боғлиқдир. Бунда:

- талабнинг ижобий хатти — харакатларига тўсқинлик қиласлиги;
- талабларни аниқ ва тушунарли бўлиши;
- қўйилган талаб ва вазифаларни натижасини билиш;
- талаб очик чехра, самимий бир охангда берилиши, илтимос, маслаҳат, яхши ниятга чорлаш;
- талаб талабанинг билим савијасига мос бўлиши.
- талабаларга кесатиш, луқма, миннат қилиш бўлмаслиги ва бошқаларга ёзтибор бериш лозим.

Кишилик жамоаси пайдо бўлган даврдан бошлаб инсон хеч қачон ёлғиз яшай олмаган. Жамоаларни ташкил қилиш ва унинг тарбиявий таъсирини назарий ва амалий асослари мутафаккир ва олимлар томонидан ўрганилиб, у илмий тадқиқот ишлари олиб борилган. Талаба—ёшлар жамоасини ташкил қилиш, тарбиялаш ва жипслаштириш борасидаги назарий билимларни ўзлаштириб, илғор тажрибаларга суюниб, уларни тарбиявия жараёнида дўстлик, ўзаро хамкорлик, хамжихатлик, ўз—ўзини тарбиялаш ва бошқариш каби жамоатчилик сифатларини шакллантириш маҳоратини ўзлаштиришдан иборат. Улар:

- Хар бир талаба шахсида ўзаро муносабат алоқаларини яратиш;
- талабалар кундалик фаолиятларининг ҳамма қирраларини жамоада жипслаштириш
- шахсий манфаатдан жамоа манфаатини юқори қўйишга ўргатиш;
- жамоада бир—бирига меҳр — оқибатли, муруват ва сахийлик дўстона хамкорлик мавжуд бўлса, у катта тарбиявий кучга айланади.

### **9.3 Олий таълимда педагогик маҳоратни шакллантиришнинг асосий воситалари**

Касб—хунар таълими коллежи талабалар жамоаларини ташкил қилинада педагогдан турли —туман усул ва воситалардан маҳорат билан фойдаланиш талаб қилинади;

1. Педагог жамоа аъзоларини янги шароитга мослаштириш жараёнида уларга ишонч, хурмат, хушмуомалалик талабларни тўғри кўя билиш, шу билан бирга

ўкувчини тушуниш ва эшита билиш маҳоратига эга бўлиши керак.

2. Талабалар жамоасидаги етакчи куч— таянч ўзагини танлаш.
3. Жамоа аъзоларининг хар бирининг кучига, қобилиятига қараб топшириклар бериш.
4. Жамоада янги анъана, қонун —қоидаларнинг дастлабки куртагини яратиш ва унга амал қилиш.
5. Жамоа истиқболини давр талаби билан мослашган холда белгилаш талаб қилинади.

Хар бир педагог педагогик фаолият юритар экан, бераётган таълим — тарбиясининг янада самарали бўлиши учун ўз устида муттасил ишлаши, билимини, маҳоратини ўстириши, ўкувчилар билан бўладиган муносабатларни пухта ўйлаб, уларнинг қўнглига озор етказмасдан иш олиб бориши лозим. Муомала маданияти, ўзини тута билишини назорат қилиши керак. Хар бир дунёқараши унинг муомаласида намоён бўлади. Муомаланинг асосий воситаси—тилдир. Халқимизда шундай нақл бор "Бола — ширин сўзнинг гадоси". Шундай экан тарбиячи муомала жараёнида жуда эхтиёткор бўлиши мақсадга мувофиқдир. Алишер Навоий муомала қилувчи шахснинг маҳорати ҳақида шундай дейди: "Ширин сўз қўнгиллар учун бамисоли асалдир."

Шунинг учун хам талаба хар он нутк маданиятига қаттиқ эътибор бериши, узининг психологик, эстетик, жисмоний, ахлокий жиҳатларини намуна холатда намоён этиши мухим, юксак туйғу маданиятига эга бўлган педагогнинг кайфияти, ноҳушлигини дарров фахмлайди.

Кўпол, одобсиз гапларга ўрин қолдирмаслик, бола шахсига тегадиган қўпол муомала қилиш педагогнинг фаолиятига путур етказади. Талаба ахволини тушуниш унга хамдард бўлиши, мадад бериш керак, педагог ўзининг педагогик фаолиятида аввало тўғри сўз бўлиши, ишлариниadolat билан олиб бориши керак. Бу хислат тарбиячи билан ўқувчи ўртасида яқинликни оширади, чункиadolat инсонлар хулқини баҳоловчи мухим мезондир.

Хазрат Алишер Навоий айтганидек: «Лоақал бир харф ўргатган устознинг хаққини юз минг ганжу хазина билан хам ўзиб бўлмайди». Биз улардан умрбод қарздормиз.

### **Назорат саволлар:**

1. Олий таълимда педагогик маҳоратни шакллантиришнинг асосий тамойиллари.
2. Педагогнинг одоби, маданияти.
3. Олий таълимда педагогик меҳнат ва педагогик маҳоратнинг узвийлиги.
4. Олий таълимда педагогик маҳоратни шакллантиришнинг асосий воситалари.

### **Таянч сўzlари:**

Педагогик маҳорат, педагогик меҳнат, педагогнинг одоби ва маданияти, талаба, коллеж, воситалар

**Адабиётлари:**

- 1.Архангельский С. И. Учебный процесс в высшей школе, его закономерные основы и методы. - М., 1980.
- 2.Беспалько В.П. Некоторые вопросы педагогики высшего образования. - Рига, 1972.
- 3.Смирнов С.Д. Педагогика и психология высшего образования: от деятельности к личности: Учеб. пособие для студ. высш. пед. учеб. заведений. - М.: Издательский центр "Академия", 2001. - 304 с.
- 4.Педагогика и психология высшей школы: Учебное пособие. - Ростов н/Д:Феникс, 2002. - 544 с.

## **10- МАВЗУ** **БЎЛАЖАК МУТАХАССИСЛАРДА ПЕДАГОГИК** **ҚОБИЛИЯТЛАРНИ ШАКЛЛАНТИРИШ**

**Режа:**

- 10.1 Қобилиятнинг психологик ва педагогик характеристикалари.**
- 10.2 Педагогик қобилиятнинг асосий турлари.**
- 10.3 Педагогик қобилиятлар.**

### **10.1 Қобилиятнинг психологик - педагогик характеристикаси**

Қобилият, билим, малака ортириш бу психологик хусусиятларга боғлиқ бўлади.

Одамнинг қобилиятлари билим ва қўникмаларни эгаллашда муҳим хисобланади. Бу билим ва қўникмалар эгалландими ёки йўқми -буларнинг ҳаммаси, жуда кўп шароитларга боғлиқдир.

Қобилият тараққий этмай, сўлиб кетиши ҳам мумкин. Ўқувчида хали зарур қўникма ва малакалар тизими ҳамда мустақил билимлар ва таркиб топган иш услублари йўқлигига асосланиб, жиддий текширмай шошилинч равишда унда қобилиятлар йўқ деб хulosса чиқариш педагогкнинг жиддий хатоси бўлади. Қобилиятлар билим, қўникмалар, малакаларда қўринмайди, балки уларни эгаллаш динамикасида намоён бўлади, яъни бошқача айтганда мазкур фаолият учун муҳим бўлган билим ва қўникмаларни ўзлаштириш жараёни турли шароитларда қанчалик тез, чуқур, енгил ва мустаҳкам амалга оширишингизда намоён бўлади.

Демак, қобилият шахснинг фаолиятини муваффақиятли амалга ошириш шарти хисобланган ва билим, қўникма ҳамда малакаларни эгаллаш динамикасида юзага чиқадиган фарқларда намоён бўладиган индивидуал - психологик хусусиятдир. Агар шахснинг маълум сифатлари йиғиндиши одамнинг педагогик жиҳатдан асослаб берилган вақт оралиғида эгаллаган фаолияти талабларига жавоб берса, бу нарса бизга, унда мазкур фаолиятга нисбатан қобилияти бор деб хulosса чиқарашга асос бўлади.

Қобилиятлар тараққиётнинг юксак босқичига истеъдод деб аталади. Истеъдод деб одамга қандайдир мураккаб меҳнат фаолиятини муваффақиятли мустақил ва оригинал тарзда бажариш имконини берадиган қобилиятлар уюшмасига айтилади. Истеъдод маҳоратнинг дастлабки шарти бўлиб, лекин маҳоратнинг ўзидан анча узокдир. Моҳир уста бўлмоқ учун жуда кўп ишлаш керак. Истеъдод меҳнатдан озод қилмайди, катта ижодий ва зўр меҳнатни тақазо қиласи.

Истеъдодли кишилар шубҳасиз меҳнат орқали оламга машҳур бўлган, маҳорат даражасига эришганлар.

### **10.2 Педагогик қобилиятнинг асосий турлари**

Педагогик фаолиятнинг самарали бўлиши, педагогик маҳоратга эришиш учун ўқитувчида қуйидаги қобилият турлари мавжуд бўлмоғи ва тарбиялаб этиштирилмоғи лозим. Билим қобилияти, тушунтира олиш қобилияти, нутқ,

қобилияти, ташкилотчилик қобилияти, обрў орттира олиш қобилияти, дикқатни тақсимлай олиш қобилияти. Бу педагогик қобилиятлар шахснинг ахлоқий томонини ҳам эмоционал - иродавий томонини характерлаб беради. Бу сифатларнинг ҳаммаси бир-бири билан ўзаро боғланган бўлиб, бир-бирига таъсир этади ва бир бутунликни ҳосил қиласди.

1. Билиш қобилияти - фанни тегишли соҳаларига оид (математика, адабиёт, тарих) қобилиятидир. Бундай қобилиятга эга бўлган ўқитувчи фанни ўқув курси хажмидагина эмас, балки анча кенг ва чуқурроқ, билади, ўз фани соҳасидаги кашфиётларни ҳамиша кузатиб боради.

2. Тушунтира олиш қобилияти - ўқитувчининг ўқув материалини ўқувчиларга тушунарли қилиб баён этиш, ўқувчиларда мустақил равишда фаол фикрлашга қизиқтиришидир. Ўқитувчи зарур ҳолларда ўқув материалини ўзгартира олиш, қийин нарсани осон, мураккаб нарсани оддий, ноаниқ нарсани тушунарли қилиб ўқувчиларга етказа олиш даркор. Ўқитувчи ўқувчини мустақил фикрлашини рағбатлантира олади.

Қобилиятли педагог ўқувчиларнинг билим ва камолот даражасини ҳисобга олади, уларнинг нимани билишлари ва ҳали нимани билмасликларини, нимани унутиб қўйганликларини тасаввур этади.

Бундай ўқитувчилар ўқувчиларни эмас, балки ўзларини назарда тутадилар. Қобилиятли, тажрибали ўқитувчи ўзини ўқувчининг ўрнига қўя олади. Унинг катталарга аниқ ва тушунарли берган маълумоти, ўқувчиларга тушунарсиз ва мавҳум бир нарса бўлиши мумкин. Шунинг учун у баён этишни характер ва шаклини алоҳида ўйлаб чиқади, ҳамда режалаштиради.

Қобилиятли ўқитувчи материални баён этиш жараёнида турли ўқувчиларни қандай ўзлаштираётганларини қатор белгилар асосда тўғри аниқлаб олади. Ва зарурат туғилган ҳолларда баён қилиш усулини ўзгартиради- У тегишли вазият юзага келмагунча иш бошламайди.

3. Кузатувчанлик қобилияти- ўқитувчининг тарбияланувчи ички, дунёсига кира олиш қобилияти. Ўқувчи шахсини ва унинг вақтинчалик руҳий ҳолатларини жуда яхши тушуна билиш билан боғлиқ бўлган психологик кузатувчанликдир. Қобилиятли ўқитувчи ўқувчининг ички ва ташқи ҳолатдаги жуда арзимаган ўзгаришларни ҳам фаҳмлай олади. Ўқитувчи бирор ўқувчини хафа бўлганини ёки дарс тайёрламаганини кўзидан билади.

4. Нутқ қобилияти - нутқ, ёрдамида, шунингдек имо-ишора воситасида ўз фикр ва туйғуларини аниқ ва равshan ифодалаш қобилиятидир. Бу ўқитувчилик касби учун жуда муҳимдир.

Ўқитувчининг нутқи дарсда ҳамиша ўқувчиларга қаратилган бўлади. Ўқитувчи янги мавзуни тушунтираётган, ўқувчининг жавобини таҳлил қилаётган, маъқуллаётган ёки қоралаётган бўлса ҳам, унинг нутқи ҳамиша ўзининг ички кучи, ишончи, ўзи гапираётган нарса билан кизиқаётганлиги билиниб туради. Фикрлар ифодаси ўқувчилар учун аниқ, ва содда, тушунарли бўлади. Ўқитувчи узундан узоқ, жумлалар, мураккаб сўз бирикмалари, қийин термин, ибораларни қўллашдан қочади. Ўринли юмор, хазил, енгилгина истехзо билан яхши муносабатда бўлади.

Ўқитувчини нутқи аниқ жонли, образли, талаффузи жиҳатдан эркин, ифодали, хис-хаяжонлы бўлиб, унда статистик, граматик, фонетик нуксонлар учрамаслиги лозим. Айримлар тез, айримлар секин гапиришга мойил бўладилар. Ўқувчиларнинг ўзлаштиришлари учун ўртача, жонли нутқ яхши натижা беради.

5. Ташкилотчилик қобилияти - ўқувчилар жамоасини уюштириши, ўқувчиларнинг муҳим вазифаларни ҳал этишга рухлантириш, ўз ишини тўғри уюшганлигини назарда тутади.

Ўз ишини тўғри режалаштира олиш ва уни назорат қила билиш назарда тутилади. Тажрибали ўқитувчиларда вақтни хис эттириш, вактни тўғри аниқлай олиш хусусияти ҳосил бўлади.

6. Обрў орттира олиш қобилияти – ўқувчиларга бевосита эмоционал-иродавий таъсир қўрсатиш ва шу асосдагина эмас, балки ўқитувчининг фанни яхши билиши, меҳрибонлига, назокатлилиги асосида ҳам қозонилади. Шунингдек ўқувчиларга таълим - тарбия бериш маъсулиятини хис этишга, ўзини ҳак, эканлигига ишонишига, бу ишончни ўқувчиларга етказа олиш кабиларга ҳам боғлиқ. Ўқувчилар қўполлик қилмайдиган, қўрқитмайдиган тўғри талаб қўя оладиган ўқитувчинигина хурмат қиладилар.

7. Коммуникатив - тўғри муомала қила олиш, қобилиятли болаларга яқин бўлиш, улар билан педагогик нуқтаи назардан жуда самарали ўзаро муносабат ўrnата билиш педагогик назокатнинг мавжудлигини билдиради.

8. Келажакни қўра билиш қобилияти – ўз харакатларининг оқибатларини олдидан кўриши, ўқувчининг келгусида қандай одам бўлиши хақида тасаввур билан боғлиқ бўлган шахсни тарбиялаб этиштириш олдиндан айтиб бера олишда ифодаланадиган маҳсус қобилият.

9. Диққатни тақсимлаш қобилияти - ўқитувчи учун диққатни барча хусусиятларининг ҳам ҳажми, ҳам унинг кучини идора қилина олиш ҳам ишга тарақкиёт этган бўлиши муҳимдир. Қобилиятли, тажрибали ўқитувчи материални баҳс қилиш мазмумини ва ўз фикрини диққат билан кузатади.

**Қобилият** – бу кишининг бирор фаолиятга яроқлилиги ва шу фаолиятни муваффақиятли амалга оширишидир.

### 10.3 Педагогик қобилиятлар

**Педагогик қобилият** – бу қобилият турларидан бири бўлиб, кишининг педагогик фаолиятга яроқлилигини ва шу фаолият билан муваффақиятли шуғуллана олишини аниқлаб беради. Педагогик қобилиятнинг тузилиши қандай? Қуйида бу масалани қўриб чиқамиз.

Узоқ йиллар олиб борилган тадқиқотлар, педагогик қобилиятлар мураккаб ва қўп қиррали психологик билимлардан иборатлилигини кўрсатиб берди. Ана шу тадқиқот маълумотларидан фойдаланиб, педагогик қобилиятлар тузилишида муҳим ўрин эгаллайдиган қатор компонентларни (таркибий қисмлар) ажратиб кўрсатиш мумкин:

1) **Дидактик қобилиятлар** – бу ўқувчиларга ўқув материалларни аниқ ва равшан тушунтириб, осон қилиб етказиб бериш, ўқувчиларда фанга қизиқиши уйғотиб, уларда мустақил фаол фикрлашни уйғота оладиган

қобилиятлардир.

Дидактик қобилиятларга эга бўлган ўқитувчи зарурат туғилганда қийин ўқув материалини осонроқ, мураккаброғини соддароқ, тушуниши қийин бўлганини тушунарлироқ қилиб ўқувчиларга мослаштириб бера олади. Ўқитувчининг мана шу ҳислатларини билиб олган ўқувчилар одатда: «Ўқитувчининг энг муҳим томони ҳам унинг ҳамма нарсани аниқ, равshan ва тушунарли қилиб беришида-да. Бундай ўқитувчининг қўлида мазза қилиб ўқигинг келади»; «Униси эса ҳеч нарсага ярамайдиган ўқитувчи, ҳеч ҳам аниқ тушунтириб бера олмас эди»; «Ўқув материалини олдида тирик одамлар эмас, балки қандайдир механизмлар бордек, зерикарли ва ноаниқ – мужмал қилиб тушунтиради. Биз бундай ўқитувчиларни ёқтирумаймиз» – дейдилар.

Хозирги тушунчамиздаги қасбий маҳорат, шунчаки билимларни осонроқ, ҳаммабоп ва тушунарли қилиб ўқувчилар онгига етказиб бериш қобилиятинигина эмас, балки, шу билан бирга ўқувчиларнинг мустақил ишларини, уларнинг билиш фаоллигини оқилона ва мохирлик билан бошқариб, уларни керакли томонга йўналтириб туришдан иборат қобилиятни ҳам ўз ичига олади.

Мана шу қобилиятлар асосида ўқувчилар психологиясига хос доимий установка (йўналтириш) ётади. Қобилиятли педагог ўқувчиларнинг тайёрлик даражасини, уларнинг тараққиёт даражасини ҳисобга олган холда болаларнинг нимани билиши ва нимани билмаслигини, нималарни аллақачон эсдан чиқарганликларини тасаввур кила олади.

Кўпчилик ўқитувчиларга, айниқса хафсаласиз ўқитувчиларга, ўқув материали оддийгина ва ҳеч қандай алоҳида тушунтириш ҳамда изоҳ беришни талаб қилмайдигандек туюлади.

Бундай ўқитувчилар ўқувчиларни эмас, балки биринчи галда ўзларини назарда тутиб иш олиб борадилар. Шунинг учун ҳам ўқув материалини ўзига қараб танлайдилар. Қобилиятли, тажрибали ўқитувчилар эса ўзларини ўқувчи ўрнига қўйиб, катталар учун аниқ, равshan ва тушунарли бўлган материал ўқувчилар учун ноаниқ ва тушунарсиз бўлиши мумкин деган нуқтаи назарда бўладилар. Шунинг учун ҳам бундай ўқитувчилар материалнинг характеристи ва уни баён этиш усулларини алоҳида ўйлаб кўриб режалаштирадилар. Материални баён этиш жараёнида қобилиятли ўқитувчи учун ўқувчиларнинг қандай тушунаётганликлари ва зарур бўлганда дарс баёнотига алоҳида эътибор беришга интилаётганликлари каби қатор белгиларига қараб тўғри тасаввур қилиб, хулоса чиқара олади.

Ана шундай педагогик қобилиятни аниқлаш учун психолог Н.Гоноболин жуда қулай тест тавсия этади. Бу тестга кура билиш характеристидаги матнда ўқитувчининг фикри айрим синф ўқувчилари учун қийин деб ҳисобланган қисмларни алоҳида кўрсатиб, нима учун бу қисмларнинг қийинлигини тушунтириб бериш, шундан сўнг эса матнни ўқувчиларга енгил ва уларнинг ўзлаштиришлари учун қулай қилиб тузиш тавсия этилади.

Қобилиятли ўқитувчи шу билан бир қаторда материални ўзлаштириш, ўқувчиларга бир оз нафас олиб, ўзларига келиб олишлари ва ўз диққат-

эътиборларини бир жойга қуйиб, айрим кузгалишларни «сундириб», бошқаларни эса жадаллаштириб, уларнинг бўшашганлигини, сустлигини ва лоқайдлигини енгишлари учун замин тайёрлаш зарурлигини ҳам назарда тутади. Бундай ўқитувчи зарур шароит яратилмагунча дарсни бошламайди. Хаддан ташқари шиддат билан бошланган дарс ўқувчиларда ҳимоя қилувчи тормозланишнинг вужудга келтириб, мия фаолияти тормозланади ва ўқитувчининг сўзлари етарлича идрок қилинмайди.

**2) Академик қобилиятлар** – математика, физика, биология, она тили, адабиёт, тарих ва бошқа шу каби фанлар соҳасига хос қобилиятлардир.

Қобилиятли ўқитувчи ўз фанини факат хажмидагина эмас, балки атрофлича, кенг, чуқур билиб, бу соҳада эришилган ютуқлар ва кашфиётларни доимий равишда кузата бориб, ўқув материалини мутлако эркин эгаллаб, унга катта қизиқиш билан қарайди ҳамда озгина бўлсада тадқиқот ишларини олиб боради.

Кўпчилик тажрибали педагогларнинг айтишларича, ўқитувчи ўз фани бўйича бундай юксак билим савиясига эришиш, бошқаларни қойил қилиб ҳайратда қолдириш, ўқувчиларда катта қизиқиш уйғота олиш учун у юксак маданиятли, ҳар томонлама мазмунли, кенг эрудицияли (билимдон) одам бўймоғи лозим.

Бундай ўқитувчилар ҳақида ўқувчилар: «Маҳмуд ака худди профессорнинг ўзгинаси-я. Биз унинг билмаган бирорта соҳаси бормикин деб тез-тез ўйлаб турамиз. Дарсларга у бутун вужуди билан киришиб кетади» дейдилар. Баъзан ўқувчилар ўз ўқитувчиси ҳақида «Бақир-чақир қилади-ю, аммо заррача билими йўқ» деб бутунлай тескарисини айтсалар, жуда алам қиласди.

**3) Перцептив қобилиятлар** – бу ўқувчининг, тарбияланувчининг ички дунёсига кира билиш, психологик кузатувчанлик, ўқувчи шахсининг вақтинчалик психик ҳолатлари билан боғлиқ нозик томонларини тушуна билишдан иборат қобилиятдир.

Қобилиятли ўқитувчи болаларнинг ҳар қандай майда-чуйда ҳатти - ҳаракатларида, ёркин ифодаланадиган айрим ташқи ҳолатларида ҳамда уларнинг ички дунёсида юзага келадиган ўзгаришларни сездирмасдан билиб олади. Ана шундай холларда ўқувчилар: «Муҳаббат опа кимнингдир кайфиятида ўзгаришлар бўлса ёки кимдир дарсга тайёрламасдан келган бўлса кўзига қарабоқ билиб олади», «Бизнинг ўқитувчимиз ҳеч қаёққа қарамаса ҳам, ҳамма нарсани кўриб туради» дейдилар.

**4) Нутқ қобилияти** – кишининг ўз туйғу-ҳисларини нутқ ёрдамида, шу билан бирга мимика ва пантомимика ёрдамида аниқ ва равshan қилиб ифодалаб бериш қобилиятидир. Бу ўқитувчидан ўқувчиларга ўзатиладиган ахборот, асосан, иккинчи сигнал тизими – нутқ орқали берилади. Бунда мазмун жиҳатидан унинг ички ва ташқи хусусиятлари назарда тутилади. («Биз учун адабиёт ўқитувчимиз – Назира опанинг дарсини эшитишдан катта лаззат йўқ. Назира опамлар шу қадар яхши ва чиройлик қилиб гапирадиларки, ҳатто танаффусга чалинадиган кўнгироқ ҳам ҳалақит беради»).

Дарсда қобилиятли ўқитувчининг нутқи ҳамма вақт ўқувчиларга қаратилган бўлади. Ўқитувчи янги материални тушунтирадими, ўқувчилар жавобини шархлаб берадими, ўқувчилар жавобини, уларнинг ҳатти-харакатлари ёки хулқ-атворини маъқуллайдими ёки танбех берадими, хуллас нима қилишидан қатъий назар, нутқи ҳамма вақт ўзининг ишончлилиги, жозибадорлиги каби ички қувват билан алоҳида ажралиб туриши лозим. Ўқитувчи нутқи, унинг талафузи аниқ, равshan, оддий ва ўқувчилар учун тушунарли бўлиши керак. Бериладиган ахборотлар шундай тузилиши керакки, бунда ўқувчиларнинг фикру-зикри ва диққат-эътиборини юқори даражада фаоллаштирадиган бўлсин. Бунинг учун эса ўқитувчи ўртага савол ташлаб, аста секинлик билан ўқувчиларни тўғри жавобга олиб келади, ўқувчиларнинг диққат-эътиборини фаоллаштирувчи («Бунда айниқса зийрак бўлинг!», «Ўйлаб, яна ўйлаб кўринг!») сўз ва ибораларни ўз меъёрида ишлатади.

Ўқитувчи узун жумлаларни, мураккаб оғзаки изоҳларни, қийин атамаларни ва зарурати бўлмаса, турли таърифларни ишлатмаслиги лозим. Шу билан бирга ўқитувчи шуни ҳам ҳисобга олиши керакки, ўқитувчининг лунда-лунда бўлиб чиқкан қисқа нутқи кўп холларда ўқувчиларга тушунарсиз бўлиб қолар экан. Ўқитувчининг ўз ўрнида ишлатиладиган хазил аралаш ва хайриҳоҳлик билдирувчи арзимаган кинояли нутқи ўқувчиларни жуда жонлантириб, ўқувчилар томонидан ўта яхши қабул қилинар экан.

Қобилиятли ўқитувчининг нутқи жонли, образли, аниқ-равshan, интонацияли ва ифодали, эмоцияга бой, дона-дона бўлиб, бунда стилистиқ ва грамматик хатолар мутлақо бўлмаслиги лозим. Бир хил оҳангдаги эзма нутқ ўқувчиларни жуда тез толиқтириб, уларни зериктиради ва бехафсала қилиб кўяди. Бу билан бирга бундай нутқ И.П.Павловнинг физиологик таълимотига кўра, доимий таъсир этувchan қўзғовчига айланиб, бош мия катта ярим шарлари пўстида тормозланиш жараёнини юзага келтириб, ўқувчини эзма ва уйқучан қилиб кўяди. Нутқ тезлиги кўп жиҳатдан ўқитувчининг индивидуал психологик хусусиятига боғлиқ. Айрим ўқитувчилар тез гапирысалар, бошқалари секин гапирадилар. Аммо ўқитувчи ўқувчиларнинг билимларини эгаллаб олишлари учун энг қулай тезликдаги нутқ – ўртача жонли нутқ эканлигини эсдан чиқармаслиги лозим.

Шошқалоқ нутқ билим ўзлаштиришга ҳалақит бериб, болаларни тез толиқтиради ва муҳофаза қилувчи тормозланишни юзага келтиради. Ўта секин нутқ ланжлик ва зерикишга олиб келади. Нутқнинг баландлиги – қаттиқ гапириш ҳам худди шу сингари холларга олиб келади. Ҳаддан ташқари қаттиқ, кескин, бақириб гапириш ўқувчиларнинг асабига тегиб, уларни тез толиқтириб, муҳофаза қилувчи тормозланишини юзага келтиради. Мана шу ерда шарқ мутафаккирларидан Насриддин Тусийнинг «...ўқитувчи нутқи ҳеч қачон ва ҳеч қаерда заҳархандали, қўпол ёки қаттиқ бўлиши мумкин эмас. Дарс пайтида ўқитувчининг ўзини тута олмаслиги ишни бузиши мумкин...» деган насиҳатини келтиришимиз жуда ўринли бўларди. Ўқитувчининг бўш, паст овози ёмон эшитилади. Нутқи, имо-ишоралар, турли кескин харакатлар ўқувчиларни жонлантиради. Бу тариқа имо-ишоралар ва

ҳаракатлар тажрибали ўқитувчиларда ўз меъёрида ишлатилади. Лекин бир хилдаги тинимсиз ҳаракатларнинг ҳаддан ташқари кўп бўлиши кишининг асабига тегади.

**5) Ташкилотчилик қобилияти** – бу биринчидан, ўқувчилар жамоасини уюштира билиш, бунда жамоани жипслаштира олиш ва иккинчидан, ўзининг шахсий ишини тўғри ташкил қила олиш қобилиятидир. Ўқувчилар ўз ўқитувчилари ҳақида турлича фикрда бўладилар. Жумладан, айрим ўқувчилар: «...Биз Азим акани жуда яхши курамиз. Улар синфимизда бир вақтнинг ичида, жуда тезлик билан ишчанлик кайфиятини уюштириб, барчамизнинг ўзининг пухталиги, озодалиги, эпчиллиги ва тадбиркорлиги билан хайратда қолдирадилар» десалар, айрим ўқувчилар: «Собир акамлар бизнинг ихлосимизни қайтариб, хафсаламизни бир пул қиласадилар. Улар кўп ишга уринадилар-у, аммо бирортасини ҳам охирига етказмайди...» дейдилар. Баъзан айрим ўқувчиларнинг ўз ўқитувчиси ҳақида: «...Нодира опамлар биз билан худди она товукдек овора бўладилар. Агар биз шухлик кила бошласак, улар ўзларини кўрмасликка, пайкамасликка солардилар. Ажойиб аёл эди-ю, аммо унинг дарсида ҳеч ким ҳеч нарса қилмас эди-да...» деган фикрларни ҳам эшитиш мумкин.

Ўқитувчининг ўз ишини ташкил кила билиши деганда, унинг ўз ишини тўғри режалаштириб, уни назорат кила олиши назарда тутилади. Тажрибали ўқитувчиларда вақтга нисбатан ўзига хос сезувчанлик – ишни вақт бўйича тўғри таксимлаб, мулжалланган вақтдан тўғри фойдалана олиш кўнижаси пайдо бўлади. Дарс давомида, албатта, кўп холларда вақтни бехуда йўқотиш ҳам мумкин. Лекин бу йўқолган дарс режасини тузатиш зарурияти тузилган холларда бўлиши мумкин. Тажрибали ўқитувчилар вақтни сеза билишни ўрганиш учун дарс режасини ёки матнда вақтни назорат қилиш учун белгилар олиб боришни тавсия этадилар. Жумладан: дарснинг 10, 20, 30 ва бошқа дакикалари давомида мабодо кузда тутилмаган вақт ортиб қолган тақдирда фойдаланиш учун қандай кушимча материалларн тайёрлаш ёки вақт етмай қолган тақдирда қандай материални кейинги дарсга колдириш мумкинлиги ҳақида маслаҳат берадилар.

**6) Авторитар қобилияти** – бу ўқувчиларга бевосита эмоционал - иродавий таъсир этиб, уларда обрў орттира билишдан иборат қобилиятдир. (Гарчан ўқитувчининг ўз фанини мукаммал билиши, сезгирили ва хушмуомалиги асосида қозонилади).

Авторитар қобилият ўқитувчининг ростгўйлиги, иродавий уддабуронлиги, ўзини тута билиши, фаросатлилиги, талабчанлиги каби иродавий ҳислатлари ҳамда қатор шахсий ҳислатларга, шу билан бирга ўқувчиларни таълим-тарбиясида жавобгарликни ҳис этиш, унинг эътиқоди, ўқувчиларга маънавий ва маърифий эътиқодни сингдира олганлигига ишончи каби ҳислатларга ҳам боғлиқдир.

Ўқувчилар (айниқса, ўғил болалар, ўспириналар – буни алоҳида таъкидлаб ўтиши керак) талаб қилишни биладиган, ўқувчиларни мажбур қилмаган ва дўқ-пуписа килмаган, шу билан бирга бехуда расмиятчиликка йўл қўймаган холда ўз айтганини қилдира оладиган ўқитувчиларни жуда

хурмат қиладилар. Шу муносабат билан ўқувчиларнинг ўқитувчилар ҳақида айрим фикрларини мисол қилиб келтирамиз:

«Унинг ажойиб ҳислати бор – у ҳеч қандай зарда ва бақириқ, чақириқсиз ишлай олади»; «Биз уни жиддийлиги, вазминлиги ва талабчанлиги учун жуда яхши қурамиз. У ҳамма вақт шунчаки мулоимгина, сипогина талаб қиласи, аммо унинг талаби шу қадар таъсирчанки, унга қўлок солмаслик мумкин эмас»; «Бизнинг математика ўқитувчимиз ҳамма вақт ювош, осойишта, ўзини тутган ва шу билан бир қаторда бутун синфга ажойиб таъсир эта олади»; «Кимё ўқитувчимизнинг обрўсига эътибор этмай кўрингчи, у ҳар қандай шароитда ҳам ўз айтганига эришади»; «Ниғмат ака бизга устунлик билан таъсир этади. У ҳадеб талаб килавермайди, агар талаб қиласидиган бўлсалар унда бўйин товлаб бўлмайди», ёки ўқувчиларнинг ўз ўқитувчилари ҳақидаги мана бундай фикрлари: «Полвон ака ўқув масканимиздан кетганига биз хурсанд бўлдик. У бизни дўқ-пўписа, бақириқ-қичқириқ, буйруқбозлик билан қўлга оламан деб ўйларди-ю, аммо бизни бардош беришгагина мажбур этарди, холос».

Бунда Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг ўқув маскани таълими жараённада олиб борилаётган ишларнинг аҳволи тўғрисида жуда ачиниб айтган фикрларини келтириш ўринли бўлур эди: «Мабодо бирор ўқувчи ўқитувчига эътиroz билдирса, эртага у ҳеч ким ҳавас қилмайдиган аҳволга тушиб қолади. Ўқув масканилардаги жараёнда ўқитувчи ҳукмрон. У боладан фақат ўзи тушунтираётган нарсани тушуниб олишни талаб қиласи, принцип ҳам тайёр: «менинг айтганим – айтган, деганим – деган».

Шу билан бир қаторда ўқувчилар ўқитувчининг бўшлиги, ландавурлиги, лақмалиги, соддаларча ишонувчанлиги, сусткашлиги, ортиқча риёгарчилиги, иродасизлиги каби ҳислатларни баралла қоралайдилар: «яхши одаму, лекин ўта бўш: уни алдаб кетиш ҳеч гап эмас»; «Тушуниб бўлмайди: бирда жуда қаттиққўл, талабчан, баъзан ҳеч қандай талаб деган нарса йўқ»; «Жуда бўшанг, ланж: уни кўришинг билан уйқинг келади»...

**7) Коммуникатив қобилияти** – бу болалар билан мулоқотда бўлишга, ўқувчиларга ёндашиш учун тўғри йўл топа билишга, улар билан педагогик нуқтаи-назардан мақсадга мувофиқ ўзаро алоқа боғлашга педагогик тактнинг мавжудлигига қаратилган қобилиятдир.

**8) Педагогик ҳаёл** – бу кишининг ўқувчилар шахсини тарбиявий томондан лойихалаштиришда ўз иш-ҳаракатларининг натижасини олдиндан кўра билишда намоён бўладиган қобилиятдир. Бу қобилият ўқитувчи маълум ўқувчидан келгусида ким чиқишини кўз олдига келтиришда, тарбияланувчиларда у ёки бу хилдаги ҳислатларни ўсиб ривожланиши олдиндан кура билишида намоён бўлади. Бу қобилият педагогик оптимизм, тарбиянинг кучига, ўқувчиларга бўлган ишонч билан боғлиқдир. Шунинг учун ҳам ўқувчилар айрим ўқитувчилар тўғрисида: «Аҳмад акамлар, чамаси ичимиздаги энг ярамасларга ҳам ишончларини йўқотмасдилар, шунинг учун ҳам биз уларни ҳурмат қиласидик», деган фикрларни изхор қиласидилар.

**9) Диққатни тақсимлай олиш қобилияти** – бу қобилият бир вақтнинг

ўзида дикқатни бир қанча фаолиятга қарата олишда намоён бўлиб, ўқитувчи ишида ғоят муҳим аҳамиятга эгадир.

Қобилиятли, тажрибали ўқитувчи ўзининг дикқат-эътиборини ўқув материалини қандай баён этилишига, унинг мазмунига, ўз фикрларини атрофлича қилиб қандай очиб беришга ёки ўқувчи фикрига баралла қаратади ва шу билан бирга бир вақтнинг ўзида барча ўқувчиларни кузатиб, уларни толиқкан-толиқмаганлигига, эътиборли ёки эътиборсизлигига, дарсни тушуниш-тушунмаслигига аҳамият бераб, ўқувчиларнинг интизомини кузатади ҳамда оқибат натижада ўзининг шахсий хулқ-авторига (юриш-туришига, ўзини тутишига, мимика ва пантомимикасига) эътибор беради. Тажрибасиз ўқитувчи, кўпинча ўқув материалини баён этишга берилиб кетиб, ўқувчиларнинг нима қилаётганликларини сезмай қолади ва назоратдан чиқариб қўяди, агар, бордию, ўқувчиларни дикқат-эътибор билан кузатишга ҳаракат қилса, бундай холларда ўз баёнотининг изчиллигини йўқотиб қўяди.

Юқорида кўрсатиб ўтилган қобилиятлардан ташқари, ўқитувчи инсон шахсининг мақсад сари интилиши, улдабуронлик, меҳнатсеварлик, камтарлик каби қатор ижобий ҳислатларига эга бўлиши лозим.

У ўқувчиларни тарбиялар экан, ўзининг хулқ-автори, юриш-туриши, хуллас, бутун ўқитувчилик шахси билан ўқувчиларга ўрнак бўлиши керак.

Ўқитувчининг ўзини қўлга ола билиши муҳим аҳамиятга эгадир.

### **Назорат саволлари:**

1. Қобилиятнинг психологияк ва педагогик характеристикалари.
2. Педагогик қобилиятнинг асосий турлари.
3. Педагогик қобилиятлар.
4. Дидактик қобилиятлар.
5. Академик ва перцептив қобилиятлар.
6. Нутқ қобилияти.
7. Ташкилотчилик қобилияти.

### **Таянч сўзлари:**

Қобилият, педагогик қобилият, дидактик қобилият, академик қобилият, перцептив қобилият, авторитар қобилият, нутқ қобилият

### **Адабиётлари:**

- 1.Архангельский С. И. Учебный процесс в высшей школе, его закономерные основы и методы. - М., 1980.
- 2.Беспалько В.П. Некоторые вопросы педагогики высшего образования. - Рига, 1972.
- 3.Смирнов С.Д. Педагогика и психология высшего образования: от деятельности к личности: Учеб. пособие для студ. высш. пед. учеб. заведений. - М.: Издательский центр "Академия", 2001. - 304 с.
- 5.Основы педагогики и психологии высшей школы / Под ред. А. В. Петровского. - М., 1986.

## **11 – МАВЗУ**

### **КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ МИЛЛИЙ ДАСТУРИ АСОСИДА ОЛИЙ МАКТАБНИ ТАШҚИЛ ЭТИШ ВА РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ**

**Режа:**

- 11.1 Миллий дастурининг мақсад, вазифалари, босқичлари.**
- 11.2 Мутахассислар тайёрлашда олий ўқув юртларининг вазифалари.**
- 11.3 Ўзбекистан иқтисодий, фан ва техника ривожланишидаги роли.**

#### **11.1 Миллий дастурининг мақсад, вазифалари, босқичлари**

Ўзбекистон ўз мустақиллигини қўлга киритган дастлабки кунларданоқ янги, ривожланган жамият қуриш йўлига кирди. Захматкаш халқимиз ўзининг фидой мөхнати ва тинч ҳаёти билан дунёдаги тараққий топган мамлакатлар қаторидан мустаҳкам ўрин эгаллаш мақсадида барча соҳаларда чуқур ислохотларни амалга ошира бошлади. Келажаги буюк давлат барпо этиш борасида амалга оширилаётган барча тарихий ўзгариш ва янгиланишлар юртдошларимиз қалби, онгига улкан таъсир кўрсатмоқда. XXI асрга қадам қўйган Ўзбекистон халқининг миллий тараққиёт йўлидаги бош ғояси - бу озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт барпо этишdir. Албатта ушбу ғояни амалга оширишда сиёсий, иқтисодий, ижтимоий йўналишлар билан бир қаторда баркамол авлодни вояга етказиш, уларда мустақиллик тафаккурини шакллантириш мухим ўрин тутади. «Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар» рисоласида таъкидланишича «ғоя-инсон тафаккури маҳсули, миллий ғоя эса миллат тафаккурининг маҳсулидир». Тафаккур-шахснинг объектив воқеликдаги нарса ва ходисаларни, уларнинг мухим хусусиятларига боғланиш ва муносабатларини бевосита умумлашган холда акс эттиришдан иборат бўлган ақлий фаолиятdir. Мустақиллик тафаккури эса - бу мустақиллик ғояларига садоқат ва ҳурмат, ватанга мухаббат туйғусини қарор топтириш демакдир. Мустақиллик тафаккури шаклланган шахс жамиятда ўзини далил ва эркин тутади, барча воқеа-ҳодисаларга холис баҳо беради, ўз фикри ва ғояларини ишонч билан баён эта олади ва ўз фикрини исботлайди, ўз юртининг ҳақиқий эгаси эканлиги билан фахрланади.

Мустақиллик тафаккурини шакллантириш асосида ҳар бир шахснинг ҳар томонлама чуқур билимга эга бўлиш натижасида мамлакатимиздаги ижтимоий-сиёсий мухит янада яхшиланади.

Жамиятда янгича фикрлайдиган - баркамол авлодлар шаклланади; мустақиллик тафаккурига эга бўлган кишиларнинг жамиятда ўз ўрнини топиш жараёни ривожланади; мамлакатимизнинг салоҳиятидан кенг фойдаланиш имконияти пайдо бўлади; жамиятимизда мустақил

фикрлайдигаи шахс вояга етади; хуқуқий, демократик жамият кўришни тезлаштиради ва халқаро ҳамжамиятда ўз ўрнини мустаҳкамлашга имкон яратилади.

Дархақиқат, бугунги кунда мустақиллик тафаккурини шакллантириш фуқаролик жамиятини кўришда давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири бўлиб келмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг «Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт-пировард мақсадимиз» асарида XXI асрнинг дастлабки йилларида ва ундан кейин ҳам мустақиллик тафаккурини шакллантиришда амалга ошириладиган вазифалар аниқ кўрсатилган. Унда «мустақил дунёқарашга эга, аждодларимизнинг бебаҳо мероси ва замонавий тафаккурга таяниб яшайдиган баркамол шахс - комил иисонни тарбиялашдан иборат», эканлигига алоҳида эътибор қаратилган. «Миллий истиклол гояси; асосий тушунча ва тамойиллари» рисоласида ҳам мустақиллик тафаккурини шакллантиришда амалга ошириладиган вазифаларнинг йўналишлари илмий-назарий жиҳатдан ишлаб чиқилган. Мустақиллик тафаккурига эга бўлган баркамол авлодни вояга етказиш концепцияси чуқур ўрин эгаллаган.

Ўзбекистон Республикасининг «Қадрлар тайёрлаш миллий дастури»да ҳам «Ёш авлодни маънавий - ахлоқий тарбиялашда халқнинг бой маданий-тарихий анъаналарига, урф-одатлари ҳамда умумбашарий қадриятларга асосланган самарали ташкилий, педагогик шакл ва воситалари ишлаб чиқилиб, амалиётга жорий этилади. Шахсни тарбиялаш ва уни хар томонлама камол топтиришнинг устуворлиги таъминланади. Умумий ҳамда педагогик маданиятни ошириш мақсадида, мамлакат аҳолиси орасидаги маърифий ишлар такомиллаштириб борилади» - деб таъкидланади.

Демак, бугунги кунда маънавий-маърифий фаолият жараённида мустақиллик тафаккурига эга бўлган баркамол авлодни вояга етказиш давлат сиёсатининг устивор йўналишларидан ўрин олган. Мустақиллик тафаккурни ўрганиш ва уни ўстириш умуминсоний тарбия назарияси ва тажрибасида муҳим аҳамиятга эга. Чунки, янгича тафаккур қилиш шахсда билимлар, тушунчаларни шакллантириш билан бирга эътиқод, онгли интизом, тажриба, фаолиятини ишлаб чиқади. Мустақиллик тафаккури дунёни тўғри акс эттириш билан бирга, баркамол, ташкилотчи ва зукко қадрларни тайёрлашда муҳим ўрин тутади. Унинг мазмунида қадриятларни тиклаш, уларни илм-фан ва тараққиёт ютуклари билан бойитиб бориш, миллий истиклол гоясининг асосий тамойилларини халқимизнинг қалби ва онгига сингдириш, муқаддас динимиз ва тарихимизга садоқатли бўлиш маънавият соҳасидаги асосий вазифалардан ҳисобланади. Шунинг учун ҳам талаба-ёшларда мустақиллик тафаккурини шакллантириш, уларга маънавий-маърифий билимларни бериш, кўникма ва малака ҳосил қилиш муҳим масалалардан биридир.

## **11.2 Мутахассислар тайёрлашда олий ўқув юртларининг вазифалари**

Бугунги кунда талаба ёшларда Ватан равнақи, юрт тинчлиги, халқ фаравонлиги, комил инсон, ижтимоий ҳамкорлик, миллатлараро тотувлик, динлараро бағрикенглик каби миллий истиклол гояларининг асосий йўналишларини шакллантириш мустақиллик тафаккурининг мазмунидан чуқур ўрин олган бўлиб, бу олий ўқув юртларидағи маънавий-маърифий ишларни янада такомиллаштиришни тақазо этмоқда.

Мустақиллик тафаккури-фуқаролик жамияти асосларини барпо этишнинг энг муҳим тарқибий қисми бўлиб, ушбу жараён маънавият ва маърифат соҳасида, шахсни мунтазам камол топтириш борасида узлуксиз иш олиб боришни тақозо қиласди. Бугунги кунда мустақиллик тафаккури жамият ривожининг асоси ва шартига айланмоғи ҳамда ўзида яхлит бир тизимни мужассам этмоғи лозим. Бу тизим марказида маънавият, ахлоқ, маърифат каби қадриятлар турмоғи керак. Чунки мустақиллик тафаккури Ўзбекистонда демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштиришда ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришда, инсон хақ-хуқуқлари ва эркинликларини таъминлашда асосий омил хисобланади. Мустақиллик тафаккурига эга бўлган шахс баркамол инсон хисобланади. Баркамол инсон миллий истиқлол гоясига садоқатли бўлишда, она-Ватанга чексиз меҳр мухаббатни намоён этишда, Ўзбекистонинг буюк келажагини яратишдаги олийжаноб ишларда фаол қатнашади.

Мустақиллик тафаккури - жамиятнинг, миллатнинг ички ҳаёти, руҳий кечинмалари, ақлий кобилияти, идрокини мужассамлаштирувчи қудратли куч, инсон ва жамият ривожланишининг негизи сифатида Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислохотларнинг бош омили хисобланади. Мустақиллик тафаккури иқтисодий-ижтимоий ҳаёт тизимининг шаклланиши, Ўзгариши ёки инқирозга юз тутишига кучли таъсир кўрсатади. Унинг ривожланиб бориши натижасида жамият равнақ топа боради. Усиз буюк давлат қуриб бўлмайди. Чунки, мустақиллик тафаккури жамият ва миллат равнақининг бой пойдевори саналади. Демак, мустақиллик тафаккури нихоятда кенг тушунча бўлиб, маърифат, маданият, ахлоқ, санъат, адабиёт кабиларни ўзида мужассам этади. Мустақил Ўзбекистонда мустақиллик тафаккурини шакллантиришга кучли эътибор берилишининг боиси ҳам ана шунда. Шундай экан, аввало мустақилликнинг маъноМазмунини тўла англаб етиш керак. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовининг таъкидлашича, «Биз учун мустақиллик - энг аввало, бу тақдиримизни ўз қўлимизга олиш, ўзлигимизни англаш, миллим қадриятларни, урф-одатларимизни тиклаш, ҳаммамиз учун мўътабар шу заминда хар бир хонадонда тинчлик осойишталикни, барқарорликни сақлашдир. Азиз Ватанимизда адолат, инсоф, дину-диёнат, меҳру оқибатни қарор топтиришдир.

Биз учун мустақиллик - Аллоҳнинг ўзи эл-юртимизга инъом этган табиий бойликларга эгалик қилиш, халқимиз қудрати, салоҳияти, ақлу-заковатига таяниб, Ўзбекистонда яшаётган хар бир инсон, хар бир оила учун

муносиб ҳаёт қуриш, келажак авлодлар учун озод ва обод ватан қолдиришдир.

Биз учун истиқлол - давлатчилигимизни мустахкамлаш, буюк келажагимизнинг пойдеворини қуриш, миллий онгимиз ва фикримизни юксалтириш, жаҳон ҳамжамиятида муносиб ўрнимизни эгаллашдир».

Президентнинг ушбу фикрлари биринчидан, халқ ҳўжалигининг барча соҳаларида мустақилликка тўла эришиш, иккинчидан, миллий ва маънавий қадриятларни тўла тикилаш, учинчидан, Ўзбекистон мустақиллигини мустахкамлаш, мустақил жамият тараққиёти учун хизмат қилиш каби вазифаларни амалга оширишни тақозо қиласди. Албатта, буларни амалга ошириш учун Ўзбекистонда яшовчи хар бир фуқаро, айникса, талаба-ёшлар онгига мустақиллик тафаккурини шакллантириш муҳим аҳамиятга эга.

Мустақиллик тафаккурининг моҳияти ғоятда чуқур ва чексиздир. Мустақиллик тафаккури сиёсий, ҳуқуқий, фалсафий, эстетик, педагогик, иқтисодий, ахлоқий, маънавий фикрлар негизида шаклланади.

Мустақиллик тафаккурининг жамият, давлат ва миллат билан узвий алоқадор бўлиб, шахс камолотида муносабатлар, шарт-шароит ва имкониятлар асосида шаклланади ва амалга ошади. Миллат, давлат ва жамият тараққиёти инсоннинг мустақиллик тафаккурига асосланади.

Инсон тафаккурининг моҳияти ақлий, ахлоқий, илмий, амалий, мафкуравий ғоялар билан узвий боғланган. Бугунги кунда ватанпаварлик, миллатпарварлик, миллий ифтихор туйғулари, она тилига ҳурмат, табиатни мухофаза этиш, хар қандай шароитда она юрт манфаатини, давлатимиз мустақиллигини қўллаб-куватлаш, шарқона урф-одатларимизга, қонунларимизга, миллий қадриятларимизга ҳурмат билан қараш каби хислатларнинг барчаси мустақиллик тафаккури билан боғлиқдир.

Булар талаба-ёшларда мустақиллик тафаккурини шакллантиришнинг манбаи ҳисобланади. Чунки мустақиллик тафаккури шаклланмаган кишилар билан моддий фаровонликка ҳам, умумтараққиётга ҳам эришиб бўлмайди, маънавий қашшоқлик миллий танazzулга олиб боради. Мадомики, жамият ўзгариб, тараққий этиб борар экан, у албатта янгича маънавий ва мафкуравий тарбияга, билим ва тафаккурга эҳтиёж сезади.

Мустақиллик тафаккурини шакллантириш сиёсий, иқтисодий, экологик меҳнат, ҳуқуқий, ахлоқий тарбиялари жараёнларида амалга оширилади. Лекин, маънавий-маърифий фаолият жараёнида талаба-ёшларда мустақиллик тафаккурини шакллантириш бевосита баркамол авлод шахсини вояга етказиш билан боғлиқдир. Шу муносабат билан Республика олий ўқув юртларида таълим олаётган талабаларда мустақиллик тафаккурини шакллантиришни халқимизнинг бой маданий-маънавий меросини ўрганиш, шарқона ва умуминсоний қадриятлар асосида мамлакат ва миллат келажагини белгилайдиган илғор ғояларни юзага чиқариш ҳамда хаётга тадбик қилиш маънавий-маърифий ишлар жараёнида амалга оширишга эътибор қаратилди. Бинобарин Ўзбекистон мустақиллигининг биринчи йилиданоқ маънавият ва маърифат масалаларини бевосита жамоатчилик йўли билан ривожлантириш муҳим вазифа этиб қўйилган эди. Хаётимизда рўй

бераётган хар бир ўзгариш, мустақиллик тафаккури, маънавият билан боғлиқдир. Чунки, бизнинг маънавиятимиз асрлар давомида миллион-миллион кишилар тафаккури билан шакллангандир.

### **11.3 Ўзбекистан иқтисодий, фан ва техника ривожланишидаги роли**

Мустақил Ўзбекистонда мустақиллик тафаккурини шакллантириш ва мустаҳкамлаш - бу фан, маданият, ақлий бойлик, жамият турли соҳалари мутахассисларини етиштиришда, зиёлилар ва зиёлиликни ривожлантириш демакдир. Чунки, одамлар ўз дунёқараси, ғоявий, мафкуравий йўл танлаб олишида, виждан эркинлигига эга бўлиши керак.

Мустақиллик тафаккурининг моҳияти республикамиизда яшаётган барча халқларнинг Ўз интилишлари, тинч ва фаровон яшашларида уларни бирлаштирувчи, буюк умуминсоний қадриятлар-миллатлараро тинчлик ва фуқаролар тотувлиги, ижтимоий адолат, инсон ҳуқуқларининг устунлигига хизмат қила оладиган мафкуруни шакллантиришда ҳамкорлик қилиш, илғор миллий анъаналар, урф-одатлар, барча халқларнинг маданиятларини ривожлантириш, улар ўртасидаги ҳамкорликни кучайтириш, ўзаро бир-бирларига таъсир доирасини кенгайтириш ва бир-бирларини бойитишларига имконият яратиб бериш, Ўзбекистан ва Марказий Осиё, МДХ давлатлари ва бутун жаҳон халқлари ва маданиятлари ўртасидаги ўзаро алоқа, ҳамкорликдаги харакат, бир-бирини бойита боришини мустаҳкамлаш ва ривожлантиришдир.

Мустақиллик тафаккурини мустаҳкамлаш - бу мамлакатнинг замонавий маданий жиҳатдан равнақ топган давлат, жамият сифатида ривожланишига ғамхўрлик қўрсатиш демакдир. Бу ўринда шу жамиятнинг аъзоси бўлган хар бир инсон назарда тутилади.

Мустақиллик тафаккурини шакллантириш инсонлар томонидан яратилган моддий ва маънавий бойликларни, жамиятдан илғор ғоялар ва таълимотларни, таълим-тарбия, фалсафа, дин, ҳукук, ахлок, нафосат, адабиёт, миллий истиқлол ғояларини қамраб олади.

Мустақиллик тафаккурини шакллантириш - бу хар бир талабанинг ички касбий, руҳий кечинмалари, ақлий қобилияти, идрокини мужассамлаштирган. Ватан равнақи, юрт тинчлиги, халқ фаровонлиги йўлида хизмат қилиш, Ўзбекистонда яшаётган барча миллат ва элатларнинг қадриятлари, тили, маданияти, диний эътиқоди, урф-одат ва анъаналарини ҳурмат қилиш, уларни асраб-авайлаш ва ривожлантириш, маърифатли, билимли, маданиятли, маънавий-аҳлоқий фазилатларга эга бўлган шахсни тарбиялаш демакдир.

Маънавий-маърифий фаолият жараёнида талабалада мустақиллик тафаккурини шакллантиришга доир тадқиқот иши натижасида қўйидаги хулосаларга келдик:

1. Олий ўкув юрти талабаларида мустақиллик тафаккурини шакллантириш маънавий-маърифий ишларининг самарадорлигини ошириш билан узвий алоқада бўлиб, аввало шахс маънавиятини ривожлантириш билан

үйғун ғолда амалга оширилади.

2. Талабаларда мустақиллик тафаккурини шакллантириш ўзига хос хусусиятларига эгадир. Булар халқимизнинг миллий, маънавий мероси, тафаккур тарзи, анъаналари, урф-одатларида намоён бўлади.

3. Мустақиллик тафаккурини шакллантиришда ижтимоий-гуманитар фанлар, айниқса, «Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар», «Маънавият асослари» ўқув фанлари катта имкониятларга эга бўлиб, дунёқараши кенг, иродаси бақувват ўз қадр-қимматини англайдиган, ҳаётда ўз нуктаи назарига эга шахсни тарбиялашга асосий эътибор қаратилади. Бундай шахс мустақилликни мустаҳкамлашга хизмат қиласидиган хақиқий фуқарога айланади.

4. Талабаларда мустақиллик тафаккурини шакллантиришда маънавий-маърифий ишларнинг энг мақбул йўналишларини белгилаш мазмунини бойитиш энг илғор шакл ва методларни танлаш бу борада илғор технологияларни кўллашни таказо этди.

5. Тажриба-синов ишлари жараёнида маънавий-маърифий фаолият ташкил этиш ва уни амалга оширишда анъанавий таълим-тарбия мазмунини янгилаш ва уни ўзгартиришга технологик ёндашув талабаларнинг билиш фаолиятини ривожлантириш билан боғлик холда мустақиллик тафаккурини шакллантиришга эътибор қаратилди.

6. Олий ўқув юрти гурӯх раҳбарлари фаолиятини ташкил этишда ҳам талабаларнинг назарий билишларини ўз фикрини эркин, мустақил, ижодий фикрлашга йўллаш орқали мустақиллик тафаккурини шакллантиришга йўналтириш тарбия самарадорлигини оширишга ёрдам берди.

7. Олиб борилган тадқиқот натижалари талабаларнинг мустақиллик хақидаги тушунча ва тасавурларининг мустақиллик тафаккурига айланганлигини намоён этди.

Маънавий-маърифий фаолият жараёнида талабаларда мустақиллик тафаккурини шакллантиришга доир тадқиқот натижасида қуйидаги тавсияларни тақдим этишга йўллади:

- машғулотлар жараёнида ўрганиладиган мавзулар мазмунида миллий истиқлол ғоясининг асосий тушунча ва тамойилларига эътибор бериш, улардан мустақиллик тафаккурини шакллантиришда фойдаланиш;
- маънавий меросимизнинг инсон тафаккурини ривожлантиришга доир фикрларидан таълим-тарбия жараёнида фойдаланиш;
- талабаларнинг мустақиллик тафаккурини шаклланганлик даражасини аниқлаш мониторингини ишлаб чиқиш;
- талабаларда мустақиллик тафаккурини шакллантириш асосида уларнинг фикрлаш қобилияти, истеъдодини ривожлантириш механизмини яратиш;
- талабаларда мустақиллик тафаккурини шакллантиришга доир илмий-методик, илмий оммабоп адабиётлар мажмуини яратиш;
- мазкур муаммога доир фундаменти илмий тадқиқот ишларини олиб бориш.

**Назорат саволлари:**

1. Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурининг мақсад, вазифалари, босқичлари.
2. Бугунги кунда маънавий-маърифий фаолият жараёни.
3. Мутахассислар тайёрлашда олий ўқув юртларининг вазифалари.
4. Ўзбекистан иқтисодий, фан ва техника ривожланишидаги роли.

**Таянч сўзлари:**

Миллий дастур, мутахассис, милий дастур, талабалар

**Адабиётлари:**

- 1.Архангельский С. И. Учебный процесс в высшей школе, его закономерные основы и методы. - М., 1980.
- 2.Беспалько В.П. Некоторые вопросы педагогики высшего образования. - Рига, 1972.
- 3.Смирнов С.Д. Педагогика и психология высшего образования: от деятельности к личности: Учеб. пособие для студ. высш. пед. учеб. заведений. - М.: Издательский центр "Академия", 2001. - 304 с.
- 4.Основы педагогики и психологии высшей школы / Под ред. А. В. Петровского. - М., 1986.

## 12 -МАВЗУ

### КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ МИЛЛИЙ МОДЕЛИ

**Режа:**

- 12.1 Давлат ва жамият.**
- 12.2 Кадрлар тайёрлаш миллий моделида шахс.**
- 12.3 Кадрлар тайёрлаш миллий моделида узлуксиз таълим.**
- 12.4 Кадрлар тайёрлаш моделида ишлаб чиқариш.**

#### **12.1 Давлат ва жамият**

Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида» ва «Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури» тўғрисидаги Қонунларига мувофиқ амалга оширилаётган мислсиз ислоҳатлар мамлакатдаги барча давлат ва ижтимоий ташкилотларни, ҳар бир фуқарони фаол меҳнатга сафарбар этмоқда.

Шу билан бирга мазкур Қонунларнинг Олий Мажлисда тасдиқланганига бир йил бўлаётганига қарамай, факат кенг жамоатчилик эмас, балки мутахасислар ҳам кадрлар тайёрлаш Миллий моделининг асл моҳиятини, мақсад ва йўналишларини, шунингдек, узлуксиз таълим системасидаги туб ислоҳатлар мазмунини тўла англаб етишганларича йўқ. Оммовий ахборот воситаларида, анжуманлар, семинарларда «Қадрлар тайёрлаш Миллий дастури» ва уни амалга ошириш юзасидан меъёрий хужжатларни ўрганувчи, муҳокама этувчиларнинг Дастур моҳияти ва гояларини англаб етмасдаи, баъзан эса бутунлай бузиб талқин этаётганини кўрамиз.

Мазкур мақолани ёзишдан мақсад кадрлар тайёрлаш Миллий модели ва унинг таркибий қисмлари мазмуни моҳиятини, бетакрорлигини ва аҳамиятини очиб беришдан иборатdir.

Мамлакатимиз ва хориждаги тажрибалар шуни кўрсатадики, кадрлар тайёрлаш сифатини юксалтириш йўлидаги ислоҳатлар жараёнида қоидага кўра, асосий эътибор таълим тизимини мукаммаллаштиришга қаратилар эди. Шунинг ўзи маъқул ва етарли ҳисобланарди. Режали иқтисодиёт шароитида бундай ёндашув ўзини оклар, чунки кадрларга бўлган талаб, қанча, қаерга ва қандай мутахасислар тайёрлаш, улардан қандай фойдаланиш лозимлиги олдиндан кўрсатиб берилади. Айтиш керакки, бу кўрсаткичлар аксарият ҳолларда шахс, давлат ва жамият эҳтиёжларини яхши ўрганмасдан, буйруқбозлик билан кучга киритилар эди. Бундан ташқари, кадрлар тайёрлаш жараёни ҳам шахслар, истеъмолчилар, буюртмачилар, турли тузилмалар манфаатлари хилма-хиллиги ва мотивларини ўзида тўла акс эттира олмас эди.

Бу ҳол бозор иқтисоди шароитида янада кескин намоён бўлаётir. Чунки кадрлар тайёрлаш жараёни субъектларнинг барча мураккаб муносабатларни ҳисобга олиш, уларнинг функционал бурч ва ҳукукларини аник белгилаш, меҳнат бозори эҳтиёжлари, мамлакат ва унинг турли минтақаларининг ижтимоий-иктисодий аҳвол ва тараққиёт

истиқболларини ҳамиша эътиборда тутиш жуда қийин кечиши табиий.

Ана шуларни ҳисобга олган ҳолда, ислоҳатларнинг устиворлик ва босқичма-босқич принцилари асосида кадрлар тайёрлаш ва таълим тизимини ислоҳ қилишнинг узоқ муддатли стратегияси ишлаб чиқилди. Бу ислоҳатлар концепцияси ўзагини мутахасислар томонидан ҳақли равишда «Ислом Каримов модели» деб баҳоланаётган кадрлар тайёрлашнинг принципиал янги Миллий модели ташкил этади.

Мазкур моделнинг ноёблигини, антиқалигини, жаҳон тажрибасида бетакрорлигини таъкидлаш жоиз. Кадрлар тайёрлаш тизимини ривожлантириш орасидаги хорижий тажрибалар бу соҳадаги ислоҳотларнинг фақатгина таълим тизимини ўзгартиришга йўналтирилганини кўрсатади. Бунда шахс, давлат ва ижтимоий институтлар, ишлаб чиқариш, илм-фан каби кадрлар тайёрлаш жараёнининг муҳим субъектлари амалда эътибордан четда қолиб, ислоҳатлар кўлам ва мазмун чуқурлиги, илмий асосланганлиги билан унчалик кенг қамров касб этолмаслиги аниқ. Энг муҳими, Ўзбекистонда ислоҳат давлат томонидан бошланди ва амалга оширилмоқда, унинг муваффақияти ва самарали ривожланиши учун кафил ҳам давлатнинг ўзидир.

Ўзбекистон Республикасишшг «Таълим тўғрисида» ва «Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури» тўғрисидаги Қонунлари кадрлар тайёрлаш Миллий моделининг меъёрий асосини, уни амалга ошириш усули ва механизмини яратиб берди. Миллий дастурда амалдаги кадрлар тайёрлаш тизимининг аҳволи, мавжуд муаммолар атрофлича тахлил килинган, уни тубдан ўзгартириш заруратига асосланиб, ривожланишнинг стратегик йўналишлари ва дастурини амалга оширишдан кутилган асосий натижалар кўрсатиб берилган.

## 12.2 Кадрлар тайёрлаш миллий моделида шахс

Кадрлар тайёрлаш Миллий моделининг ноёблигини унга шахс, давлат ва жамият, узлуксиз таълим, илм-фан, ишлаб чиқариш кабиларнинг асосий таркибий компонентлар сифатида киритилганлиги, ҳар бир компонентнинг тўлақонли, тутган ўрни ва роли аниқ белгиланганлигини, уларнинг ўзаро таъсир механизmlари, бош мақсад-рақобатбардош, юқори малакали кадрлар тайёрлаш ишига стратегик йўналишларни сингари фазилатлар таъмин этади.

Шахс кадрлар тайёрлаш тизимида истеъмолчи сифатида ҳам, умумтаълим хизматларининг яратувчиси сифатида ҳам иштирок этади. Умумтаълим хизматлари истеъмолчиси сифатида Шахсга давлат таълим стандартлари томонидан сифатли таълим ва касб-хунар тайёргарлиги кафолатланади.

Таълим хизматларини амалга оширувчи сифатида эса Шахс муносиб даражада малака эгаллагандан сўнг, билим ва тажрибаларини таълим жараёнида янги авлодга ўргатиш, моддий ишлаб чиқариш, илм-фан, маданият ва майший хизмат соҳаларида фаолият кўрсатиш билан

шуғулланади.

Ҳар бир фуқароси қабул қилинган конституциявий қадриятларга, табиий, иқтисодни, ижтимоий-тарихий, миллий-маънавий шароитлардан келиб чиқувчи юксак ахлоқий норма ва кўникмаларга қатый риоя этган тақдирдагина жамият ва давлат муваффақиятли ривожланади. Ҳар бир одам фақат таълим, ижтимоий тарбия ва маънавий камолот, касб-хунар ўрганиш тизими воситасидагина Шахс бўлиб шаклланади.

Натижада шахснинг ижтимоий камол топиши-унинг жамият учун фойдали функцияларни бажариши, ўз вазифа ва бурчларини пухта ва ижодий англаб, бошқалар билан teng, мустақил муносабатларга киришуви юз беради.

Кадрлар тайёрлаш тизимида шахснинг ўрни ва роли, хукуқ ва мажбуриятлари конституциявий мустаҳкамланиб, қонуний ҳимояга олинган, Ўзбекистон Республикасининг тегишли ҳужжатларида батартиб баён этилган.

Давлат ва жамият кадрлар тайёрлаш тизимининг амал қилиши ва ривожланишининг кафолати, Миллий модел барча субъектлари фаолиятини тартибга солувчи сифатида майдонга чиқади.

Давлат ва жамият:

- фуқароларнинг илм олиш хуқуқини уларнинг касб танлаш ва малака ошириш имкониятларини;
- академик лицей ёки касб-хунар коллежларида ўқиб-ўрганиш ўйналишини танлаш хуқуқини берувчи мажбурий умумий ўрта ва ўрта маҳсус, касб-хунар маълумоти олишни;
- давлат грантлари базасида ёки пуллик-битим асосида олий ва ундан юқори даражаларда маълумот олиш хуқуқини;
- давлат таълим муассасаларининг молиявий таъминотини;
- ўқувчиларнинг ўқиши, яшаш ва дам олиш шароитларини таъминлаш масалаларини ҳал этиш юзасидан жамоатчилик бошқарувини ривожлантиришни;
- таълим жараён қатнашчиларини ижтимоий қўллаб-қувватлашни;
- таълим муассасаларининг педагог ходимлари, ота-оналар (ёки уларнинг қонуний вакиллари)нинг болалар ва ўсмирларнинг ўқитиш, тарбияси, ҳаёти ва соғлигини ҳимоя қилиш учун маъсулиятларини ошириш юзасидан меъёрий-хуқукий ҳужжатларнинг амал қилиш фаоллигини кафолатлади.

Шундай қилиб, шахс учун сифатли касб-хунар тайёргарлиги, ижтимоий рағбат ва ҳимоя, жамиятдаги тегишли муносаб мавқе, фавқулодда ҳолатларда ёрдам олиш давлат томонидан кафолатланади.

### **12.3 Кадрлар тайёрлаш миллий моделида узлуксиз таълим**

Кадрлар тайёрлаш Миллий модели илм-фанни ҳам катта аҳамиятли компонент сифатида ўз ичига олади. Бунда илм-фаннынг:

-табиат ва жамиятнинг ривожланиш қонуниятларига оид янги фундаментал ва амалий билимларини шакллантириш, ўрганиш, кенг ёйиш

ва кадрлар тайёрлаш тизимида фойдаланиш учун энг муҳим янги илмий натижаларни марказлаштириш;

- юксак малакали илмий ва педагогик кадрлар тайёрлаш;
- кадрлар тайёрлаш жараёнининг илмий-тадқиқотлар инфраструктурасини яратиш, турли соҳалар бўйича таълим-ахборот тармоқларида фойдаланиш учун маълумотлар базаларини шакллантириш;
- мамлакат илм-фаннынг умумжаҳон илм-фани билан интеграциялашуви, хозирги замон илм-фани ва технологияларининг энг муҳим муаммоларини ҳал этиш учун ҳалқаро илмий ютуқлар ва кадрлар алмашинувини йўлга қўйиш каби фазилатлари назарда тутилади.

Кадрлар тайёрлаш тизимини ривожлантиришнинг янги стратегияси илм-фаннынг мазкур тизимида тутган ўрни ва ролини тубдан қайта қўриш, унинг функция ва вазифаларини аниқ белгилаб бериш заруратини илгари сурди.

Миллий дастурга мувофиқ кадрлар тайёрлаш тизимида илм-фан қуидаги функцияларни амалга оширади:

- юксак малакали рақобатбардош кадрлар буюртмачиси сифатида майдонга чиқади;
- узлуксиз таълим тизимининг барча босқичларида ўкув-тарбия жараёнининг илмий-методик таъминотини амалга оширади.

Аммо бу муҳим тармоқнинг бугунги аҳволи қўрсатилган функциявий талабларни қондира олмайди. Мутахасислар тайёрлаш тизимида илм-фаннынг бугунги роли истеъмолчи тармоқлар учун юксак малакали илмий ва илмий-педагогик кадрлар тайёрлаш билан чегараланади.

Миллий моделни амалга ошириш илм-фаннынг кадрлар тайёрлаш тизимида бутунлай янги сифатда, янги вазифаларини бажаришини, ривожланишининг янги принципial босқичига қўтарилишини тақоза этади. Бу босқичига қўтарилишини тақоза этади. Бу босқичда илм-фан учун қуидаги характерли хусусият ҳисобланади:

- таълим муаммоларини фундаментал, илмий тадқиқий, тажриба-конструкторлик ва амалий тадқиқотлар ёрдамида ҳал этиш самарадорлигининг кескин ортиши, давлат таълим стандартларини ишлаб чиқиш янги педагогик ва ахборот технологияларини, ўкув-методик мажмуаларини амалга киритиш;
- ижтимоий ва педагогик жараёнларни ўрганишининг дастурий-мақсадли, тузилма-тизимли ва комплекс ёндашувларидан фойдаланиш;
- ижтимоий ҳаёт ва таълим амалиёти, илғор педагогик тажриба билан узвий алоқада бўлиш;
- олимларнинг педагогик жараёнда энг фаол иштироки, илмий-тадқиқотлар жараёнига ўкувчи-талабаларнинг жалб этилиши;
- тадқиқотларнинг юксак технологиявий даражаси, уларнинг таълим амалиётида қўлланилиши.

Олий ўкув юртлари, илмий муассасалар ва илм-фани бошқариш ташкилотларда ишлаб чиқариш, маданият, таълим ва илм-фаннынг ўз талаб-эҳтиёжларини қондириш учун исътедодли ёш мутахасислар, илмий-

педагогик ходимлар орасидан юксак малакали илмий ва илмий педагогик кадрларни танлаб олиш, тайёрлаш шарт-шароитлари ва энг самарали механизмлари ишлаб чиқилиши лозим.

Илм-фаннынг энг асосий вазифаларидан бири тез суръатларда энг юксак малакали кадрлар тайёрлаш, мамлакатнинг илмий потенциалини шакллантириш ҳисобланади.

Кадрлар тайёрлаш тизими тараққиёти республикада оправдация, тадқиқот ва янги педагогик технологияларни такомиллаштириш бўйича экспериментал базаларнинг кенг тармоғини яратиш ва ишга киритиш муаммолари билан ҳар томонлама боғлиқдир. Илғор амалиёт тажриба ва илм-фан ютуқларининг ўзаро мустаҳкам алоқадорлиги тараққиёт ва такомиллашувнинг гарови ҳисобланади: тажриба-синов жараёнига жалб этилган мутахасислар ўз илмий билим даражаларини юксалтирадилар, олимлар эса ишлаб чиқариш жараёнида ўз илмий изланишлари учун амалда фойдали бўлган йўналишларини белгилаб олишади.

Миллий моделда ишлаб чиқариш кадрлар тайёрлаш тизимининг асосий тенг ҳуқуқ компонентларидан бири сифатида эътиборга олинади.

Ишлаб чиқариш кадрлар тайёрлаш тизимида буюртмачи ва истеъмолчи функцияларини бажариб, керакли юксак даражаларда ва тегишли соҳалар учун кадрлар тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малака ошириш жараёнида фаол иштирок этади.

#### **12.4 Кадрлар тайёрлаш моделида ишлаб чиқариш**

Ишлаб чиқаришнинг эҳтиёжлари кадрлар тайёрлашга бўлган ижтимоий буюртмани шакллантиради, касб-хунарга тайёрлашнинг мақсади, вазифаси ва мазмунини аниклади, малакавий талабларни илгари суради, янги технологиялар ва ўқитиш шаклларини танлаб олиш шартларини белгилайди. Ишлаб чиқариш буюртмачи сифатида кадрларнинг, умуман, касб-хунарга тайёрлаш тизимининг сифати, даражаси ва рақобатбардошлигини баҳолаб беради.

Ислоҳатлар бошланмасидан олдин ишлаб чиқариш ва таълим муассасасининг ўзаро алоқалари шу аҳволда эдики, битирувчи талабалар яхшигина назарий тайёргарлик олишса-да, касбий муаммоларни мустақил ҳал этишга асосланган зарурый қўникмаларни эгаллай олишмасди. Шу боисдан ҳам ёш мутахасислар қўпинча ишлаб чиқаришни яхши билишмас, ўз касбий фаолиятини такомиллаш маҳоратини ошириш учун фаоллик кўрсатмас эди.

Таълим муассасаларининг ишлаб чиқариш билан етарли даражада мустаҳкам ва ҳар томонлама алоқада бўлмаслиги ўқитиш мазмуни ва технологиясининг иқтисоддаги илмий-техник тараққиётидан орқада қолишига олиб келади.

Иқтисодиёт, илм-фан ва техника тараққиётининг бугунги босқичи барча даражаларда мутахасислар тайёрлаш сифатида юксак талаблар қўймоқда, таълим муассасаларининг ишлаб чиқариш билан ҳар томонлама интеграциялашувини тақозо этмоқда.

Ишлаб чиқариш ва таълим самарали интеграциялашувининг бош вазифаси кадрлар тайёрлаш тизимида ишлаб чиқаришнинг ўрни ва ролини аниқлаб олишдир. Бунинг учун эса: корхоналарда ишлаб чиқариш меҳнати билан ўқитишни боғлаш асосида, шунингдек ишлаб чиқариш амалиёти жараёнида юксак малакали кадрлар тайёрлашни таъминлаш; корхоналарнинг ишлаб чиқариш потенциалидаи кадрлар тайёрлашда ва ҳамкорликда илмий-тадқиқот ишлари ўтказишда фойдаланиш; ишлаб чиқариш эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда технологиялар ва техника тараққиётининг янги йўналишлари бўйича кадрлар тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малака ошириш ишларини йўлга кўйиш; олий ўкув юрти ёки ИТИ илмий-амалий потенциалини ишлаб чиқаришнинг улкан техникавий муаммоларини ҳал этишга сафарбар қилиш лозим бўлади.

Кадрлар тайёрлашда танланган мутахасислик бўйича кў尼克ма ва қобилиятларни шакллантирувчи ишлаб чиқариш амалиёти алоҳида ўрин тутади. Ишлаб чиқариш амалиёти: ўқувчи-талабаларнинг ўзлари танлаган соҳа бўйича турли лавозим-вазифалар билан ишлаб чиқариш жараёнида бевосита иштирок этишни; ишлаб чиқариш ўқуви доирасида ўтказиладиган назарий машғулотларни; маҳсус тайёргарликнинг баъзи масалаларини ишлаб чиқариш шароитларида мустақил ўрганишни; касбга оид билимлар, ишлаб чиқариш кў尼克ма ва қобилиятларини эгаллашни; ишлаб чиқаришдаги рационализаторлик ва ихтирочилик фаалиятида, жамоанинг ижтимоий ҳаётида иштирок этишни ўз ичига қамраб олади.

Кадрлар тайёрлаш Миллий моделини амалга оширишда узлуксиз таълим тизими ва унинг таркибий қисми касб-хунар таълимига алоҳида эътибор каратилади. Узлуксиз таълим тизими инсон ва жамиятнинг турли хил таълимий эҳтиёжларини қондириши, билимларнинг қадр-қиммати ва мавқеини кўтариш учун кенг имкониятларни яратиб бериши, шунингдек иқтисодиётнинг ўзгарувчан эҳтиёжлари шароитида умумтаълимий, умуммаданий, касбий ва илмий асосда мутахасислар тайёрлаш йўли билан фундаментал билимлар бериб шахсни ижтимоий ҳимоя қилишни таъминлаши керак. Бунда Шахсга ўз ижодий имкониятларини ишга солиши учун касбий-таълимий дастурни танлаш хукуқи берилади.

Узлуксиз таълим ижодкор, ижтимоий фаол, маънавий бой шахсларни шакллантириш ва тез суръатларда юксак малакали рақобатбардош кадрлар тайёрлаш учун керакли шарт-шароитларни яратади.

Таълим соҳасида давлат сиёсатининг асосий принциплари қуйидагилардан ҳисобланади:

- таълим-тарбиянинг инсоний, демократик характери;
- таълимнинг узлуксизлиги ва изчил давомийлиги;
- умумий ўрта ва ўрта маҳсус, касб-хунар таълимининг мажбурийлиги;
- ўрта маҳсус, касб-хунар таълимини-академик лицей ёки касб-хунар коллежини танлашнинг ихтиёрийлиги;
- таълим тизимининг дунёвий характери;
- таълимнинг давлат таълим стандартлари доирасда ҳаммаболлиги;
- таълимий ва касб-хунар дастурларини танлашга ёндашувнинг

яхлитлиги ва табақалаштирилганлиги;

билимдонлик на талантнинг рағбатлантирилиши;

таълим тизимида давлат ва жамоат бошқарувининг уйғунлиги.

Узлуксиз таълимнинг ўзига хос фазилати шуки, у умумтаълим ўқувидаи касб-хунар таълими дастурларига ўтиш изчиллигини таъминловчи икки мустақил тур сифатида: тўккиз йиллик умумий ўрта ва уч йиллик ўрта маҳсус, касб-хунар таълимини ўзаро боғлаб туради.

Умумтаълим дастурлари мактабгача тарбия, бошланғич (1-4 синфлар), умумий ўрта таълим (1-9 синфлар) ўрта маҳсус, касб-хунар ва олий таълимни қамраб олади.

Касб-хунар таълими дастурлари ўрта маҳсус, касб-хунар, олий (бакалавриат, магистратура) ва олий ўкув юртидан кейинги таълим, малака ошириш, кадрларни қайта тайёрлашни қамраб олади.

Республикада узлуксиз таълим тизимини ишлаб чиқишга илмий ёндашувнинг характерли хусусияти шуки, унга тўлақонли, узлуксиз ва изчил- яъни, ягона тизим сифатида қаралмоқда.

Узлуксиз таълим жараёнлари ва ҳодисаларини ўрганишга тизимли ёндашув шу билан изохланадики, бу усул ўрганилаётган обьект таркибий элементларининг ички алоқадорлигини, унинг бошқа ижтимоий-иктисодий ҳодиса ва жараёнлар билан ўзаро боғланишларини тадкиқ этиш, ўрганилаётган категорияга хос хусусиятлар, тенденция ва қонунларни аниклаш, уни янада такомиллаштиришнинг самарали йўналишларини белгилаш имконини беради.

Шу нуқтаи назардан, бугун Ўзбекистонда амалга оширилаётган узлуксиз таълим тизими ислоҳати бу эскирган, издан чиқсан ғоялар ва қоидалар ўрнига, мутлақо янги, илмий асосланган, республикадаги ижтимоий-иктисодий ислоҳатлар билан ҳар томонлама уйғунлаштирилган тўлақонли тизимни амалда жорий этиш демақдир. Бу эса ўтмишдаги барча ижобий ғоялардан ҳам воз кечиши дегани эмас. Эришилган потенциалга таяниб, бой меросдан фойдаланиш, жамиятнинг моддий-техник базаси ва кадрлар таркибини янада тараққий эттириш лозимдир.

Шундай қилиб, таълим тизимидағи янгиланиш, тараққиёт ягона, бир бутун жараённинг ўзаро боғлиқ ва бир-бирини тақозо этувчи таркибий қисмлари сифатида-жаҳон ҳамдўстлигига интеграциялашув кучайган бир шароитда жамият ва давлат тарраққиётига ижобий таъсир кўрсатади.

Кадрлар тайёрлаш тизимини ислоҳ килишнинг ҳозирги босқичида мантиқий занжир кўзга ташланади -ислоҳотлар сифат жиҳатидан илгариларидан тубдан фарқ қиласди: кадрлар тайёрлаш жараёнига барча давлат ва ижтимоий институтлар жалб этилади; шахс фаоллигига тўла шароит яратилиб, билим ва талант рағбатлантирилади; кадрлар тайёрлаш Миллий модели барча компонентларининг мустаҳкам ҳамкорлиги йўлга қўйилади; таълимнинг принципиал янги турлари яратилиб, улар мутлақо янгича мазмун, уларни ташкил этиш ва бошқаришнинг янгича шакллари билан бойитилади; таълимни моддий-техникавий, ахборот ва кадрлар билан таъминлаш тубдан ўзгартирилади.

Мазкур ислоҳатларнинг барчаси республика тараққиётининг стратегик мақсади-бозор иқтисодиёти шароитида қурдатли демократик давлат, фуқаролик жамияти барпо этиш, халқаро ҳамдўстликнинг тенг хуқуқли аъзоси бўлган мамлакат ривожини таъминлашга қаратилгандир.

**Назорат саволлари:**

1. Давлат ва жамият.
2. Ўзбекистон Республикасишшг «Таълим тўғрисида» ва «Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури» тўғрисидаги Қонунлари.
3. Кадрлар тайёрлаш миллий моделида шахс.
4. Кадрлар тайёрлаш миллий моделида узлуксиз таълим.
5. Кадрлар тайёрлаш моделида ишлаб чиқариш.
6. Узлуксиз таълим.

**Таянч сўzlари:**

Милий модели, узлуксиз таълим, давлат, жамият, шахс

**Адабиётлари:**

1. Смирнов С.Д. Педагогика и психология высшего образования: от деятельности к личности: Учеб. пособие для студ. высш. пед. учеб. заведений. - М.: Издательский центр "Академия", 2001. - 304 с.
2. Педагогика и психология высшей школы: Учебное пособие. - Ростов н/Д:Феникс, 2002. - 544 с.
3. Основы педагогики и психологии высшей школы / Под ред. А. В. Петровского. - М., 1986.
4. Архангельский СИ. Лекции по теории обучения в высшей школе. - М., 1974.

## **13 – МАВЗУ УЗЛУКСИЗ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ВА ТУРЛАРИ**

**Режа:**

**13.1 Узлуксиз таълим тизимининг фаолият олиб борицда давлат таълим стандартлари.**

**13.2 Таълим дастурларининг изчилиги.**

**13.3 Таълим турлари.**

**13.4 Кадрлар тайёрлаш миллий дастури асосида узлуксиз таълим.**

**13.1 Узлуксиз таълим тизимининг фаолият олиб борицда давлат таълим стандартлари**

Узлуксиз таълим кадрлар тайёрлаш тизимининг асоси, Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий-иктисодий тараққиётини таъминловчи, шахс, жамият ва давлатнинг иктисодий, ижтимоий, илмий-техникавий ва маданий эҳтиёжларини қондирувчи устивор соҳадир.

Узлуксиз таълим ижодкор, ижтимоий фаол, маънавий бой шахс шаклланиши ва юқори малакали рақобатбардош кадрлар илдам тайёрланиши учун зарур шарт-шароитлар яратади.

Узлуксиз таълимнинг фаолият кўрсатиш принциплари қўйидагилардан иборат:

- таълимнинг устиворлиги - унинг ривожланишининг биринчи даражали аҳамиятта эга эканлиги, билим, таълим ва юксак интеллектнинг нуфузи;

- таълимнинг демократлашуви - таълим ва тарбия услубларини танлашда ўкув юртлари мустақиллигининг кенгайиши, таълимни бошқаришнинг давлат-жамият тизимига ўтилиши;

- таълимнинг инсонпарварлашуви - инсон қобилияtlарининг очилиши ва унииг таълимга нисбатан бўлган турли-туман эҳтиёжларининг қондирилиши, миллий ва умумбашарий қадриятлар устиворлигининг таъминланиши, инсон, жамият ва атроф-муҳит ўзаро муносабатларининг уйғунлашувчи;

- таълимнинг ижтимоийлашуви - таълим олувчиларда эстетик бой дунёқарашни ҳосил қилиш, уларда юксак маънавият, маданият ва ижодий фикрлашни шакллантириш;

- таълимнинг миллий йўналтирилганлиги – таълимнинг миллий тарих, халқ анъаналари ва урф-одатлари билан узвий уйғунлиги, Ўзбекистон халқларининг маданиятини сақлаб қолиш ва бойитиш, таълимни миллий тараққиётнинг ўта муҳим омили сифатида эътироф этиш, бошқа халқларнинг тарихи ва маданиятини хурматлаш;

- таълим ва тарбиянинг узвий боғлиқлиги, бу жараённинг ҳар томонлама камол топган инсонни шакллантиришга йўналтирилганлиги;

- иқтидорли ёшларни аниqlаш, уларга таълимнинг энг юқори

даражасида, изчил равища фундаментал ва маҳсус билиш олишлари учун шарт-шароитлар яратиш.

### **13.2 Таълим дастурларининг изчиллиги.**

Узлуксиз таълим соҳасидаги ислоҳатлар қўйидагиларни назарда тутади:

таълим тизимининг кадрлар салоҳиятини тубдан яхшилаш, тарбиячи, ўқитувчи, муаллим ва илмий ходимнинг касбий нуфузини ошириш;

- давлат ва нодавлат таълим муассасаларининг ҳар хил турларини ривожлантириш;

- таълим тизимини таркибий жиҳатдан қайта қуриш, таълим, фан, техника ва технологиянинг, иқтисодиёт ва маданиятнинг жаҳон миқиёсидаги замонавий ютуқларини ҳисобга олган ҳолда таълим ва касб-хунар таълими дастурларини тубдан ўзгартириш;

- мажбурий умумий ўрта таълимда ўрта маҳсус, касб-хунар таълимига ўтилишини таъминлаш;

- маҳсус, касб-хунар таълимининг марказлари сифатида фан ва ишлаб чиқариш интеграциялашган янги типдаги ўкув муассасаларини вужудга келтириш;

- илғор технологияларни кенг ўзлаштириш, иқтисодиётдаги таркибий ўзгаришлар, чет эл инвестициялари қўламларининг кенгайиши, тадбиркорлик, кичик ва хусусий бизнесни ривожлантириш билан боғлиқ янги касб-хунар ва мутахассислар бўйича кадрлар, шу жумладан бошқарув тизими кадрларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасинн ошириш;

- миллий мустақиллик принциплари ва халқнинг бой интеллектуал мероси ҳамда умумбашарий қадриятларнинг устуворлиги асосида таълимнинг барча даражалари ва бўғинларида таълим олувчиларнинг маънавий ва ахлоқий фазилатларини ривожлантириш;

- таълимни бошқариш таълимини такомиллаштириш, таълим муассасаларини минтақалаштириш;

- таълим олишда, шунингдек болалар ва ёшларни маънавий-ахлоқий, интеллектуал ва жисмоний жиҳатлан тарбиялашда оила, ота-оналар, жамоат ташкилотлари, маҳаллалар, хайрия ва халқаро фонdlарнинг ролини қучайтириш юзасидаи чора-тадбирлар ишлаб чиқиш ҳамда уларни амалга ошириш;

- таълим жараёни ва кадрлар сифатига холис баҳо бериш тизимини яратиш ва жорий этиш;

- таълим тизимини молиявий, моддий-техника ва бошқа тарздаги ресурслар билан таъминлаш механизmlарини шакллантириш;

- узлуксиз таълимни фан ва ишлаб чиқариш билан интеграциялаштиришнинг пухта механизmlарини ишлаб чиқиш ва жорий этиш;

- таълим ва илм-фан билан боғлиқ чет-эл ҳамда халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликни кенгайтириш ва ривожлантириш;

- туб ерли миллатга мансуб бўлмаган шахслар зич яшайдиган жойларда улар ўз ота тилларида таълим олишлари учун ташкилий ва педагогик шарт-шароитлар яратиш;

- таълимнинг барча даражаларида таълим олувчиларнинг ҳукуқий, иқтисодий, экологик ва санитария-гигиена таълими хамда тарбиясини такомиллаштириш.

### **13.3 Таълим турлари**

Узлуксиз таълим тизимининг фаолият олиб бориши давлат таълим стандартлари асосида, турла даражалардаги таълим дастурларининг изчилиги асосида таъминланади ва қуидаги таълим турларини ўз ичига олади:

- мактабгача таълим;
- умумий ўрта таълим;
- ўрта маҳсус, касб-хунар таълими;
- олий таълим;
- олий ўқув юритидан кейинги таълим;
- кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш;
- мактабдан ташқари таълим.

Мактабгача таълим бола соғлом, ҳар томонлама камол топиб шаклланишини таъминлайди, унда ўқишига интилиш ҳиссини уйғотади, уни мунтазам таълим олишга тайёрлайди. Мактабгача таълим бола олти-етти ёшга етгунича давлат ва нодавлат мактабгача тарбия болалар муассасаларида хамда оиласларда амалга оширилади. Мактабгача таълим мақсади ва вазифаларини рўёбга чиқаришда маҳаллалар, жамоат ва хайрия ташкилотлари, халқаро фондлар фаол иштирок этади.

Тўққиз йиллик ўқищдан иборат умумий ўрта таълим мажбурийдир. Таълимнинг бу тури бошланғич таълимни қамраб олади хамда ўқувчиларнинг фанлар ва асослари бўйича мунтазам билим олишларини, уларда билим ўзлаштириш эҳтиёжини, асосий ўқув-илмий ва умуммаданий билимларни, миллий ва умумбашарий қадриятларга асосланган маънавий-аҳлоқий фазилатларни, меҳнат кўникмаларини, ижодий фикрлаш ва атроф-муҳитга онгли муносабатда бўлишни ва касб танлашни шакллантиради. Умумий ўрта таълим тугалланганидан кейин таълим фанлари ва улар бўйича олинган баҳолар кўрсатилган ҳолда давлат томонидан тасдиқланган намунадаги атестат берилади.

Умумий ўрта таълим негизида ўқиши муддати уч йилган бўлган мажбурий ўрта маҳсус, касб-хунар таълими узлуксиз таълим тизимидағи мустақил турдир. Ўрта маҳсус, касб-хунар таълими йўналиши - академик лицей ёки касб-хунар коллежи ўқувчилар томонидан ихтиёрий танланади.

Академик лицей давлат таълим стандартларига мувофиқ ўрта маҳсус таълим беради. Ўқувчиларнинг имкониятлари ва қизиқишлигини ҳисобга олган ҳолда уларнинг жадал интеллектуал ривожланиши чукур, соҳалаштирилган, табақалаштирилган, касбга йўналтирилган таълим олишни таъминлайди.

Академик лицей ўкувчилар ўзлари танлаб олган таълим йўналиши бўйича (гуманитар, техника, аграр ва бошқа соҳалар) билим савияларини ошириш ҳамда фанни чуқур ўрганишга қаратилган маҳсус касб-хунар кўникмаларини ўzlарида шакллантириш имкониятига эга бўладилар. Бу кўникмаларни ўқишини муайян олий таълим муассасаларида давом эттириш ёки меҳнат фаолиятида рўёбга чиқаришлари мумкин.

Касб-хунар коллежи тегишли давлат таълим стандартлари доирасида ўрта маҳсус, касб-хунар таълими беради; ўкувчиларнинг касб-хунарга мойиллиги, билим ва кўникмаларини чуқур ривожлантириш, танлаб олинган касб-хунар бўйича бир ёки бир неча ихтисосни эгаллаш имконини беради.

Тўғри ташкил қилинган таълим жараёнида ўқитувчи ўкувчиларга ўрганилаётган воқеа ва объектлар ҳакида чуқур тасаввурга эга бўлишлари учун зарур имконият яратиши керак.

Таълим воситалари - жадвал, расм, суръат, модел, фотосуратлар билимни пухта ўзлаштиришини таъминлайди.

Ўкувчиларнинг амалий мустақил ишларда, она тили, чет тили, адабиёт ва бошқа ўқув дарсларда фойдаланадиган дарслик, маълумотномалар, луғатлар, илмий ва бадиий адабиётлар, жадвал, расм, фото суръатлар таълим воситалари ҳисобланади ва улар билимни пухта ўзлаштиришга ёрдам беради.

Физика, электротехника, радиотехника дарсларида ўқитувчи ўкувчиларни, масалан схема, диаграмма, макет, диафильм ва кинофильм воситасида, масалан, «Технология» курсини ўтишда схема, диаграмма, макета, диафильм, кинофильм воситасида «транзистор»нинг ташки кўриниши ва тузилиши билан таништириш имкониятига эга бўлади.

Ўрганиладиган ҳодиса ва объектни ўрганиш охирида ўкувчиларга ўқув воситаларни амалда қўллаш йўлларини кўрсатади. Умуман, таълим воситалари ўкувчилар учун таълим жараёнида атроф мухитни чуқур англашга ёрдам беради. Ўқитувчи учун, ахборот негизи сифатида, таълим жараёнини ташкил қилиш ва билимни назорат қилишда муҳим омил бўлиб хизмат қиласди.

Таълим воситаларининг дидактик вазифалари қўйидагилардан иборат:

- ўрганиладиган ҳодиса ёки объект ҳакида тўлиқ ва аниқ ахборотни таъминлаш, шу билан таълим сифатини оширишга имконият яратиш;
- ўкувчиларнинг англашга қизиқишини юқори даражада ривожланишига ёрдам бериш;

- таълимнинг кўргазмалилигини кўтариш, ўкувчилар учун қийин бўлган материални тушунишни таъминлаш;

- ўкувчилар меҳнатини унумдорли килиш, шу билан ўқув материалини ўрганишни тезлаштириш;

- дарсда ўкувчиларнинг мустақил ишларини ошириш.

Барча таълим воситаларини қўйидаги турларга бўлиш мумкин:

- таълим мақсади учун мўлжалланган ташки оламдаги табиий объектлар;

- ҳаракатдаги машина моделлари, аппаратлар, қурилишлар;

- техник қурилмалар макети, ўсимликлар ва улариинг ҳосили;
- физика, химия дарсларида ўтказиладиган ўқув экспериментларга доир асбоблар;
  - график воситалар (суратлар, расмлар, жадваллар, географик хариталар);
  - техник таълим воситалар (диапозитивлар, диа, кино фильмлар, чизма ва товушли аппаратлар, аудио ва видео ёзувлар);
  - ксерокўчирма ўқув материаллари;
  - дарслик ва ўқув қўлланмалар;
  - ўқувчилар билими ва билишни назорат қилиш қурилмалари.

Таълим воситаларини қўллаш соҳасида олиб борилган тажрибалар шуни кўрсатадики, улар ахборот манбаи сифатида ўқитувчини технк меҳнатдан маълум даражада озод қиласди, ўқувчилар билан олиб бориш ижодий фаолият вақтдан озод этади.

Таълим воситилари ўқув материали мазмунии тўлиқ ва чуқур баён этишга имконият яратади, ўқувчиларда ижодий фикрлашни шакллантиради.

### **Назорат саволлари:**

1. Узлуксиз таълим тизимининг фаолият олиб борицда давлат таълим стандартлари.
2. Таълим дастурларининг изчиллиги.
3. Таълим турлари.
4. Умумий ўрта таълим.
5. Касб хунар коллежи ва Академик лицей орасидаги фарқлар ва умумийликлар нималардан иборат?
6. Кадрлар тайёрлаш миллий дастури асосида узлуксиз таълим.

### **Таянч сўzlари:**

Кадрлар тайёрлаш миллий дастури, умумий ўрта таълим, таълим турлари, узлуксиз таълим

### **Адабиётлари:**

- 1.Архангельский С. И. Учебный процесс в высшей школе, его закономерные основы и методы. - М., 1980.
- 2.Беспалько В.П. Некоторые вопросы педагогики высшего образования. - Рига, 1972.
- 3.Смирнов С.Д. Педагогика и психология высшего образования: от деятельности к личности: Учеб. пособие для студ. высш. пед. учеб. заведений. - М.: Издательский центр "Академия", 2001. - 304 с.
- 4.Педагогика и психология высшей школы: Учебное пособие. - Ростов н/Д:Феникс, 2002. - 544 с.
- 5.Основы педагогики и психологии высшей школы / Под ред. А. В. Петровского. - М., 1986.
- 6.Архангельский СИ. Лекции по теории обучения в высшей школе. - М., 1974.

## **14 - МАВЗУ**

### **ТАРБИЯ НАЗАРИЯСИ ВА УНИНГ МАЗМУНИ**

**Режа:**

**14.1 Тарбия жараёни ва тарбиявий ишнинг аниқ мақсади.**

**14.2 Тарбиявий вазифалар, тарбия воситалари, тарбиянинг мазмуни, тарбия методлари, тарбиявий шакллари.**

**14.3 Ўз-ўзини тарбиялаш жараёни.**

#### **14.1 Тарбия жараёни ва тарбиявий ишнинг аниқ мақсади**

Президент Ислом Каримов Ўзбекистан республикаси мустакиллигининг 14 йиллигига бағишиланган тантанали маросимдаги сўзида «бугун биз нақадар нотинч ва тахликали замонни бошимиздан кечираётганимизга ҳаммамиз гувохмиз.

Бундай хатарли вазиятда бизнинг тинчлигимиз ва осуда хаётимизни, янги жамият қуриш йўлида астойдил меҳнат қилаётганимизни кўролмайдиган, яқин ва узоқ атрофимизда ёвуз ва разил мақсадлар билан бизга кўз олайтираётган, қўпорувчи ва қабих ҳаракатлардан ҳам тап тортмайдиган кучларнинг борлиги барчамиздан доимо безгирилик ва хушёрлигимизни сақлаб, мустақиллигимизни янада мустахкамлашни талаб этмоқда» деб таъкидлаб бу соҳадаги вазифаларни белгилаб берган эди. Булар: озодлик, эркинлик ва эзгу мақсадларга эришиш, жаҳон миқёсида ўзимизга муносиб ўрин эгаллаш, Ватанимизнинг истиқлонини химоялаш, Ўзбекистон фуқаросида миллий ғуур ва ифтихорни ривожлантириш кабилардир. Ушбу вазифаларни амалга оширишда олий мактаб талабаларида огохлик ва фидойилик маданиятини шакллантириш муҳим аҳамиятга эга. Чунки, тарбия маданияти талабаларни билим эгаллаш, ўқиш, ишлаш ва яшашга ўргатиш билан бирга мамлакатнинг мустақиллиги, юртнинг тинчлиги, давлатнинг харбий, иқтисодий, ғоявий, экологик, информацион таҳдидлардан муҳофаза этилиши, мамлакатда фукаролараро ва мамлакатлараро тотувлик, ижтимоий барқарорлик мұхитни таъминлаш, хар бир оила ва бутун халқнинг фаровонлиги, жамиятда адолат устиворлиги, демократия, ўз-ўзини бошқариш тамойиллари асосида бутун халқимизнинг умумий манфаатларини химоя ва ғамхўрлик қилишда фаол иштирок этишга тайёрлайди. Миллий истиқлол ғоясига чексиз содик, ўзбек халқининг жанговар ва меҳнат традицияларини давом эттиришга қобил бўлган ёшларни тарбиялаш, уларни ўзининг сиёсий билимларини мунтазам ошира бориши малакасига эга бўлган кишилар қилиб етиштириш, уларда диний экстремизм ва терроризмга қарши муросасизликларни ўстириш демакдир. Шунингдек, тарбия маданиятини шакллантиришни талабаларда ватанпарварлик ва адолатпарварлик, инсонпарварлик фазилатларини ўстиришни ҳам ўз ичига олади.

Талабаларда тарбия маданиятини шакллантириш давлат сиёсатининг устивор йўналишларидан бири ҳисобланади. Шунинг учун ҳам талаба ёшлар жамият тараққиёти истиқболларини чуқур тушуниб олишлари муҳим олади.

аҳамиятга эга. Талаба ёшларда кўп миллатли Ўзбекистон халқининг эзгу ғоя - озод ва обод ватан, эркин ва фаровон ҳаёт барпо этиш муқаррарлигига, ишонч ва эътиқодини ҳосил килиш зарур. Бу вазифани бажариш бевосита профессор-ўқитувчилар, гурух раҳбарлари, «камолот» ёшлар ижтимоий харакати зиммасига тушади.

Олий мактабнинг хар бир талабаси Ўзбекистоннинг келажаги буюк эканлигини англабгина қолмасдан, балки жамиятимизда огохлик ва фидойилик учун оташин курашчи бўлиб улғайиши лозим. Бизга маълумки, Ўзбекистон халқининг миллий тараққиёт йўлидаги бош ғояси-озод ва обод ватан, эркин ва фаровон ҳаёт барпо этишдир. Бу талаба-ёшларда ватанга меҳр-муҳаббат, бошқа мамлакатлар меҳнаткашлари билан қардошларча ҳамкорликни ўстириш демакдир. Бунинг учун эса талаба-ёшлар халқимизнинг маънавий меросини ўрганиш, миллий ва умуминсоний қадриятларни сақлаш, давом эттириш ва бойитишга, халқ баҳт - саодати йўлида ҳалол меҳнат қилишга тайёр туришлари лозим. Бу юксак маънавий - сиёсий фазилатларни камол топтириш огохлик ва фидойилик маданиятини шакллантиришнинг вазифаси ҳисобланади.

Ўзбекистон келажагини барпо этиш, тарбия маданиятини шакллантириш - бу ёшларнинг жаҳолат ботқоғига ботиб кетишнинг олдини олиши жиҳатидан ҳам муҳимдир. Тарбия маданиятини шакллантириш, айниқса диний экстремизм, террорчилик таҳдидлари қучайган ҳозирги шароитда янада муҳим аҳамият касб этади. Тарбия маданиятини шакллантириш - бу жамиятни эркинлаштириш, демократлаштиришдаги аҳамияти ҳам бекиёсdir. Чунки хар бир шахс ўз ҳақ-хуқукларини танийдиган, ўз кучи ва имкониятларига ишонадиган, атрофига содир бўлаётган воқеа ва ҳодисаларга мустақил ва онгли муносабат билан ёндошадиган, ўз манфаатларини мамлакат ва халқ манфаатлари билан уйғун холда амалга оширади.

Ислом Каримов Ўзбекистон ёшларининг қалби ва онгини илмга, касб-хунарга, соғлом турмуш тарзига, бунёдкорлик ишларига бўлган қизиқиши билан ҳамоҳанг қилиш, ёшлар маънавиятини янгича ҳаёт мазмуни ва илғор қадриятлар билан бойитиш ишига жамият бор куч-ғайратини сафарбар этиши зарурлигини доимо таъкидлаб келмокда. Бу вазифалар ватанимиз равнақини юксалтиришда огохлик ва фидойилик билан ушбу шарафли мақсадни амалга оширишни белгилайди.

Ўзбекистон Республикасининг президенти Ислом Каримов «тафаккур» журнали бош муҳаррири саволларига берган жавобларида «буғун халқаро ҳаёт, қишилик тараққиёти шундай босқичга кирганки, унда ҳарбий қудрат эмас, балки интеллектуал салоҳият ақл-идрок, фикр, илғор технологиялар ҳал қилувчи аҳамият касб этади». Замоннинг бундай тамойили Ўзбекистоннинг мустақил ривожланишига ҳам янгича мазмун моҳият ва йўналиш бағишлиди. Яъни мамлакатнинг маънавий интеллектуал салоҳиятини юзага чиқариш, билим ва тафаккур равнақи учун кенг имкониятлар очиш - ватанимизни ривожланган давлатлар қаторига олиб чиқишининг ҳал қилувчи шартларидан биридир.

Шунинг учун ҳам талабаларда ҳалқ оммаси ва айниқса Ўзбекистон Республикаси президенти Ислом Каримовнинг ташқи ва ички сиёсат хақидаги фаолиятини тушунтириш натижасида уларни ижтимоий - сиёсий ҳаётда фаол иштирок этишга тайёрлаш зарур. Бунда талабаларга мустақил давлатимиз - ўзбекистон республикасининг ички ва ташқи сиёсатига тўғри ва холисона баҳо беришга ўргатиш, унинг тинчликсевар, демократия ва бошқа давлатларнинг ички ишларига аралашмаслик, ошкора-очик ташқи сиёсатига ва ўз ҳалқининг турмуш даражасини оширишга йўналтирувчи фаолиятни тушунтириш мақсадга мувофиқдир.

Талабаларда тарбия маданиятини шакллантиришда билим, эътиқод ва амалий хатти - харакатлар муҳим аҳамиятга эга. Шунинг учун ҳам талабаларда тарбия маданиятини шакллантириш жуда мураккаб, кўп қиррали ва узоқ давом этадиган жараёндир. Талабаларда огоҳлик ва фидойилик маданиятини шакллантириш аввало, таълим ва тарбия жараёнини илмий асосда ва ижодий ташкил этишни, ёшларни маънавий сиёсий билимлар, кўникма ва малакалар билан куроллантиришни талаб этади.

#### **14.2 Тарбиявий вазифалар, тарбия воситалари, тарбиянинг мазмуни, тарбия методлари, тарбиявий шакллари**

«Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»да «ёш авлодни маънавий -ахлоқий тарбиялашда ҳалқнинг бой миллий маданий тарихий аиъаналарига, урфодатлари ҳамда умумбашарий кадриятларга асосланган самарали ташкилий, педагогик шакл ва воситалар ишлаб чиқилиб, амалиётга жорий этилади» деб кўрсатилган.

##### **Тарбия назариясининг бошқа фанлар билан алоқаси**

Талабаларда Ўзбекистон истиқболларини чуқур англаш уларда маънавий, ахлоқий, ҳуқуқий, сиёсий, иқтисодий йўналишларни қунт билан ўрганишдан, ўз онгини инсоният яратган барча билимлар билан бойитишдан, ўзида мукаммал миллий онг, миллий ўзликни таркиб топтиришдан, ўз билими, маълумоти ва тарбиясини ишлаб чиқариш меҳнати билан боғлашдан, ўзида огоҳлик ва фидойилик маданиятини қарор топтиришдан иборат.

«Таълим тўғрисида» қонун «кадрлар тайёрлаш миллий дастури» талаба-ёшларни маънавий-ахлоқий руҳида тарбиялашни талаб қиласди. Бу деган сўз ёшларда миллий дунёқарашни, юксак ғоявий эътиқодни, ҳаётдаги воеа-ҳодисаларга огоҳлик нуқтаи назардан ёндашишни, истиқлол мағкураси ишига содиқликни камол топтириш, дунёни демократия асосида қайта ўзгартириш учун сабот ва матонатли курашчиларни тарбиялаб этиштириш демакдир.

Миллий истиқлол ғоясида кўрсатилганидек, комил инсонни камол топтириш бунёдкорлик ишининг энг муҳим таркибий қисми ҳисобланиб, давлат сиёсатининг устивор йўналишларидан ўрин олган. Ижодкор, қалби дарё, уйғун равищда камолотга эришган шахсни тарбиялаб этиштириш миллий истиқлол ғоясининг мақсадидир. Дарқақиқат, юксак маданиятли,

чуқур билимли, эътиқодли кишиларни тарбияламасдан туриб Ўзбекистон келажагини кўриб бўлмайди. Бунинг учун эса мафкуравий ишни ҳар қачонгидан ҳам қучайтириш, огохлик ва фидойилик маданиятини янада такомиллаштириш ва бойитиш талаб этилади.

### **14.3 Ўз-ўзини тарбиялаш жараёни**

Тарбия маданиятини шакллантириш мазмуни қуйидагиларни ўз ичига олади: талабаларни маънавий-ахлоқий билимлар билан қуроллантириш, уларда дунёвий ва илмий билимларни таркиб топтириш, ёшларни эътиқодли ва хушёр қилиб тарбиялаш; талабаларни халқаро воқеаларнинг моҳиятини, халқаро ҳаётдаги масалаларни хал килишда давлатимиз ва сиёсатимизнинг роли тушунадиган кишилар қилиб етишириш, ўзбек халқининг умумий ишида ўз меҳнати ва жамоа меҳнатининг тутган ўрнига тўғри баҳо бера билишга ўргатиш; ижтимоий - сиёсий тушунчалари доирасини доимо кенгайтира бориш, ижтимоий - сиёсий ходисаларнинг моҳиятини тўғри тушунтириш, уларда мустакил фикрлаш қобилиятини ўстириш, халқаро воқеаларга тўғри баҳо беришга ўргатиш, ва ватанпарварлик, миллатлараро ҳамкорлик каби ҳислатларни тарбиялаш; талабаларни халқаро воқеалар ҳакида тўғри тасаввурга эга қилиш, чуқур мулоҳаза юритишга ўргатиш муҳимдир. Булар талабаларда тарбия маданиятини шакллантиришга фаол ёрдам беради. Талабаларда теварак-атрофда содир бўлаётган воқеаларга бефарқ қарамаслик ҳисларини ўстиради, уларни ватан равнақи йўлида фаол иштирок этишга, ижтимоий-сиёсий ҳаётда бевосита қатнашиш йўлларини топа билишга ўргатади.

Диний тарбия - бу оллохга бўлган ишонч, диний анъаналарга бўлган ҳурмат, диний ахлоққа риоя этиш; Қуръоннинг тарбиявий аҳамияти. Тасаввуф таълимотидаги- шариат, тарикиёт ҳақикат, маърифат одобларига риоя қилишдир.

Ўзбек халқининг миллий ва умуминсоний қадриятлари талабаларда огохлик ва фидойилик маданиятини шакллантиришда катта ўрин эгаллайди. Чунки, миллий ва умуминсоний қадриятлар ҳар бир талабада огохлик ва хушёрликни мустаҳкамламайди, таркиб топтиради.

Тарихий воқеаларнинг қатнашчилари, меҳнат қаҳрамонлари, тадбиркорлар билан учрашувлар катта сиёсий аҳамиятга эга. Чунки бундай учрашувларда талабалар турли мутахассисларнинг ҳёти ва меҳнати билан танишадилар. Бундай учрашувлар қўпинча талабалар билан мутахассислар ўртасидаги мустаҳкам дўстликнинг куртаги бўлиб қолади.

Айниқса, Мустакиллик, Наврўз кабилар сермазмун, жозибадор ва жўшқин байрамлар талабаларнинг ижтимоий-сиёсий билимларини оширишга, уларда юксак аҳлоқий-сиёсий ҳислатларни ўстиришга ёрдам беради. Шундай экан, талабаларда доимо огохлик ва хушёрликни ошириш, ғанимларга зарба бериш, қабиҳ хатти-харакатларнинг юртимизда рўй беришига йўл қўймаслик, турли марказ окимларнинг қонли чангалига тушиб қолишдан химоя килиш, ҳар бир ўзбекнинг, Ўзбекистон фукаросининг бурчидир. Ватан тақдири шу юртда яшаб, меҳнат қилиб, эзгу ниятлар

кучоғида яшаётганларнинг тақдири билан чамбарчас боғлиқдир. Президент таъкидлаганидек ўзбек халқини танлаган йўлидан ҳеч ким қайтара олмайди. Бу йўл миллатимизни хақ ва адолатли жамиятга олиб бораверади.

Олий таълим жараёнида маънавий тарбия ишининг яхши натижа бериши ва талабаларга самарали таъсир этиши кўпинча профессор-ўқитувчиларнинг талабаларни амалий ишларга жалб эта олишига боғлиқ. Тарихий ёдгорликларини қўриқлаш, қарияларга, инвалидларга, иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларининг оиласига ёрдам бериш, кўргазмали қуроллар, альбомлар тайёрлаш, музей, гурух бурчаги, маънавият-маърифат хонаси учун ўз шахри, район ва қишлоғидаги кишиларнинг шарафли ишлари, ишлаб чиқариш илғорлари, машҳур кишилар ҳақида материаллар тўплаш: байрамлар ва машҳур саналарни нишонлашга тайёрланиш, фотомонтаж, деворий газеталар чиқариш кабилар бу соҳада жуда қўл келади.

Талаба машҳур ишчи билан ёнма - ён туриб меҳнат килар ёки машҳур механизатор, пахтакор билан пахта етиширишда қатнашар экан, ишчи ва дехқонлар меҳнатининг мамлакат ҳаёти учун қанчалик аҳамиятли эканлигини билиб олади, ўз меҳнатининг аҳамиятини аниқрок тушунади.

Ижтимоий- сиёсий фаолият талабаларда огоҳлик ва фидойилик маданиятини шакллантиришнинг асосий омили ҳисобланади. Огоҳлик ва фидойилик маданиятини шакллантириш натижалари талабалар фаолиятида шаклланадиган ижтимоий фаоллик билан белгиланади. Айниқса, талабалар «Камолот» ёшлар ижтимоий харакатининг топшириқларини онгли бажаришларида, олий мактаб ҳаётидаги ижтимоий - фойдали меҳнатда фаол қатнашишларида намоён бўлади. Ижтимоий фаоллик огоҳлик ва фидойилик маданиятининг аҳлоқий -сиёсий фазилатидир.

### **Назорат саволлари:**

1. Тарбия жараёни ва тарбиявий ишнинг аниқ мақсади.
2. Тарбиявий вазифалар, тарбия воситалари, тарбиянинг мазмuni, тарбия методлари, тарбиявий шакллари.
3. Талабаларда тарбия маданиятини шакллантириш.
4. Ўзбек халқининг миллий ва умуминсоний қадриятлари.
5. Ўз-ўзини тарбиялаш жараёни.

### **Таянч сузлари:**

Тарбия жараён, тарбия воситалари, тарбиянинг мазмuni, тарбия методлари, тарбиявий шакллари, миллий ва умуминсоний қадриятлари.

### **Адабиётлари:**

- 1.Архангельский С. И. Учебный процесс в высшей школе, его закономерные основы и методы. - М., 1980.
- 2.Беспалько В.П. Некоторые вопросы педагогики высшего образования. - Рига, 1972.

## 15 -МАВЗУ ТАЛАБАЛАРНИНГ ЎЗ-ЎЗИНИ БОШҚАРИШ

**Режа:**

**15.1 Ўз-ўзини бошқариш кенгашини ташкил этиш ва унинг вазифалари.**

**15.2 Ўз-ўзини бошқаришга педагогик раҳбарлик.**

**15.3 Ўз-ўзини бошқариш методлари ва шакллари.**

**15.4 Ўз-ўзини бошқариш кенгаш вазифаларига педагогик раҳбарлик.**

**15.1 Ўз-ўзини бошқариш кенгашини ташкил этиш ва унинг вазифалари**

Ўзбек халқ тарихида янги сахифа очилди, янги давр бошланди. 1991 йил 1 сентябрда Ўзбекистон қайта туғилди. Ўзбекистон мустақиллиги эълон қилинди. Шу туфайли маданиятимиз, тарихимиз, миллий қадрятларимизни тиклашга кенг йўл очди. Келажакни кўзлаб, олий мактабларни миллийлаштириш, миллий рухда дастур ва дарсликлар яратиш каби муаммоларни ҳал қилишга киришилди. Миллийлик ўз-ўзлигимизни англаш даврида халқимизнинг азалий удумлари, урфодатларини юзага чиқариш ва уларни усталик билан фойдаланиш муҳим аҳамиятга эга. Буларнинг барчаси таълим-тарбия жараёнида янгича касб этмоқда.

Мустақил Ўзбекистонда олий мактабларда талабаларнинг ўз-ўзини бошқариш ишлари эндиликда Европага тақлид қилинган тарзда эмас, миллий руҳдан келиб чиқсан ҳолда амалга ошириш керак бўлади. Жумладан, сиёсий-ижтимоий, маданий ва иқтисодий ўзбек халқининг минг йиллик тарихидан келиб чиқиб, иш юритиш мақсадга мувофиқдир. Бу ўринда буюк боболаримиз Жалолиддин Мангуберди, Темур Малик, Алишер Навоий, Захриддин Бобур кабиларнинг ҳаёт ва фаолияти болаларни ўз-ўзини бошқаришга яратишдан иборат бўлади.

Яхши ниятлар билан қўлга киритилган мустақилликни янада мустаҳкамлашда талабаларнинг ўз-ўзини бошқариш кенгашини тузиш муҳим аҳамиятга эга. Бу муҳим масалага хар бир ўқитувчи, хар бир мактаб раҳбари эътибор билан қараш фарзандларимизда фидойилик, ўз хақ-хукукини англаш, ўртоқлари билан ҳисоблашиш, қўлга киритган ютуқларини мустаҳкамлаш каби хусусиятларни шакллантиришда асосий ўринни эгаллайди.

**15.2 Ўз-ўзини бошқаришга педагогик раҳбарлик**

Ўз-ўзини бошқариш кенгаши ўзбек халқининг миллий руҳини кўтаришга, аждодларимизни улуғлашга, ҳозирги ва келгуси авлодни баркамоллаштиришга, инсон қадрини кўтаришга, маънавий ва моддий бойликлардан унумли фойдаланишга ўргатишга кенг имконият яратиши керак.

Талабалар ўз-ўзини бошқаришининг асосий мақсади илм ва ҳунар ўрганишга қаратилган бўлиши керак. Шунинг учун ҳам талаба фикрини ўрганиш билан шуғулланувчи гурӯҳ тузиш ва у орқали ўсмирларнинг қандай касбларга қизиқаётганлигини билиш, шу усул билан муаммоларни хал-қилиш йўлларини изламоқ керак. Ана шунда болаларнинг бўш вақтини қизиқарли ва мазмунли бўлишига эришиш мумкин.

Талабаларнинг ўз-ўзини бошқариш қўмитаси талабаларнинг таътилларини ва бўш вақтларини ташкил этишда;

- талабалар ўз-ўзини бошқаришни амалга ошириш форма ва методларини аниқлашда;

- талабаларнинг меҳнат уюшмаларини ташкил этишда, деворий газеталар чиқаришда;

- хулқи учун баҳо қўйишда, рағбатлантириш ва жазо беришда, олтин ва

кумуш медалларга, фахрий ёрлиқларни тавсия беришда;

олий мактабнинг тўлиқ тамомламаган талабаларни ишга жойлаштиришда ва ўқишини давом эттиришида, мактаб биносини жиҳозлашда ва материаллардан фойдаланишда, аудиториядан ташқари ишларни ташкил этишда иштирок этади. Мазкур қўмита демократияни мустаҳкамлаш, ёшлар иттифоқи, болалар ва ўсмирлар уюшмасининг мактаб ишларида кенг иштирок этишини таъминлаш, ошкоралик, танқид ва ўз-ўзини танқидини ривожлантириш ижтимоий ҳақиқат ва тўғрилик принципларига амал қилиш; талабаларнинг дарсдан ташқари ишларини ташкил этиш, уларни илмий техник ва ижодий ишларга жалб этиш, физкультура ва спорт билан шуғулланиш, соғлом турмуш тарзини тадбиқ қилишда фаоллик кўрсатади. Инсон омили тобора кўпроқ хал қилувчи куч бўлиб келаётган бир пайтда ҳар бир ўқувчини фикрлаш доирасини кенгайтириш, жамоа манфаатини юқори қўя олиш, ўз вазифасига вижданан, сидқидилдан муносабатда каби фаол фазилатларни ўз-ўзини бошқариш системаси орқали амалга ошириш, педагогик раҳбарлик қилишга боғлиқдир. Бу вазифаларни амалга оширишда талабаларнинг ўз-ўзини бошқаришни ривожлантириш энг муҳим омил ҳисобланади. Чунки ўз-ўзини бошқаришни асосий вазифаси ҳар бир талабанинг тўлиқ ўрта маълумот олишни таъминлаш, фан асосларини чуқур эгаллаш ва халқ хўжалигида ишлаш учун меҳнат малакасини оширишdir. Ёшларни Улуг Ватанимизга, халққа чексиз садоқат руҳида тарбиялаш зарур. Талабалар қўмитаси меҳнат тарбияси ва касб танлашни, дарсдан ташқари тарбиявий ишларини амалга ошириш, талабалар ўртасида ўз-ўзига хизмат қилишини ривожлантириш, улардан ҳар бир мулкни авайлаб сақлаш ҳиссиётини уйғотиш ҳамда онгли интизом ва ахлоқ маданиятини тарбиялашда фаол иштирок этади.

Бугунги кунда ўз-ўзини бошқариш ташкилотлари талабаларни фақатгина тарбиялаб қолмай, балки ҳозирги замон социал-иктисодий вазифаларни чуқур ҳис қилиш ва амалга оширишда аниқ йўналишлар кўрсатиб келмоқда. Умумий таълим талабалари қўмитаси тўғрисидаги

низомга кўра, педагогик жамоаси унинг фаолиятига раҳбарлик қилиб, талабаларнинг ташкилотчилик фаолиятини ривожлантириш ҳамда уларнинг ўз-ўзини бошқаришдаги услуб ва йўналишларни яхшилашга эришишлари лозим.

Мустақил Ўзбекистон давлатини мустаҳкамлаш ва ривожлантиришда ҳар бир ўқитувчининг юқори тафаккур эгаси бўлиши, педагогик фан ютуқлари ва илфор тажрибалардан яхши хабардор бўлиши муҳим аҳамиятга эга. Айни бир вақтда улардан ўқув-тарбия жараёнини демократиялаштириш, ижодий фаолликни ошириш, таълим-тарбияни юксалтириш, ҳамкорлик педагогикасини такомиллаштириш, методик ишни яхшилаш, болаларга таълим бериш ва тарбиялашда расмиятчиликни йўқотиш, жамоатчиликнинг ролини ошириш каби вазифаларни ўрганиш ва амалга оширишга тайёр бўлишлари талаб қилинади.

### **15.3 Ўз-ўзини бошқариш методлари ва шакллари**

Талабаларни ўз-ўзини бошқаришга ўргатиш, олий мактабда тарбиявий ишларни яхши йўлга қўйишга ёрдам беради. Чунки талабаларни ўз-ўзини бошқаришга ва тарбиялашга ўргатишдан мақсад янги инсонни камолотга етказиш, уларни демократия ва ошкораликка ўргатиш ҳамда ривожлантиришдан иборатdir. Олий мактабда ўз-ўзини бошқариш фаолиятининг муваффақиятини талабаларга, уларнинг иш тажрибаларда эгаллаган билим, кўникма ҳамда малакасига тарбиявий ишларнинг методикасини пухта ўзлаштиришга боғлиқ. Талабалар ўз-ўзини бошқаришга ўргатиш хусусида етарли даражада ўзбек тилида адабиётлар бўлмаса ҳам лекин бугунги кунда Ўзбекистоннинг бозор иктисадига ўтиш муносабати билан бу масаланинг муҳимлиги ортиб бормоқда.

Кузатишлилар, иш тажрибалар шуни кўрсатмоқдаки, кўпгина талабалар фаолиятида, жумладан, ўқувчилар билан ўтказиладиган тарбиявий ишларда бир қанча камчиликлар мавжуд. Ҳали ҳам тарбиявий ишларга етарли даражада эътибор берилмаяпти. Мактаб, оила жамоатчиликнинг ҳамкорликдаги иш фаолиятига бефарқ қаралмоқда. Бизнинг фикримизча, асосан ўқитувчилар талабаларни ўз-ўзини бошқаришга ўргатишда тарбиявий ишларнинг турли метод ва шаклларидан фойдаланишлари мумкин. Ўз навбатида бу ишларни амалга ошириш ўқитувчидан педагогик-психологик билимни, жамоа ҳар бир талабани ўзига хос томонларини билишни талақ қиласди.

Ўқитувчи фаолияти тарбиявий ишлар жараёнида учрайдиган қийинчиликлар ва қарама-каршиликларни бартараф этишга қаратилган бўлиши керак. Лекин талабаларнинг ўз-ўзини бошқариш ишларини ташкил этишда, тарбияга ҳар томонлама ёндошиш ва изчил ишларда айрим ўқитувчиларда билим ва малакалар етишмайди.

Шунга кўра талабаларнинг ўз-ўзини бошқариш ишларини ташкил этиш учун уларни фаолиятини юқори, ўрта, паст даражаларга бўлиб чиқдик. Юқори даражага педагогик ва психологияни яхши билган, талабаларнинг ўз-ўзини бошқариш ишларини яхши ташкил этган ва бу

соҳада малака ҳосил қилган, ўзининг билимларини турли педагогик вазифаларда қўллай оладиган қобилятли ўқитувчилар гурухини киритдик.

Ўрта даражага ўрганилаётган мавзууни қониқарли билган, лекин ўзига шароитларда билимларни амалий жиҳатдан қўллашга қийналаётган, ўз-ўзини бошқариш тадбирларини ташкил этиш ва ўтказиш малакасига эга бўлмаган ўқитувчиларни кўрсатдик.

Паст даражани эса қўйилган масалани яхши билмаган, ўз билими ва малакаларини тажрибада қўллай олмаган, ўз-ўзини бошқариш тадбирларини ташкил этиш ва олий мактаб талабаларига ёрдам бериши малакасига эга бўлмаган ўқитувчилар гурухидан иборат деб белгиладик.

Ўрта ва паст даражада деб кўрсатилган гуруҳ етарли даражада малака эгалламаганлигини, кўрсатади. Бу салбий холатлар фақатгина талабаларнинг ўз-ўзини бошқариш фаолиятидагина эмас, балки тарбиявий ишларда ҳам жиддий камчиликларнинг келиб чиқишига сабаб бўлмоқда.

Ўз фаолиятини юқори даражага олиб чиқиш учун ўқитувчилар қўйидаги талабларга риоя этишлари лозим.

1. Олий мактабда талабалар ўз-ўзини бошқаришнинг аҳамиятини яхши тушуниш.

2. Талабаларнинг ўз-ўзини бошқариши ҳақидаги билимларини ривожлантириш.

3. Талабалар ўз-ўзини бошқариши борасидаги тарбиявий тадбирларни ривожлантириш ва ўтказиш малакасини эгаллаш.

4. Турли ёшдаги талабалар билан ўз-ўзини бошқариш ишларини олиб бориша билим ва малакага эга бўлиш.

5. Талабалар ўз-ўзини бошқариш органларининг ҳамкорлигига эришиш.

6. Талабаларнинг ўз-ўзини бошқариш фаолияти ҳақидаги билим ва малакаларини такомиллаштиришга эришиш ва бошқалар.

Бизнинг фикримизча, юқоридаги талаблар талабалар билан тарбиявий ишларни амалга оширишда муҳум аҳамиятга эга.

Талабаларнинг ўз-ўзини бошқаришга педагогик раҳбарлик қилишда ўқитувчилар қўйидаги талабларни амалга ошириши мақсадга мувофиқдир;

- болалар билан ишлашда талабчанлик, ўзларининг педагогик кучларига ишончни кучайтириш;
- педагогик-психологик адабиётларни ўрганиш;
- имон ва эътиқодни шакллантириш;
- эгаллаган билим ва кўнимкамаларни талабаларнинг ўз-ўзини бошқаришга педагогик раҳбарлик қилишда қўллаш;
- билимларининг сифатли бўлишига эришиш, ўз-ўзини бошқаришнинг моҳияти ва вазифаларини тушуниш, талабаларнинг ёш ва индивидуал хусусиятларини ўрганиш;
- ўз-ўзини бошқаришга талабаларни қизиқтира билиш, қийинчиликларни енгиш, ривожлантиришда муваффақиятларга эришиш;
- талабаларнинг ўз-ўзини бошқарувига педагогик раҳбарлик қилишда ўз ишининг натижаларини баҳолай билиш, тахлил қилиш ва бошқалар.

Талабаларни ўз-ўзини бошқаришга тайёрлаш орқали назарий, амалий, методик ва психологик билимлар бирлигига эришилади.

Талабалар қўмитаси фаолияларида қўйдаги талабларга асосланиш ўринлидир;

1. Ўз-ўзини бошқаришга оид бўлган тадбирларни ўтказишда уларни қизиқтира билиш.

2. Талабалар билан аник мақсадга йўналтирилган тарбиявий тадбирларни ўтказиш.

3. Ҳар бир тадбирни ўтказишда болалар фаолиятининг ҳамкорлиги ва мустақиллигидай кенг фойдаланиш.

4. Тарбиявий тадбирларни тайёрлашда ва ўтказишда ҳал қилувчи масалаларнинг аҳамиятли бўлишига эришиш.

Талабаларнинг ўз-ўзини бошқаришга ўргатишда қуйидаги тавсиялар амалга оширилади.

- талабаларнинг ўз-ўзини бошқаришга ўргатиш бўйича олиб борадиган ишга тайёргарлик даражаси;

- талабаларнинг ўз-ўзига оид тайёргаллик шарт-шароитларини яхшилаш, методик тавсиялар тайёрлаш ва бошқалар.

Шундай экан проф-ўқитувчилар назарий ва амалий билимларини пухта эгаллаб, ўқитувчи касбининг ўзига хос муҳим томонларини ўзлаштириб боришлари лозим.

Шуни айтиш керакки, ишни тўғри ва пухта ташкил қилиш, таълим-тарбияни юқори даражада олиб бориш асосидагина шахс камолотини ривожлантиришнинг барча талабларини шакллантириш мумкин.

Ҳозирги ҳалқ таълими системасида тўпланиб қолган муаммолар, вазифалар қай даражада ҳал этилаётганини ўрганиш ва қайта қуриш йилларида вужудга келган ижобий тажрибаларни оммалаштириш, ошкоралик, демократия асосида иш олиб бориш олий мактаб олдида турган энг муҳим вазифалардан биридир. Шундай экан, бугунги кунда қайта қуриш жараёнида ҳар бир педагог талабани адолат ва ошкоралик, ҳақиқат ва тўғрисўзлик, камтарлик ва фидойилик, социал фаоллик ва иқтисодий ривожланиш, маънавий покланиш ва инқилобий янгиланиш, сиёсий тафаккур каби умумбашарий қадрятларни эъзозлашга ва шунга амал қилишга ўргатиш лозим.

Демократия ва ошкоралик шароитларида олий мактаб ҳаётининг барча соҳаларида педагоглар фаоллик кўрсатишлари ва талабаларнинг ўз-ўзини бошқаришга ўргатишда ҳар қандай тўсиқлар ва қийинчиликларни бартараф этишлари лозим. Бунда албатта олий мактаб педагоглар жамоаси, оила, ишлаб чиқариш жамоалари ва маҳалла, қишлоқ кенгаши билан ҳамкорликда иш олиб бориш лозим.

Олий мактабда ўз-ўзини бошқариш фаолиятининг муваффақиятли бўлишида олий мактаб педагогик жамоасини, ёшлар ва талабалар уюшмаси, ёшлар қўмитаси ишни олий мактаб ҳамда жамоасини бирлаштиришга йўналтиради, талабаларда ижтимоий фаоллик ва ташаббускорликни ривожлантиради. Талабалар қўмитаси фаолиятига ҳар

тарафлама кўмаклашиб, қўмита комиссиялари ишга ёрдам беради ва уларга педагоглар тайёрлайди. Унинг хужжатларини; режа, қўлланма, эсталикларни қараб чиқади ва маъқуллайди.

Педагогик жамоа ёшлар иттифоқи, талабалар, ёшлар уюшмаси билан биргаликда иш олиб боради. Олий мактаб педагогик жамоаси педагоглар фаолиятини доимо ўз-ўзини бошқариш ишига жалб этиб, назорат қилиб боради.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, иш фаолиятини талабаларнинг ўз-ўзини бошқариш ишини такомиллаштиришга қаратмоғи керак. Шунинг учун жамоа талабаларнинг ўз-ўзини бошқариш фаолиятини ташкил этиш ҳақидаги иш тажрибалари, методик ишини ўрганади ва уларнинг иш шаклларини аниқлашда талабалар, ёшлар уюшмаси билан ўзаро узвий бирликка эришишга алоҳида эътибор беради. Олий мактаб педагогик кенгашларида ва ишлаб чиқариш йиғилишларида "Талабаларнинг ўз-ўзини бошқариш", "Ижтимоий фаолликни тарбиялаш", "Талабалар қўмитаси ўқув-тарбия ишларининг ташкилотчиси", "талабаларнинг ўз-ўзини бошқариш мазмуни ва шакли" каби мавзуларда маъruzалар ўтказилади.

Талабалар қўмитаси ёшлар ўртасида рўй берадиган ўзгаришларни, талабаларнинг дарсга қатнашишларини ҳисобга олиб боришини ташкил этади. Талабаларнинг кун тартибига риоя қилишларини назорат қилиб, ўкув хоналарни жихозлашда, ўкув фаолиятини шакллантириш ва уюштиришда, ўкув жараёнида, талабаларни ўзаро ёрдамини ташкил қилишда, аудиториядан ташқари ўқишни йўлга қўйишида, ўкув фанлари бўйича олимпиадалар, кечаларини тайёрлаш ва ўтказишида талабаларга ёрдам берадилар. Шунингдек, дарсликлар фондини ташкил этишида фаол қатнашадилар. Ўз вақтида талабаларга фойдали маслаҳатлар беришга харакат қиласди.

Олий мактаб жамоаси талабаларнинг ўз-ўзини бошқариш фаолиятини яхшилаш учун педагогик ўқишини ташкил этиши лозим.

Асосий иш шаклларидан бири-суҳбат ўтказишидир. Буни олий мактаб ректори ва педагоглар талабаларнинг ўз-ўзини бошқариш масалалари бўйича олиб боради. Бундай суҳбатлар жараёнида талабаларнинг ўз-ўзини бошқариш фаолиятидаги ютуқ ва камчиликлари аниқланади. Уларга фойдали маслаҳатлар берилади. Керакли адабиётлар, тажрибали профессор - ўқитувчилар иш тажрибасини ўрганиш тавсия этилади. Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, талабаларнинг ўз-ўзини бошқариш фаолиятида олий мактаб ректорининг ўзи ҳам талабаларнинг ўз-ўзини бошқариш кенгашига бевосита раҳбарлик қиласди. Олий мактаб ректори кенгаш фаолларини сайлашга ёрдам беради, унинг иш фаолиятини яхши йўлга қўйишига харакат қиласди. Бунда ёшларнинг иш фаолиятини, уларнинг қобилиятини, ташкилотчиларини ҳисобга олади. Албатта бу ишда талабаларнинг ўз-ўзини бошқаришда, айникса, фаолларни сайлашда ёшлар фикрининг эркин бўлишига шарт-шароит яратиш лозим.

Чунки, ҳар бир талаба фикрини тўлиқ айтишга ўрганиши керак. Ўз-ўзини бошқариш жараёнида талабалар ўртасида қизикарли ишларни

ташкил этиш мақсадга мувофиқдир. Сабаби, унда жавобгарлик, интизом, фаоллик каби хислатлар шаклланади. Талабалар эса ҳар бир топширикни масъулият билан бажаришга, ўз талабалар билан ёнма-ён бўлишга интиладилар.

Албатта, ўз-ўзини бошқаришни тўғри ташкил қилиш ва педагогик раҳбарлик қилиш натижасида талабаларнинг интизом ҳақида ўзлаштириши яхшилашади. Олий мактаб ёшлари орасидан ташкилотчилар етишиб чиқса, улар ўз қобилятларини кўрсатадилар, ўз бурчларини шараф билан бажарадилар. Шунинг учун ҳам Олий мактаб маъмурияти томонидан талабалар қўмитаси қатнашчиларига маслаҳатчи педагоглар белгиланади.

Олий мактаб талабалар жамоаси ёшларни ўз-ўзини бошқаришда ижтимоий фаолликни ошириш, аҳлоқий эътиқодларни шакллантириш мақсадида иш олиб юришлари зарур. Бунинг учун янги ўкув йилининг дастлабки кунлариданок талабалар қўмитасини тузиб, унга маънавий етук, тажрибали профессор - ўқитувчилар, ёшлар уюшмасининг вакиллари жалб этилади. Улар умумтаълим Олий мактабларининг талабалар қўмитаси тўғрисидаги Низом билан яқиндан танишадилар. Натижада талабалар қўмитасининг раиси, унинг ўринбосарлари, фаоллари сайланади, турли йўналишлар бўйича кенгашлар ташкил этилади, календарь-режа тузилади. Талабаларнииг ўз-ўзини бошқариш фаолиятига мактаб деректори умумий раҳбарлик қилиши мақсадга мувофиқдир. Тартиб-интизом, ўкув-спорт, меҳнат каби кенгашларга синф раҳбарлари, ўқитувчилар бошчилик қилишади.

Мактабда ўз-ўзини бошқаришни ташкил этиш ва унинг иш фаолиятини педагогик кенгашларда, касаба уюшмасининг йиғилишларида, талабаларнинг методик бирлашмаларида асосий масала сифатида қўйилиб, уларнинг ҳисботлари тез-тез тинглаб борилади.

Педагогларнинг бевосита раҳбарлигига ўқувчиларнинг ўз-ўзини бошқариш учун алоҳида бурчак ташкил этилади. Бурчакда ўкув, меҳнат, тозалик тартиб-интизом, хўжалик комиссияларининг режалари, адабиётлар рўйхати, талаба- ташкилотчиларга ёрдам, талабалар мажлиси ўтказиш тематикаси ҳақида маълумотлар ўрин олади. Ундан турли ёшдаги талабалар фойдаланишлари учун ҳужжатли материаллар, мақолалар, режалар, тавсиялар, маслаҳатлар олишлари мумкин.

Талабаларнинг ўз-ўзини бошқариш кенгаши аъзоларига режалар тузиш, тарбиявий соат ўтказища йўлланмалар, маслаҳатлар беради ва иштирок этади. Бундай ҳамкорлик самарали натижаларга олиб келади.

Ишларнн режалаштиришда ҳар бир масалани тез ва аниқ ҳал этишга ҳаракат қилиш керак. Кенгаш аъзолари масъулиятни доимо хис этиш, изланиши ҳамда аҳлоқи, ишчанлиги, ташкилотчи ва ташаббускорлиги билан бошқаларга намуна бўлиши лозим. Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, талабалар қўмитасининг раис мактабдаги муҳим таълим-тарбиявий масалаларни ҳал этишда аниқ амалий ёрдам кўрсатиши, болалар ва ўсмирлар уюшмасининг фаолларига фойдали маслаҳатлар бериши, ўз ишидаги барча тадбирларнинг самарали бўлишига эришиши зарур.

Талабалар қўмитаси фаолларининг самарадорлиги кўп жиҳатдан комиссия бошлиқларини танлаш ва уларнинг қобилиятларини ҳисобга олган холда, вазифаларни аниқ тақсимлашга боғлиқдир. Шунинг учун талабалар қўмитаси раисининг ишини ҳар томонлама тўғри режалаштириш, мактаб ҳаётининг барча томонларини билиш ва бунда мактаб раҳбарлари билан бирга иш тутиши энг муҳим омиллардир. Ишга объектив баҳо бериш, тўғри, ҳаққоний хулосалар чиқариш, принципиал талабалар қўйиш ва шуларга талабаларни ўргатиш талабалар қўмитаси ишининг муҳим томонлари ҳисобланади.

Олий мактабда ўз-ўзини бошқаришнинг иш шаклларидан бири ўз-ўзини бошқариш кенгашидир. Ўз-ўзини бошқариш кенгаши ойда бир марта ўтказилади. Кенгашининг кенгайтирилган мажлислари болалар ва ўсмирлар уюшмаси кенгаши, талабалар қўмитаси билан ҳамкорликда ўтказилади. Унда турли байрамларни нишонлаш, янги ўқув йилини муносиб кутиб олиш, амалга ошириладиган тадбирлар қўриб чиқилади.

Ўз-ўзини бошқариш кенгаши ёшлар уюшмаси билан ҳамкорликда барча талабаларни мустақил фикрлашга ҳаракат қилишга, ўқишига, меҳнатга ва бошқа ишларни ташкил қилишга интилади.

Шунингдек, илғор усулларни қўллаш билан чегараланмай, уларнинг бошқарилишини назорат қилиб боради. Олий мактаб ўқув-тарбия ишларининг юқори даражада бўлиши учун курашади. Ўз-ўзини бошқаришнинг самарасини билиш мақсадида ҳар йили ўқувчилар орасида анкета саволлари ўтказилиб, уларнинг мустақиллик ва ташкилотчилик қобилиятларини аниқлаш мумкин. Бунда талабаларни қўйдагича саволлар билан мурожат қиласа бўлади.

1. Сен қандай топшириқ бажарасан? Улар доимийми, ёки вақтинчаликми?

2. Сен ўз гуруҳинг учун қизиқарли ва фойдали йўларни ўйлаб топа оласанми? Агар керак бўлса гуруҳ мажлисда, талабалар йиғинида сўзга чиқа оласанми?

3. Ота-оналар сен бажараётган топширикка қандай муносабатда бўлишади?

4. Сен бу ўқув йилидаги гуруҳ мажлисида қандай масалаларни муҳокама қилишни хоқлар эдинг?

Албатта, бунда талабалар ташаббускорлиги ва мустақиллик даражасини, жамоат топширикларни қандай бажараётганликларини, қандай ютуқ ва камчиликлар мавжудлигини, ўз-ўзига танқид кўзи билан муносабатини аниқлаш мумкин.

Олий мактаб раҳбарлари мустақил Ўзбекистонинг янги шароит ва имкониятларини тўлиқ ҳисобга олиб, ўқитишининг шакл ва методларини янги, янада такомиллашган ва самарали шакллари билан алмаштиришга интилишлари зарур. Бундай ўзгаришлар талабалар қўмитасида ёшлар уюшмаси иш фаолиятида ҳам ўтказилиши мақсадга мувофиқдир. Айникса, бунда тўплланган тажриба ва барча қимматли нарсалардан имкони борича кенгрөқ фойдаланиш ва уларни қайта қуришда япги билим ва ечимлар

билин бирга пухта иш олиб бориш талаб этилади.

Талабалар қўмитаси талабалар олий мактабда ва мактабдан ташқарида ўқувчиларнинг ташқи қўринишларини назорат қиласиди.

#### **15.4 Ўз-ўзини бошқариш кенгаш вазифаларига педагогик раҳбарлик**

Талабалар қўмитаси ишини такомиллаштириш талабалар буйича тавсияномалар беради. Талабалар қўмитаси ўз иши тўғрисида ёшлар уюшмаси кенгашига доимий равишда ахборот бериб туради. Талабалар қўмитасининг 5-9-синфлар билан боғлиқ бўлган барча масалалар ёшлар уюшмаси кенгаши билан ҳамкорликда ёшлар иттифоқи томонидан қуриб чиқилади ва ҳал этилади.

Олий мактабда талабалар иттифоқи ва ўсмирлар қўмитасининг ўқув комисиялари ўзаро ҳамкорликда талабаларнинг дарсга тайёргарлигини текшириб, дарслекларини эҳтиёт қилиш хақида рейдлар энг яхши математик, биолог, тарихчи мавзууда конкурс-кўриклар ўтказишни уюштириш лозим. Бунинг учун режа ишлаб чиқилади. У талабалар қўмитаси йиғилишида тасдикланади. Талабаларнинг билими ҳамда ўқув ва малакаларини оғзаки текшириш учун саволлар тузилади. Текшириш даврида талабаларнинг билимига, тарбиявий ишларни бошқариш услубига алоҳида аҳамият берилади. Бундай ишлар фан кунлари ва ҳафталиклари, талабалар конференциялари ўтказишда асосий омил бўлиб хизмат қиласиди.

Олий мактаб талабалар жамоаси таълим-тарбия беришда илғор тажрибаларини ўрганиш ва умумлаштириш, йўл қўйилган хато ва камчиликларни тугатиш тадбирларини белгилаши ва унга талабалар қўмитасини жалб қилиши муҳим аҳамиятга эга.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, талабалар қўмитасининг кенгашида берилган қўрсатмалар, таклиф ва мулоҳазалар, маслаҳатларнинг қандай бажарилаётганини текширилиб борилмаса ва ўз-ўзини бошқариш кўнгилдагидек ташкил этилмаса, уни ўқитувчилар назорат қилмаси хеч қандай натижа бермайди.

Талабаларнинг меҳнат фаолиятида ўз-ўзини бошқаришга мактаб ўқитувчилар жамоаси катта аҳамият бериси муҳимдир.

#### **Назорат саволлари:**

1. Ўз-ўзини бошқариш кенгашини ташкил этиш ва унинг вазифалари.
2. Ўз-ўзини бошқаришга педагогик раҳбарлик.
3. Ўз-ўзини бошқаришни тўғри ташкил қилиш ва педагогик раҳбарликнинг аҳамияти.
4. Ўз-ўзини бошқариш методлари ва шакллари.
5. Ўз-ўзини бошқариш кенгаш вазифаларига педагогик раҳбарлик.

#### **Таянч сузлари:**

Ўз-ўзини бошқариш, метод, шакллари, педагогик раҳбарлик

**Адабиётлари:**

- 1.Беспалько В.П. Некоторые вопросы педагогики высшего образования.  
- Рига, 1972.
- 2.Смирнов С.Д. Педагогика и психология высшего образования: от  
деятельности к личности: Учеб. пособие для студ. высш. пед. учеб.  
заведений. - М.: Издательский центр "Академия", 2001. - 304 с.
- 3.Педагогика и психология высшей школы: Учебное пособие. - Ростов  
н/Д:Феникс, 2002. - 544 с.
- 4.Основы педагогики и психологии высшей школы / Под ред. А. В.  
Петровского. - М., 1986.

## 16-МАВЗУ ТАЛАБАЛАРНИНГ МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМИ

**Режа:**

- 16.1**Талабаларда мустақил таълимни шакллантиришда фундаментал фанларнинг ўрни.
- 16.2**Талабаларда мустақил таълимни шакллантиришда фундаментал фанларнинг ўрни.
- 16.3**Талабларни мустақил равишда ҳаётга бўлган муносабати.
- 16.4**Талабалар дарслик, ахборот воситалари билан ўз вақти фойдаланиш мезонлари.

### **16.1**Талабаларда мустақил таълимни шакллантиришда фундаментал фанларнинг ўрни

Олий таълимнинг давлат таълим стандарти ўкув фанлари блоклари мазмунига қўйиладиган умумий талабларида «таълим ва тарбия жараёнининг мустақил фикрлайдиган, қарорлар қабул қилишга кодир, ҳар томонлама ривожланган, баркамол шахсни шакллантиришга йўналтирилганлигини таъминлаши лозим»лигига алоҳида аҳамият берилган. Албатта, ушбу қўйилган талаблар олий ўкув юртларида таълим-тарбия жараёнини юқори даражага кўтариш, ўқитишни янги методлар асосида амалга ошириш, талабаларда мустақил фикрлаш қобилиятини ривожлантириш, уларда меҳнат кўникмаларини шакллантириш, касбга бўлган қизиқишини такомиллаштириш, талабларининг билиш фаолиятини бошқариш ва билим даражасини ошириш каби вазифаларнинг сифатли даражада бажаришини тақозо этади.

Бу вазифаларни амалга оширишда олий ўкув юрти талабаларида мустақил билим олиш ҳақидаги билим, кўникма ва малакаларини шакллантириш муҳим аҳамиятга эга. Чунки, мустақил билим-мустақил фикрлаш, мустақил ишлаш кабиларнинг асосий манбаи бўлибгина қолмай, ҳар бир шахснинг ижобий қобилиятини намоён этиш, интеллектуал жиҳатдан ривожланиш, касби бўйича меҳнат хусусиятларини намоён этиш, имкониятларини оширади.

Шуни айтиш керакки, мустақил билимни эгаллаш ота-боболаримизнинг ҳаёти ва фаолиятида чуқур ўрин эгаллаган.

Абу Носир Фаробий, Махмуд Қошғарий, Абу Райхон Беруний, Абдурраҳмон Жомий, Мирзо Улуғбек, Алишер Навоий, Ибн Сино каби буюк алломалар илм туфайли ўз даврининг нуфузли, хурматли, эътиборли кишилари даражасига эришганлар.

Шарқнинг буюк алломаси Абу Райхон Беруний халқни илм олишга чақириб, жумладан, шундай деган эди: «илмлар кўпdir, улар замом иқболи бўлиб, турли фикр ва хотиралар уларга қўшилиб борса кўпаяди. Одамларни илмларга рағбат қилиши, илмларни ва илм ахлларини хурматлаш ўша иқболнинг белгисидир». Дархақиқат, илм инсон учун ғоят олий ва муқаддас

бўлиб, унинг фикрини ўткир қиласди, маданият-маърифат дунёсига олиб киради.

## **16.2 Талабаларда мустақил таълимни шакллантиришда фундаментал фанларнинг ўрни**

Мустақил билим хар бир кишининг дунёни билишида, шахс маънавиятини шакллантиришда, фундаментал фанларни чуқур ўрганишда, таълимни давом эттиришда муҳим ахамиятга эга бўлиб, узлуксиз таълим тизими жараёнида амалга оширилади. Олий таълим мазмунида бўлажак мутахасисларнинг касби, иқтисодий, сиёсий, ижтимоий, маънавий дунёсини, миллий истиқлол ғояси, мафкураси, математик ва табиий-илмий, умумкасбий, маҳсус фанлар ҳақидаги билимларини янгилаш, чуқурлаштириш, кенгайтириш мақсадида амалга оширилади. Мустақил билим бу умр бўйи инновацияларни, яъни янгиликларни ўқиб ўрганиш, билим орттириш, ўз мутахасислиги бўйича янада юқорирок самарадорликка эришиш учун ижодий меҳнат фаолиятига эришиш демакдир. Мустақил билим-талабининг ўз мутахасислиги юзасидан дунёкарашини кенгайтиради, педагогика, психология, маънавият, мафкура соҳасидаги назарий ва амалий, билимларини янгилайди. Илгор тажрибани ўрганиш ва такомиллаштиришда муҳим ўрин тутади.

Мустақил билим давлат таълим стандартлари талабларини амалга оширишда, миллий истиқлол ғоясини таълим-тарбия мазмунига жорий этишда, дарс ва дарсдан ташқари машғулотларнинг қизиқарли ва мазмунли ўтишида, талабларнинг ҳаётга мустақил равишда муносабатда бўлишида муҳим омил ҳисобланади.

Мустақил билимга эга бўлган, малака ва кўникмаси шаклланган талабагина фан асосларини пухта ўзлаштириши мумкии. Талабаларда мустақил билим олишга қизиқиши уйғотиш, ўқув-билув кўникма ва малакаларини шакллантиришда мутахасислик фанларини амалий фаолиятга йўлловчи мустақил ишлар катта имкониятларга эга.

Мустақил билим эгаллашнинг турли босқичларида мустақил ишларнинг турли шаклларидан фойдаланиш, шу жараёнда талабаларни у ёки бу касбга бўлган қизиқишини ошириш усуллари, уларда касбий маданиятини тарбиялаш бугунги кунинг долзарб муаммоларидан биридир. Лекин, шуни айтиш керакки, олий ўқув юртларида мустақил билимни ташкил этиш усуллари, уларнинг таълим тизимидағи илмий, амалий ахамияти, талабаларнинг ўқув-билув малакасини шакллантиришдаги ўрни хусусида адабиётлар етарли даражада эмас.

Бу борада талабаларда мустақил билим самарадорлигига эришиш учун қуйидагиларни амалга ошириш зарур:

- биринчи босқичдан бошлаб мустақил билим эгаллашга меҳр уйғотиш, хар бир касбнинг жамият тараққиётида муҳим эканлиги юзасидан муайян тушунча хосил килиш;

- дарслик *ва* илмий адабиётлар устида ишлаш усуулари билан таништира бориш, амалий машғулот жараёнида мустақил ишлашга ўргатиш орқали ўз мутахасислиги маъносини ўзлаштиришларига эришиш;
- энергетика, *нефт ва газ, механика-машинасозлик, компьютер технологияси илмий асослари ва уларнинг ишлаб чиқарии жараёнидаги хусусиятларини аниқ мисоллар асосида тушиунтира бории;*
- талабанинг ўз билим ва кўникмаларини чуқурлаштиришга, янгилашга эришишини таъминлаш;
- бўлажак мутахасисларнинг ўз билим савиясини юқори даражага кўтаришга бўлган муносабатини шакллантириш;
- бўлажак мутахасиснинг миллий истиқлол ғояси ҳақидаги билимларини чуқурлаштириш.
- ижодий ишлар, реферат, маъруза матни, такриз ва ҳоказолар ёздиришда жорий, оралиқ, якуний назорат билан чегараланмай, гурух бўйича босқич изчилликка, ундан узлуксиз ягона режа асосида ишлашга ўргатиш;
- аудиториядан ташқари машғулотларда ва турли тадбирларда талабаларнинг эркин ва мантиқий имконият яратиш, мутахасислик ҳақидаги билимини шакллантириш каби ғоят муҳим услугбий ақидаларни амалга ошириш ва бошкалар.

### **16.3 Талабларни мустақил равишда ҳаётга бўлган муносабати**

Бунинг учун ҳар бир профессор-ўқитувчи педагогика, психология, хусусий услугбият каби фанларнинг методологик асосларини ва ўз мутахасислигини чуқур ўзлаштириши, дунё олимларининг асарлари билан танишиши ва таҳлил этиши, ўқув жараёнида илғор псдагогик технологияларнинг назарий ва амалий асосларидан кенг фойдаланиши, мустақил эгаллаган билимларини таълим-тарбия самарадорлигини оширишга йўналтириши, бунинг натижасида талабанинг билиш фаолияти самарадорлигини оширишга, уларнинг мустақил эркин фикрлашга ўргатиши, давлат таълим стандартларига мое келадиган билим, кў尼克ма ва малакаларни шакллантириши максадга мувофиқдир.

Мустақил билим жараёни талаба шахеига ҳурмат, унинг имконяти ва қобилиятига ишонч, аждодлар маънавий меросига қизикиш, ўзаро ҳурмат ва ўюшкокликни шакллантиради.

Талаба мустақил билимга эга бўлиш натижасида ўзини рухан эркин ва хадиксиз сеза бошлайди, ундан рухий эркинлик камол топади. Мустақил билимга эга бўлиш ўқитувчи ва талаба орасидаги эркин, маданий мулоқат, хақгўйлик, танқидий фикр кабиларни ривожлантиради, таълим жараёнида талабалар кенг қамровли ахборотларни ўзаро айир бошлайдилар, натижада мустақил интеллект майдони вужудга келади. Мустақил билимга эга бўлиш бу талабанинг фанлардан ўзлаштиришнинг юқори даражасини таъминлаш билан бирга, куредошлар орасида хамкорлик, дўстона муносабат, жонли мул оқат ўрнатилишага ёрдам беради. Мустақил билим талаба шахеига ўз хукукларига эга бўлиш, имкониятларини излаб топиш, ривожлантириш, аклий ва техник салоҳиятини намоён қила билиш, ақпийг, жнемоий на

маънавий ривожланиш учун фойдали бўлган соглом мухитни таркнб топтиради.

Мустақил билим бу - табнат, жамият, тафаккур ҳақидаги билимга эга булнш демақдир. Бунинг учун талаба ёшлар табиии, ижтимони ва гуманитар, мутахасислик фапларини чукур ўрганиш йўли билан табнат, жамият, тафаккурга онд билимларнинг умумий ассоларнинг ўчиради.

Мустақил билимнн эгаллаш натижасида талабанинг таълимдаги фаоллиги ривожланади. Шуни айтиш керакки, хар қандай фаоллик заминида мустақил аклий фаолият ётади. Кўргазмали куроллар тайёрлаш, мустақил ишлаш, техник воситалардан фойдаланиш, ижтимоий ва маънавий ҳаётда фаол иштирок этиш, ижодкорлик, ташаббускорлик кўрсатиш жараёнида талабаларнинг мустақил фаоллиги намоён бўлади. Бунинг учун талабалар илмий оммабоп, сиёсий, ўкув, бадиий ва бошқа адабиётларни мустақил равишда ўқиши ва ўрганиши, янги ахборот технологиялардан, интернетдан фойдаланиши, даре машғулотларида ижодий фикрлаши, дидактик ўйинлар, мунозара кабиларда иштирок этиши, айниқса, магистрларнинг кўргазмали куроллар тайёрлаши, ил гор иш тажрибаларини ўрганишн, тўплаши, танлаши, кўллаши, талабаларнинг анъанавий анжуманларида, илмий амалий анжуманларида, семинарларида иштирок этиши, ўз иш тажрибаларини оммалаштириши, фикр ва мулохазалари, таклифлари, тавсиялари билан матбуотда, радио, телевидениеда иштирок этишлари зарур.

#### **16.4 Талабалар дарслик, ахборот воситалари билан ўз вакти фойдаланиш мезонлари**

Мустақил билимни мустахкамлашнинг қўйидаги у»:уллари мавжуд: - электрон дареликлар, мультмедиалар яратиш:

- ахборотни сўз орқали узатиш ва эшитиш орқали қабул қилиш (опаки, химоя, маъруза, сухбат, тушунтириш, маслаҳат ва бошқалар);
- ахборотларни кўргазмали узатиш ва кўриш орқали қабул қилиш;
- ахборотларни амалий машгулотлар орқали бериш (машклар, лаборатория тажрибалари ва бошқалар);
- назорат ва ўз-ўзини назорат қилиш (опаки, ёзма, лаборатория амалиёти, тест-назорати);
- савол-жавоб, анкета тузиш;
- адабиёт, газета, журналларни таҳдил этиш ва бошқалар.

Бу усулларни амалга оширишда хар бир ўқитувчи талабаларнинг ўкув фанларини ўзлаштиришида бир канча масалалари ва муаммолари бўйича мустақил билим олишларини назарда тутишлари зарур.

Мустақил билимни шакллантиришнинг асосий соҳалари ва воситалари-

- таълим ва тарбия, фан ва илмий муассасалар, маданият ва маданий-маърифий муассасалар, илмий, оммабоп адабиётлар, миллий урф-одат, маросим ва байрамлар, оила, махалла, оммавий ахборот воситалари ва бошқалар.

Мустақил билим олиш мустақил равишда укинпа ва ўрганиш, мустақил фикрлаш билан узвий боғлиқ. Мустақил фикрлаш орқали кишида келажакка

интилиш, унн тасаввур кишиш ва инсон сифатида истиқболга ишонч хусусиятларн камол топади.

Мустақил билим жараёнида хар бир талабанинг ҳаётий қўникмаларии эгаллаш имконияти кенгаяди, мустақил билиш фаолпятини, уида яккашлигини, билим қуннкма ва малакаларппи ривожланшриша хизмат қила олиши намоён бўлади.

Мустақил билим мустақил фикрловчи эркин шахснинг шаклланишига олиб келади, унинг мазмунода узининг кадр-кимматини англайдиган, иродаси бакувват, иймони бутун, ҳаётда аник ўз максадига эга бўлган инсонларни тарбиялаш имкони яратилади ва онгли турмуш кечириш жамият ҳаётининг бош мезонига айланади. Шуни хар бир шаҳе ўз акди, тафаккури меҳнати, маъсулияти билан онгли тарзда, озод ва хур фикрли инсон бўлиб яшайди. Уларни ўzlари акд-идрок ва қалб амри билан танлаб олган ҳаётий мақсадларидан чалғитиб бўлмайди. Мустақил билим жамият куч- кудратини руёбга чиқаришда жуда катта ахамият касб этади. Хар кайси талабада муайян даражада интеллектуал салоҳият мавжуд. Агар шу кувватнинг тўлик юзага чикиши учуй зарур бўлган мустақил равишда билим эгалланса, тафаккур хар хил котиб колган эски тушунча ва ақидалардан халос бўлади. Олий ўқув юрти талабасининг мустақил билим эгаллаши ва амалий фаолиятини оқилона самарали ташкил этилиши мустақил фикр юритишнинг натижаси хисобланади. Талабанинг мустақил фикрлаши мустақил мутола воситалари, шакллари, усуллари оркали амалга оширилиб, унинг иатижасида у нарса ва ҳодисаларнинг моҳияти, маъно-мазмунини ишлаш имкониятига эга бўлади. Бу хар бир талабага хос бўлган ижтимоий ва ижодий жараёндир. Фикрлаш ва аклий фаолият янгилик яратади, янги ғояларни, максадларни, идеалларни вужудга келтиради. Мустақил фикрлаш натижасида талабаларда аниқ максадга каратилган ижод килиш қобилиятини ривожлантириш муҳим ахамиятга эга. Чунки, ижодкорлик биринчидан, мустақил билимнинг натижаси хисобланса, иккинчидан, бу нарса оркали талабаларда синчковлик, тасаввур, билимга қизиқш, иродалилик, танқидий фикр, билимлилик иштиёқ, ақлий тайёргарлик, аҳдоқий билим хусусиятлар шаклланади. Уларда танланган касбини чукур ўрганиш, мухандислик ва педагогика соҳасидаги назарий дунёкараши, билим ва қўникмаларни чукур ўзлаштириш, техник ижодкорликни ўстириш, мустақил ишлаш, ихтирочилик фаолиятида иштирок этиш кабиларга бўлган интилишларн намоён бўлади.

Демак, ижодийлик, фаоллик талаба билимини мустахкамлашда, мустақил таълимни ривожлантиришда муҳим омиллардан ҳисобланади. Шундай экан, хар бир профессор - ўқитувчи талабаларнинг мустақил билимини шакллантиришда Президент Ислом Қаримовнинг асарлари, миллий истиқлол ғояси, миллий истиқлол мафкураси,

«Таълим тўғисида»ги қонун, «Кадрлар тайёрлаш миллий дастурн», давлат таълим стандартлари асосида тузилган режа, дастур, рисола, китоблар, маъруза матнлари кабиларни яхши билишлари ва уларга амал килишлари зарур.

Шунингдек, жаҳон ва хамдўстлик мамлакатлари, Узбекистан олимларининг уёки бу мутахасислик бўйича яратган илмий асарлари, илмий-техник ахборот технологиялари, фанлар методологияси, педагогик технологиялар бўйича билимларни эгаллашлари максадга мувофикдир. Давр талаби асосида яратилган янгиликлар, таълимнинг замонавий интерфаол шакллари, усуллари, воситаларини ўрганиш, юксак маънавий-аҳлоқий фазилатларни эгаллаш каби вазифалар хам мустақил билим мазмунига киради. Шундай экан, олий таълим профессор - ўқитувчилари «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»да кўрсатилган таълим соҳасини тубдан ислоҳ килиш, уни ўтмишдан колган мағкуравий карашлар ва асоратлардан тўла халос этиш, ривожланган демократик давлатлар даражасида, юксак маънавий ва аҳлоқий талабларга жавоб берувчи юқори малакали кадрлар тайёрлаш миллий тизимини яратиш, комил инсонни тарбиялаш жараёнинг максади, вазифалари, шакллари, усуллари, воситалари, босқичлари ҳақида чукур билим, кўникма ва малакага эга бўлиши учун доимо мустақил ишлатлари лозим.

Талабалар фаоллигини ошириш, уларнинг мустақил билим эгаллашлари доимо ўқитувчи диккат марказида бўлиши зарур. Бунинг учун:

- хар бир профессор- ўқитувчи ўз мутахасислиги бўйича мавжуд китоб, адабиётлар, газета-журналлар, дидактик материалларни мустақил равища ўқиб бориши;
- талабаларда мутахасислик бўйича назарий ва амалий билимларни, ўқув ва кўникмаларини шакллартириш;
- мутахасислиги бўйича билимлар заминини яратиши ва улардан фойдаланиш кўникмаларини шакллантириш;
- давлат таълим стандартлари асосида яратилган янги ўқув режа, дастурлар, ўқув кўлланмаларининг маъно мазмунини ўрганиши;
- ўқиётган фанн мазмунини миллий истиқлол ғояси, миллий истиқлол мағкураси асосида талабалар онгига етказиши;
- талабаларнинг фанлар буйича эгаллаётган билим, кўникма ва малакаларини ДТС талабалари даражасида бўлишига эришишини таъминлашлари лозим.

Шундай экан, Президент Ислом Каримовнинг мағкура, маънавият масалаларига бағишланган асарлари, маъруза ва нуткларини ўрганиш, миллий истиқлол ғояси, миллий истиқлол мағкурасининг маъноси, мазмуни, можиятини билиш ва уни талаба калби ва онгига сингдирниш, халқ педагогикасининг асосий йўналншлари асосида таълим-тарбия жараёнини ташкил этиш, дарслик, мажмуа ва ўқув кўлланмалари устида ишлаш воситасида талабаларнинг ўқув-билув фаолияти самарадорлигнни ошириш, талаба ижодий тафаккури, аклий такомили ва маънавий камолотини камол топтириш мухимдир. Шуни айтиш керакки, мутахасислигига таллукли китоблардан ташқари иктисодий, сиёсий, бадиий, илмий, хукукий ва бошка адабиётларни ўқиши, театр, кино, музейларга, кургизмаларга бориш, радио эшлиши, телевизор кўриш, ўқитувчи ва талаба умумий билим савиясини ва маданий ларажасини оширади.

Хар бир мутахассис ўзининг умумий билими ва маданип даражаси юқори бўлиши учун доимо ўз устида мустақил равища ишлаши, ўганиши лозим. Бунинг учун у ўз мутахасеислиги, эгаллаган лавознми бўйича янгиликдарни, мафкура, маънавият соҳасидат билимларини чукурлаштирилган тақдирдагина унинг умумий билим ва маданий даражаси кжсак савияда бўлади. Мустақил билимни ташкил этишда:

- ўқитувчиларнинг тафаккурини такомиллаштириш, ўқитиш мазмунининг услубий даражасини ошириш ва муаммовий-назарий томонини кучайтириш;

- олий таълим ўкув жараёнини илгор педагогик технологиялар, ахборот технологиялари, яъни фаол таълим тамойиллари ва компютерлаш асосида қайта қуриш, рағбатлантиришни кучайтириш ва ўқитувчиларнинг ўз-ўзига таълими учун кенг кўламда шакллар, воситалар, усууллар ишлаб чиқиши;

олий мактаб талабаларининг талаб, эҳтиёж, истак, хошишларини кондириш мақсадида ўқитувчи муентазам, тинмай ўз устида ишлаши, фап-техника янгиликларини эгаллаб бориши улар асосида маъруза матнларини янги ахборотлар билан бойитиб бориши мақсадга мувофиқдир.

Талабаларнинг билим олишлари учун қуидагиларга эътибор бериш лозим:

- кутубхонада янги адабиётлар, китоблар кўргазмасини ташкил этиб, ахборотлар бсрив бориш;

- хар бир мутахассиснинг янги нашр этилган адабиётларини ўрганиш бўйича режаси бўлишини ташкил этиш ва хар ойда кафедра йишлишларида уларпинг таҳдилӣ ахборотларини эшитиб бориш;

- хар ойда кафедра профессор - ўқитувчилари томонидан маънавият, мафкура, «мехр - мурувват йили», Ўзбекистон Республикаси Конституцияеининг маъио - мазмуни хақида сухбатлар ўтказиш, унга пухта тайёргарлик қўриш;

- ётоқхоналарда талабалар учун маълум йўналишлар, мавзулар асосида тадбирлар тайёрлаб ўтказиш ва унда ўз фикр-мулоҳазалари билан фаол иштирок этиш;

- маънавият-маърифат кунларида ўтказиладиган маънавият, мафкура, маданият, турли тарихий саналар, байрамларга багишланган тадбирларда талабаларнинг фаол иштирок этншларини таъминлаш;

- талабалар билан дарсдан ташқари якка тартибда ишлар ташкил этиш, уларнинг кафсралар қошида ташкил этилган тўгараклар ишига жал б этиш;

- республика маънавият-маърифат маркази, темурийлар тарихи музейи билан хамкорликда тадбирлар ўтказиш;

- интернет орқдли ахборотлар олишда кўмаклашиш;

- Тошкент шаҳридаги маънавий мерос обидалари билан боғлиқ бўлган тарихий жойларга талабаларнп олиб бориш ва уларнинг ушбу соҳадаш билимларини кенгайтириш ва чукурлаштиришга ёрдам бериш.

Мустақил билим касбий билим ва кўникмаларини еамаралн равища япшлаш ва чукурлаштириш пмконпятини оширади, талабаларн эркии

фикрлашга ўргатади, уларпи ижодий ишларга чорлайди, маънавий жиҳатдан бойнотади.

Мустақил билим талабани фаол китобхонликка, адабиёт билан ишлашнинг турли усулларидан кенг фойдаланишга ўргатади, уни оддмий китобхондан ижодий китобхон даражасига кўтаради, дарслик ва фан дастурлари бўйича дарсда хамда аудиториядан ташқари жараёнида унинг мустақил билимга эга эканлигини намоён этади.

Мустақил билимни эгаллашдан кўзланган максад бу биринчидан, хар томонлама чукур билимга эга булиш натижасида жамиятдаги нжтимоий-сиёсий муҳит янада яхшиланади, янги шахс-баркамол инсонлар вужудга келади; иккинчидан, мустақил билимга эга бўлган кишиларнинг жамиятда ўз ўрнини топиш жараёни тезлашади; учунчидан, мустақил билимнинг амалга ошиши салоҳиятида элу-*Юртниң* моддий-маънавий, ёшларнинг акил фойдаланишида катта ахамиятга эгадир; тўртинчидан, мустақил билим жамият бағрида мустақил фикрлайдиган шахснинг шаклланишига олиб келади; бешинчидан, мустақил билимнинг ҳаётга тадбик килиниши хукукий қмократик жамият куришни тезлаштиради ва Ўзбекистоннинг халкаро хамжамиятда ўз ўрнини мустаҳкамлашга имкон яратади. Чунки, дунёнинг бугунги ривожи бўлажак кадрларнинг интеллектуал салоҳиятида, билимда, фикрида, аклида, илгор технологиячардадир.

Хуллас, мустақил билимни эгаллаш йулида белгиланган М шфаларнинг амалга оширилиши баркамол шахснинг ва шу тариқа ишини жамиятнинг шаклланишига, яъни янгича онг ва тафаккурга эга, м.и.павияти юксак бўлган шахсларнинг камол топишига олиб келади.

### **Назорат саволлари:**

1. Талабаларда мустақил таълимни шакллантиришда фундаментал фанларнинг ўрни.
2. Мустақил таълим давлат таълим стандартлари талабларини амалга ошириш.
3. Президент Ислом Каримовнинг мафкура, маънавият масалаларига бағищланган асарлари, маъруза ва нутклари.
4. Талабларни мустақил равишда ҳаётга бўлган муносабати.
5. Талабалар дарслик, ахборот воситалари билан ўз вақти фойдаланиш мезонлари.

### **Таянч сўзлари:**

давлат таълим стандартлари, мунособат, дарслик, ахборот воситалари, мустақил таълим

### **Адабиётлари:**

- 1.Беспалько В.П. Некоторые вопросы педагогики высшего образования.  
- Рига, 1972.
- 2.Педагогика и психология высшей школы: Учебное пособие. - Ростов н/Д:Феникс, 2002. - 544 с.

## **17 -Мавзу**

### **ТАЛАБАЛАРДА МУСТАҚИЛ ФИКРЛАШНИ ШАКЛАНТИРИШ**

**Режа:**

**17.1 Олий таълим давлат таълим стандартида талабаларнинг мустақил билимига қўйиладиган талаблар.**

**17.2 Мустақил билимни шакллантиришнинг асосий турлари.**

**17.3 Мустақил таълимни ташкил қилишда ўқитувчининг асосий вазифалари.**

#### **17.1 Олий таълим давлат таълим стандартида талабаларнинг мустақил билимига қўйиладиган талаблар**

Олий таълимнинг давлат таълим стандарти ўкув фанлари, блоклари мазмунига қўйиладиган умумий талабларида «таълим ва тарбия жараёнининг мустақил фикрлайдиган, қарорлар қабул қилишга қодир, ҳар тамонлама ривожланган, баркамол шахсни шакллантиришга йўналтарилганини таъминлаши лозим»лигига алоҳида аҳамият берилган. Албатта, ушбу қўйилган талаблар олий ўкув юртларида таълим-тарбия жараёнини юқори даражага кўтариш, ўқитишни янги методлар асосида амалга ошириш, талабаларда мустақил фикрлаш қобилиятани ривожлантириш, уларда меҳнат қўникмаларини шакллантириш, касбга бўлган қизиқишини такомиллаштириш, талабаларнинг билиш фаолиятини бошқариш ва билим даражасини ошириш каби вазифаларнинг сифатли даражада бажаришини тақозо этади. Бу вазифаларни амалга оширишда олий ўкув юрти талабларида мустақил билим олиш ҳақидаги билим, қўникма ва малакаларини шакллантириш муҳим аҳамиятга эга. Чунки, мустақил билим мустақил фикрлаш, мустақил ишлаш кабиларнинг асосий манбай бўлибгина қолмай, ҳар бир шахснинг ижобий қобилиятини намоён этиш, интеллектуал жиҳатдан ривожланиш, касби бўйича меҳнат хусусиятларини намоён этиш, имкониятларини оширади.

Шуни айтиш керакки, мустақил билимни эгаллаш ота боболаримизнинг хаёти ва фаолиятида чукур ўрин эгаллаган.

Абу Носир Фаробий, Махмуд Қошғарий, Абу Райхон Беруний, Абдураҳмон Жомий, Мирзо Улуғбек, Алишер Навоий, Ибн Сино каби буюк алломалар илм туфайли ўз даврининг нуфузли, хурматли, эътиборли кишилари даражасига эришганлар.

Шарқнинг буюк алломаси Абу Райхон Беруний халқни илм олишга чақириб, жумладан, шундай деган эди: “илмлар кўпdir, улар замон иқболи бўлиб, турли фикр ва хотиралар уларга қўшилиб борса кўпаяди, одамларнинг илмларга рағбат қилиши, илмларни ва илм аҳлларини хурматлаши ўша иқболнинг бўлгисидир”. Дарҳақиқат, илм инсон учун ғоят олий ва муқаддас бўлиб, унинг фикрини ўткир қиласи, маданият-маърифат дунёсига олиб киради.

Мустақил билим ҳар бир кишининг дунёни билишида, шахс маънавиятини шакллантиришда, фундаментал фанларни чуқур ўрганишда, таълимни давом эттиришда муҳим аҳамиятга эга бўлиб, узлуксиз таълим тизими жараёнида амалга оширилади. Олий таълим мазмунида бўлажак мутахассисларнинг касби, иқтисодий, сиёсий, ижтимоий, маънавий дунёсини, миллий истиқлол ғояси, мафкураси, математик ва табиий — илмий, умумкасбий, маҳсус фанлар ҳақидаги билимларини янгилаш, чуқурлаштириш, кенгайтириш мақсадида амалга оширилади. Мустақил билим бу умр бўйи инновацияларни, яъни янгиликларни ўқиб ўрганиш, билим орттириш, ўз мутахассислиги бўйича янада юқорироқ самарадорликка эришиш учун ижодий меҳнат фаолиятига эришиш демақдир. Мустақил билим талабанинг ўз мутахассислиги юзасидан дунё қарашини кенгайтиради, педагогика, психология, маънавият, мафкура соҳасидаги назарий ва амалий, билимларини янгилайди. Илғор тажрибани ўрганиш ва такомиллаштиришда муҳим ўрин тутади.

## **17.2 Мустақил билимни шакллантиришнинг асосий турлари**

Мустақил билим давлат таълим стандартлари талабларини амалга оширишда, миллий истиқлол ғоясини таълим—тарбия мазмунига жорий этишда, дарс ва дарсдан ташқари машғулотларнинг қизиқарли ва мазмунли ўтишида талабаларнинг ҳаётга мустақил равишда муносабатда бўлишида муҳим омил ҳисобланади.

Мустақил билимга эга бўлган, малака ва кўникмаси шаклланган талабагина фан асосларини пухта ўзлаштириши мумкин. Талабаларда мустақил билим олишга қизиқиши уйғотиш, ўқув-билув кўникма ва малакаларини шакллантиришда мутахассислик фанларини амалий фаолиятга йўлловчи мустақил ишлар катта имкониятларга эга.

Мустақил билим эгаллашнинг турли босқичларида мустақил ишларнинг турли шаклларидан фойдаланиш, шу жараёнда талабаларни у ёки бу касбга бўлган қизиқишини ошириш усуллари, уларда касбий маданиятини тарбиялаш бугунги куннинг долзарб муаммоларидан биридир. Лекин, шуни айтиш керакки, олий ўқув юртларида мустақил билимни ташкил этиш усуллари, уларнинг таълим тизимидағи илмий, амалий аҳамияти, талабаларнинг ўқув-билув малакасини шакллантиришдаги ўрни хусусида адабиётлар етарли даражада эмас. Бу борада талабаларда мустақил билим самарадорлигига эришиш учун қуйидагиларни амалга ошириш зарур:

—биринчи босқичдан бошлаб мустақил билим эгаллашга меҳр уйғотиш, ҳар бир касбнинг жамият тараққиётида муҳим эканлиги юзасидан муайян тушунча ҳосил қилиш;

—дарслик ва илмий адабиётлар устида ишлаш усуллари билан танишири бориш, амалий машғулот жараёнида мустақил ишлашга ўргатиш орқали ўз мутахассислиги маъносини ўзлаштиришларига эришиш;

—информатика, туризм, иқтисодиёт илмий асослари ва уларнинг ишлаб чиқариш жараёнидаги хусусиятларини аниқ мисоллар асосида тушунтира бориш;

—талабанинг ўз билим ва кўникмаларини чуқурлаштиришга, янгилашга эришишини таъминлаш;

—бўлажак мутахассисларнинг ўз билим савиясини юқори даражага кўтаришга бўлган муносабатини шакллантириш;

—бўлажак мутахассиснинг миллий истиқлол ғояси ҳақидаги билимларини чуқурлаштириш;

—ижодий ишлар, реферат, маъруза матни, тақриз ва ҳаказолар ёздиришда жорий оралиқ, якуний назорат билан чегараланмай, гурух бўйича босқич изчиликка, ундан узлуксиз ягона режа асосида ишлашга ўргатиш;

—аудиториядан ташқари машғулотларда ва турли тадбирларда талабаларнинг эркин ва мантиқий имконият яратиш, мутахассислик ҳақидаги билимини шакллантириш каби ғоят муҳим услугубий ақидаларни амалга ошириш ва бошқалар.

Бунинг учун ҳар бир профессор — ўқитувчи педагогика, психология, хусусий услугбият каби фанларнинг методологик асосларини ва ўз мутахассислигини чуқур ўзлаштириши, дунё олимларининг асарлари билан танишиши ва таҳлил этиши, ўқув жараёнида илғор педагогик технологияларнинг назарий ва амалий асосларидан кенг фойдаланиши, мустақил эгаллаган билимларини таълим — тарбия самарадорлигини ошириш йўналтириш, бунинг натижасида талабанинг билиш фаолияти самарадорлигини оширишга, уларнинг мустақил эркин фикрлашга ўргатиши, давлат таълим стандартларига мос келадиган билим, кўникма ва малакаларни шакллантириши мақсадга мувофиқдир.

Мустақил билим жараёни талаба шахсига хурмат, унинг имконияти ва қобилияти ишонч, аждодлар маънавий меросига қизиқиш, ўзаро хурмат ва юшқоқликни шакллантиради.

### **17.3 Мустақил таълимни ташкил қилишда ўқитувчининг асосий вазифалари**

Талаба мустақил билимга эга бўлиши натижасида ўзини рухан эркин ва ҳадиксиз сеза бошлайди, ундан руҳий эркинлик камол топади. Мустақил билимга эга бўлиш ўқитувчи ва талаба орасидаги эркин, маданий мулоқат, ҳақгўйлик, танқидий фикр, кабиларни ривожлантиради, таълим жараёнида талабалар кенг қамровли ахборотларни ўзаро айир бошлайдилар, натижада мустақил интеллект майдони вужудга келади. Мустақил билимга эга бўлиш бу талабанинг фанлардан ўзлаштиришнинг юқори даражасини таъминлаш билан бирга, курсдошлар орасида ҳамкорлик, дўстона муносабат, жонли мулоқат ўрнатилишига ёрдам беради. Мустақил билим талаба шахсига ўз ҳукуқларига эга бўлиш, имкониятларини излаб топиш, ривожлантириш, ақлий ва техник салоҳиятини намоён қила билиш, ақлий, жисмоний ва маънавий ривожланиш учун фойдали бўлган соғлом мухитни таркиб топтиради.

Мустақил билим бу— табиат, жамият, тафаккур ҳақидағи билимга эга бўлиш демақдир. Бунинг учун талаба ёшлар табиий, ижтимоий ва гуманитар, мутахассислик фанларини чукур ўрганиш йўли билан табиат, жамият, тафаккурга оид билимларнинг умумий асосларини ўзлаштиради. Мустақил билимни эгаллаш натижасида талабанинг таълимдаги фаоллиги ривожланади. Шуни айтиш керакки, ҳар қандай фаоллик заминида мустақил ақлий фаолият ётади. Кўргазмали қуроллар тайёрлаш, ижтимоий ва маънавий ҳаётда фаол иштирок этиш, ижодкорлик, ташаббускорлик кўрсатиш жараёнида талабаларнинг мустақил фаоллиги намоён бўлади.

Бунинг учун талабалар илмий оммабоп. Сиёсий, ўкув, бадиий ва бошқа адабиётларни мустақил равища ўқиши ва ўрганиши, янги ахборот технологиялардан, интернетдан фойдаланиши, дарс машғулотларида ижодий фикрлаши, дидактик ўйинлар, мунозара кабиларда иштирок этиши, айниқса магистрларнинг кўргазмали қуроллар тайёрлаши, илғор иш тажрибаларини ўрганиши, тўплаши, танлаши, қўллаши, талабаларнинг анъанавий анжуманларида, илмий амалий анжуманларида, семинарларида иштирок этиши, ўз иш тажрибаларини оммалаштириши, фикр ва мулоҳазалари, таклифлари, тавсиялари била, матбуотда, радио, телевидениеда иштирок этишлари зарур.

Мустақил билимни мустаҳкамлашнинг қўйидаги усуслари мавжуд:

- электрон дареликлар, мультимедиялар яратиш:
- ахборотни сўз орқали узатиш ва эшитиш орқали қабул қилиш:
- ахборотларни кўргазмали кузатиш ва кўриш орқали қабул қилиш:
- ахборотларни амалий машғулотлар орқали бериш:
- назорат ва ўз -ўзини назорат қилиш:
- савол -жавоб, анкета тузиш:
- адабиёт, газета, журнallарни таҳлил этиш ва бошқалар.

Бу усусларни амалга оширишда ҳар бир ўқитувчи талабаларнинг ўкув фанларини ўзлаштиришда бир қанча масалалари ва муаммолари бўйича мустақил билим олишларини назарда тутишлари зарур. Мустақил билимни шакллантиришнинг асосий соҳалари ва воситалари: таълим — тарбия, фан ва илмий муассасалар, маданият ва маданий-маърифий муассасалар, илмий, оммабоп адабиётлар, миллий урф—одат, маросим ва байрамлар, оила, маҳалла, оммавий ахборот воситалари ва бошқалар. Мустақил билим олиш мустақил равища ўқишга ва ўрганиш мустақил фикрлаш билан узвий боғлиқ. Мустақил фикрлаш орқали кишида келажакка интилиш, уни тасаввур қилиш ва инсон сифатида истиқболга ишонч хусусиятлари камол топади.

Мустақил билим жараёнида ҳар бир талабанинг ҳаётий қўникмаларини эгаллаш имконияти кенгаяди, мустақил билиш фаолиятини, билим, қўникма ва малакаларини ривожлантиришга хизмат қила олиши намоён бўлади. Мустақил билим мустақил фикрловчи эркин шахснинг шаклланишига олиб келади, унинг мазмунида ўзининг қадр-қимматини англайдиган, иродаси

бақувват, иймони бутун, ҳаётда аниқ ўз мақсадига эга бўлган инсонларни тарбиялаш имкони яратилади ва онгли турмуш кечириш жамият ҳаётининг бош мезонига айланади. Шуни ҳар бир шахс ўз ақли, тафаккури меҳнати, маъсулияти билан онгли тарзда, озод ва ҳур фикрли инсон бўлиб яшайди. Уларни ўзлари ақл-идрок ва қалб амри билан танлаб олган ҳаётий мақсадларидан чалғитиб бўлмайди.

Мустақил билим жамият куч — қудратини рўёбга чиқаришда жуда катта аҳамият касб этади. Ҳар қайси талабада муайян даражада интеллектуал салоҳият мавжуд. Агар шу қувватнинг тўлиқ юзага чиқиши учун зарур бўлган мустақил равишда билим эгалланса, тафаккур ҳар хил қотиб қолган эски тушунча ва ақидалардан ҳалос бўлади. Олий ўқув юрти талабасининг мустақил билим эгаллаши ва амалий фаолиятини оқилона самарали ташкил этилиши мустақил фикр юритишнинг натижаси ҳисобланади. Талабанинг мустақил фикрлаши мустақил мутолаа воситалари, шакллари, усуллари орқали амалга оширилиб, унинг натижасида у нарса ва ҳодисаларнинг моҳияти, мазмунини англаш имкониятига эга бўлади. Бу ҳар бир талабага хос бўлган ижтимоий ва ижодий жараёндир. Фикрлаш ва ақлий фаолият янгилик яратади, янги ғояларни, максадларни, идеалларни вужудга келтиради. Мустақил фикрлаш натижасида талabalарда аниқ, мақсадга қаратилган ижод қилиш қобилиятини ривожлантириш мухим аҳамиятга эга. Чунки ижодкорлик биринчидан мустақил билиминг натижаси ҳисобланса, иккинчидан, бу нарса оркали талabalарда синчковлик тасаввур, билимга қизиқиш, иродалилик, танқидий фикр, билимлилик иштиёқ, ақлий тайёргарлик, ахлоқий билим хусусиятлар шаклланади. Уларда танланган касбини чукур ўрганиш, мұхандислик ва педагогика соҳасидаги назарий дунёқараши, билим ва күникмаларни чукур ўзлаштириш, техник ижодкорликни ўстириш, мустақил ишлаш, ихтирочилик фаолиятида иштирок этиш кабиларга бўлган интилишлари намоён бўлади.

Демак, ижодийлик, фаоллик талаба билимини мустаҳкамлашда, мустақил таълимни ривожлантиришда мухим омиллардан ҳисобланади. Шундай экан, ҳар бир профессор — ўқитувчи талабаларнинг мустақил билимини шакллантиришда Президент И. Каримовнинг асарлари, миллий истиқбол ғояси, миллий истиқбол мафкураси, «Таълим тўғрисида»ги қонун, «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури», давлат таълим стандартлари асосида тузилган режа, дастур, рисола, китоблар, маъруза матнлари кабиларни яхши билишлари ва уларга амал қилишлари зарур.

Шунингдек, жаҳон ва ҳамдўстлик мамлакатлари, Ўзбекистон олимларининг у ёки бу мутахассислик бўйича яратган илмий асарлари, илмий—техник ахборот технологиялари бўйича билимларни эгаллашлари мақсадга мувофиқдир. Давр талаби асосида яратилган янгиликлар, таълимнинг замонавий интерфаол шакллари, усуллари, воситаларини ўрганиш юксак маънавий ахлоқий фазилатларни эгаллаш каби вазифалар ҳам мустақил билим мазмунига киради. Талабалар фаоллигини ошириш,

уларнинг мустақил билим эгаллашлари доимо ўқитувчи диққат марказида бўлиши зарур. Бунинг учун:

- ҳар бир профессор ўқитувчи ўз мутахассислиги бўйича мавжуд китоб, адабиётлар, газета - журналлар, дидактик материалларни мустақил равища ўқиб бориши;
- талабаларда мутахассислик бўйича назарий ва амалий билимларни, ўқув ва кўникмаларини шакллантириш;
- мутахассислиги бўйича билимлар заминини яратиши ва улардан фойдаланиш кўникмаларини шакллантириш;
- давлат таълим стандартлари асосида яратилган янги ўқув режа, дастурлар, ўқув қўлланмаларининг маъно мазмунини ўрганиши;
- ўқиётган фани мазмунини миллий истиқлол ғояси, миллий истиқлол мафкураси асосида талабалар онгига етказиш;
- талабаларнинг фанлар бўйича эгаллаётган билим, кўникма ва малакаларни ДТС талабалари даражасида бўлишига эришишини таъминлашлари лозим.

Ҳар бир мутахассис ўзининг умумий билими ва маданий даражаси юқори бўлиши учун доимо ўз устида мустақил равища ишлаши, ўрганиши лозим. Бунинг учун у ўз мутахассислиги, эгаллаган лавозими бўйича янгиликларни мафкура, маънавият соҳасидаги билимларини чуқурлаштирилган тақдирдагина унинг умумий билим ва маданий даражаси юксак савияда бўлади.

Мустақил билимни ташкил этишда:

- ўқитувчиларнинг тафаккурини такомиллаштириш, ўқитиши мазмунининг услубий даражасини ошириш ва оммовий—назарий томонини кучайтииш;
- олий таълим ўқув жараёнини илғор педагогик технологиялар, ахборот технологиялар, яъни фаол таълим тамоиллари ва компьютерлаш асосида қайта қуриш, рағбатлантиришни кучайтириш ва ўқитувчиларнинг ўз —ўзига таълими учун кенг қўламда шакллар, воситалар, усуллар ишлаб чиқиши;
- олий мактаб талабаларининг талаб, эҳтиёж, истак, ҳохишларини қондириш мақсадида ўқитувчи муентазам, тинмай ўз устида иглаши, фан техника янгиликларини эгаллаб бориши асосида маъруза матнларини янги ахборотлар билан бойитиб бориши мақсадга мувофиқдир.

Талабаларнинг билим олишлари учун қуйидагиларга эътибор бериши лозим:

- кутубхонада янги адабиётлар, китоблар кўргазмасини ташкил этиб, ахборотлар бериб бориш;
- ҳар бир мутахассиснинг янги нашр этилган адабиётларини ўрганиши бўйича режаси бўлишини ташкил этиш ва ҳар ойда кафедра йиғилишларида уларнинг тахлилий ахборотларини эшитиб бориш;
- талабалар билан дарсдан ташқари якка тартибда ишлар ташкил этиш, уларнинг кафедралар қошида ташкил этилган тўгараклар ишига жалб этиш;

—республика маънавият—маърифат маркази, темурийлар тарихи музейи билан ҳамкорликда тадбирлар ўтказиш;

—интернет орқали ахборотлар олишда кўмаклашиш.

Мустақил билимни эгаллашдан қўзланган мақсад бу биринчидан, ҳар томонлама чуқур билимга эга бўлиш натижасида жамиятдаги ижтимоий — сиёсий муҳит янада яхшиланади, янги шахс баркамол инсонлар вужудга келади, иккинчидан, мустақил билимга эга бўлган кишиларнинг жамиятда ўз ўрнини топиш жараёни тезлашади, учунчидан, мустақил билимнинг амалга ошиши салоҳиятида элу—юртнинг моддий — маънавий, ёшларнинг ахил фойдаланишида катта аҳамиятга эгадир.

Хуллас, мустақил билимни эгаллаш йўлида белгиланган вазифаларнинг амалга оширилиши баркамол шахснинг ва шу тариқа онгли жамиятнинг шаклланишига, яъни янгича онг ва тафаккурга эга, маънавияти юксак бўлган шахсларнинг камол топишига олиб келади.

### **Назорат саволлари:**

1. Олий таълим давлат таълим стандартида талабаларнинг мустақил билимига қўйиладиган талаблар.
2. Мустақил билимни шакллантиришнинг асосий турлари.
3. Мустақил билим олишнинг олий таълимдаги ўрни.
4. Мустақил таълимни ташкил қилишда ўқитувчининг асосий вазифалари.

### **Таянч суzlари:**

Олий таълим, давлат таълим стандарт, мустақил билим, жараён, мустақил билим

### **Адабиётлари:**

- 1.Беспалько В.П. Некоторые вопросы педагогики высшего образования. - Рига, 1972.
- 2.Смирнов С.Д. Педагогика и психология высшего образования: от деятельности к личности: Учеб. пособие для студ. высш. пед. учеб. заведений. - М.: Издательский центр "Академия", 2001. - 304 с.
- 3.Педагогика и психология высшей школы: Учебное пособие. - Ростов н/Д:Феникс, 2002. - 544 с.
- 4.Основы педагогики и психологии высшей школы / Под ред. А. В. Петровского. - М., 1986.

## **18- МАВЗУ** **ОЛИЙ МАКТАБ ФАОЛИЯТИНИ РЕЖАЛАШТИРИШ ВА УНИНГ ТУРЛАРИ**

**Режа:**

**18.1 Олий таълимнинг мақсади Республикализнинг ижтимоий-иқтисодий фаолияти.**

**18.2 Олий таълим тизимида иқтисодий ислоҳотлар олиб боришининг аҳамияти ва муаммолари.**

**18.3 Олий таълим тизимини молиялаш истиқболлари.**

**18.4 Олий таълим муассасаларида маркетинг фаолияти истиқболлари.**

**18.1 Олий таълимнинг мақсади Республикализнинг ижтимоий-иқтисодий фаолияти**

Ўзбекистоннинг бозор иқтисодиётига ўтиш йўлидаги саъй-ҳаракати давлат ва жамиятнинг барча соҳалардаги, шу жумладан, таълим тизими фаолиятидаги чуқур ислоҳотлар билан боғлик. Олий таълимни қайта тузишнинг самарадорлиги, олий таълим муассасаларининг аҳамияти фақат аждодларнинг турли фаолият соҳасидаги тажрибаларини тўпловчи ва жамиятнинг янада ривожланиши учун пухта замин ҳозирловчи муассаса сифатида тан олиниши билангина эмас, балки уларнинг самарали фаолият кўрсатиши учун зарур ресурсларни бунёд этиши билан ҳам белгиланади. Олий таълим муассасаларининг ташкилий-бошқарув асосларини ўзгартириш олий таълим иқтисодини қайта қуриш билан ёнма-ён кетмоқда. Молия-кредит воситаси амал қилишининг ўзига хос томонларини тадқиқот этиш, олий таълим муассасаларининг иқтисодий ривожланишини таъминлаб беради.

Олий таълим тизимида иқтисодий ислоҳотлар олиб бориш, янги авлодда инсоният ривожининг барча босқичларида тўпланган тажрибани мустаҳкамлаш ва маданият, фан-техникани, умуман, жамиятни янада ривожлантириш учун даъват этилган. Ислоҳотлар ўзига хос қонуниятларга мувофиқ фаолият юритади ва бевосита ижтимоий-иқтисодий ҳамда сиёсий шароитлар таъсири остида ривожланади.

Ўзбекистон Республикасида олий таълим тизими бўйича амалга оширилаётган ислоҳотлар доирасида олий таълимни маблағ билан таъминлашни тубдан яхшилашга йўналтирилган маҳсус тадбирлар амалга оширилмоқда. Долзарб аҳамиятга эга бўлганлари қўйидагилардир:

- таълим муассасаларининг маблағ билан ўзини-ўзи таъминлашини ривожлантириш;

- узлуксиз таълим ва ходимлар тайёрлаш тизимини моддий жиҳатдан қўллаб қувватлашда хомийлар ва валантёрилик хусусиятини юзага чиқариш;

-таълим муассасаларининг даромадини фаолиятнинг тадбиркорлик, маслаҳатчилик, экспертиза, нашрлик, ишлаб чиқариш, илмий-тадқиқот ва

бошқа хақ тўлов асосидаги турлари ҳисобига даромадини оширишни таъминлаш;

-республика фуқароларига таълим кредитлари бериш ва уни кейинчалик оқилона қоплаш усулини такомиллаштириш;

-таълим ва мутахассис ходимлар тайёрлаш соҳасига йўналтирилган республика бюджети ажратмасини босқичма-босқич ошириб бориш;

-мутахассис кадрлар тайёрлаш тизимини молиялашнинг турли хил (бюджетдан ва бюджетдан ташқари манбалардан) таъминлаш усулини жорий этиш.

## **18.2 Олий таълим тизимида иқтисодий ислоҳотлар олиб боришининг аҳамияти ва муаммолари**

Олий таълим тизимидағи юқорида фикр этилган ислоҳотлар ўз самарасини тизимда илмий ва иқтисодий мустақиллик тўла қўлга киритилган ҳолдагина эришилади. Кўп хорижий давлатларда айнан шу эркинликнинг таъминланганлиги эвазига олий таълим тизимида салмоқли ютуқларга эришилган. Масалан, Буюк Британияда 95 фоиз олий ўкув юртлари ўз- ўзини мустақил ҳам ижтимоий, ҳам иқтисодий, қолаверса ҳам сиёсий тарафлама бошқариш (мустақил) ваколатини олган. Шу қаторда улар ўз мажбуриятларини ҳам тўла- тўқис амалга оширадилар. Буюк Британиянинг Оксфорд, Манчестер, Глазго каби етук олий таълим муассасалари ўз имижларини сақлаш мақсадида ҳар йили ўнлаб катта лойиҳалардан бирини, яъни 2002- йил Оксфордда АҚШдан ташриф буюрган талabalар шартнома тўловлари микдорини ошириш эвазига, қолоқ давлатлар бўлмиш Сомали, Эфиопия, Чад, Жазоирдан 300 нафар иқтидорли талabalарни бепул таълим олишларини мисол қилиб келтириш мумкин. Бу ҳам таълим соҳасидаги иқтисодий ислоҳотларнинг ҳаётга тадбиқ этилганидан далолат беради. Республикамизда ҳам олий таълим тизимида ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Аммо уларнинг ҳаммаси ҳам ўзининг ижобий натижасини бераётгани йўқ. Масалан, кредит бериш тизими (Таълим кредити)ни олиб қарайдиган бўлсак, ахолининг бу кредитга қизиқиши жуда паст даражада. Чунки хали ҳам таъмагирлик, сарсонгарчилик, молиявий таъминланмаганлик холлари афсус жуда кўп учрамоқда.

Энди бевосита иқтидорли талabalарни бепул таълимларини мисол қилиб келтириш мумкин. Бу ҳам таълим соҳасидаги иқтисодий ислоҳотларнинг ҳаётга тадбиқ этилганидан далолат беради. Республикамизда ҳам олий таълим тизимида амалга оширилган ислоҳатлар билан бир қаторда тўсиқ бўлаётган, вазифаларни бажаришга халақит бераётган салбий омилларга тўхталсак:

1. Олий таълим тизимида хали ҳам боқимандалик, фикрнинг қотиб қолиши кайфияти мавжудлиги;

-республика бюджетидаги тақчиллик (лекин бу мавзуни ривожланган мамлакатлар олий таълим муассасалари нуқсон деб билмайдилар) ;

-олий таълим тизимидағи қолаверса олий таълим муассасалари раҳбарияти, ходимлари, профессор ўқитувчиларининг замонавий таълим йўналишини ишлаб чиқишига хали тўлиқ тайёр эмаслиги;

-республика чекка худудларида ёшларга замонавий таълим олишга нафақат шарт-шароит, балки имкон йўқлиги;

- ишлаб чиқариш корхоналари, муассаса ва ташкилотлар билан олий таълим муассасаларининг узвий боғланмаганлиги;

- шартнома тизими бўйича таълим олишнинг маъкул услуби ишлаб чиқилмаганлиги;

- таълим муассасаларидаги профессор ўқитувчилар ижтимоий-иктисодий аҳволининг паст даражадалиги;

- таълим муассасаларининг тўлиқ ўз-ўзини қоплаш дастури ишлаб чиқилмаганлиги.

- юқоридаги муаммолар оқибатида талабаларнинг тўлиқ олий билимга эриша олмаётганлиги.

Олий таълим муассасаларининг молия ресурслари иккита манбадан хосил бўлади: давлат бюджет ва бюджетдан ташқари маблағ.

Бюджет ҳаражатларини ҳисоблашда талабалар қабул қилиш гранти; талабалар микдори; таълим муассасаси моддий-техникавий негизинииг хажми асос қилиб олинади. Профессор - ўқитувчилар таркиби ва тегишли маош фондини белгилаш учун битта ўқитувчига белгиланган талаба сони кўрсаткич сифатида фойдаланилади.

Давлат бюджети маблағи ҳисобидан молиялаштириладиган тармоқларда иқтисодий ислоҳатларни чуқурлаштириш, молиялаштириш механизмини такомиллаштириш, бюджет маблағларидан самарали ва ўз ўрнида фойдаланиш учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси «Бюджет ташкилотларини молиялаш тартибини такомиллаштириш тўғрисида» (1999 йил, 414-ракамли) қарор қабул қилди. Унда қуйидагиларни кўзда тутувчи янги тартиб белгиланди.

- бюджет ташкилотлари раҳбарларининг бюджет маблағларидан тежаб, самарали ва ўз ўрнида фойдаланиш, бюджет интизомини мустаҳкамлаш бўйича мустақиллигини кенгайтириш ва маъсулиятини ошириш;

- мавжуд маблағларни улардан фойдаланиш самарадорлигини юқори даражада оширишга эришиш мақсадида турлича қўллаш учун имконият яратиш ва бюджет ташкилотларини молиялаш механизмини соддалаштириш;

Олий таълим муассасаларининг бюджетдан молиялашнинг меъёрий негизи «Таълим тўғрисидаги» қонун, «Олий таълим ҳақидаги қоидалар» ва «Олий таълим муассасаси ҳақидаги наъмунавий қоидалар»да кўрсатилган бўлиб, улар олий таълим муассасаси ички молия оқими, ҳаражатлар меъёри ва раҳбарият ҳукуқини ташкил этиш айрим масалаларини тартибга солади.

Олий таълим муассасасини молиялаш учун маблағ давлат тузилмалари (давлат маблағи)дан, корхона ва якка фуқаролар (давлатга алоқадорсиз маблағ)дан келиши мумкин. Олий таълим муассасаси бюджет тизимининг ягоналиги ҳукуқий негиз ягоналиги, таснифлашнинг ягона тизимидан

### **18.3 Олий таълим тизимини молиялаш истиқболлари**

Фойдаланиш, ҳужжатлар, ҳисбот ва режали шакли бир хиллиги, умумий бюджет тузиш учун бошқарув босқичлари бўйича зарур статистик ҳисбот тақдим этиш билан таъминланади.

Даромадлар олий таълим муассасаларида турли хил ташкилот ва жисмоний шахслар томонида муассаса бўлимларига ва раҳбарларга келиб тушиши мумкин. Бунда даромадларнинг мақсадли йўналиши кўрсатилиши шарт ҳисбланади. Молиялашнинг айримлари давлат томонидан амалга оширилса, айримлари алоҳида тижорий шахслар томонидан йўлга қўйилиши мумкин.

Стратегик режаларни молиявий таъминлаш, яъни ўз мақсадини ишлаб чиқариш, ўз вазифасини адо этишини амалга оширишга олиб келувчи ҳаракатлар ва қарорлар мажмуи олий таълим муассасаси бюджет тизими (даромад ва ҳаражат ягона рўйхати)ни ишлаб чиқаришда марказий вазифа ҳисбланади. Стратегик режалаш-олий таълим муассасаси келажагини стратегик олдиндан қўра билиш, ташқи мухитга мослашиш, олий таълим муассасаси ички ташкил этилиши. Ресурсларнинг йуналишини қисқа муддатли тадбирлар ёки стратегик режани амалга ошириш йўналиши белгилар экан олий таълим муассасаси бюджет тизимида ҳар қандай ҳолда ҳам кўзда тутилади:

- молиялаш манбайнини ошириш ва режалаштириш (диверсификация);
- мавжуд ресурслардан янада самарали фойдаланиш, жорий ҳаражатлар тузилмасини такомиллаштириш;
- ресурсларни ҳам қисқа муддатли юқори фойда кетирувчи лойиҳаларга, ҳам узоқ муддатли стратегик дастурларга инвестициялаш;
- олий таълим ҳаражатларини қисқартириш ва ресурсларни тежаш ҳисобига уларни камайтириш;
- самарадорликни ҳисблашда ташқи омиллардан фойдаланиш;

Бозор иқтисодиётига ўтиш даврида олий таълим муассасаси ресурсларини бошқариш мураккаб вазифалардан биридир. У олий таълим муассасаси активлари ва баҳолаш тамойилларини ишлаб чиқиши, уларни инвентаризациялаш, моддий техника негизини аниқ тасаввур этиш, олий ўкув юрт ресурсларидан мақсадли ва самарали фойдаланишни талаб этади.

Олий таълим тизимида маркетинг фаолиятига эътибор берадиган бўлсак, маркетингнинг алоҳида услубига гувоҳ бўламиз. Умуман оладиган бўлсак, маркетинг тизимида истиқбол - бозорни атрофлича ўрганишнинг асосий ва якуний босқичидир. Унинг асосий натижаларига иқтисодий дастур асосланади.

### **18.4 Олий таълим муассасаларида маркетинг фаолияти истиқболлари**

Республикада кечаётган ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар шароитида меҳнат бозоринииг шаклланишида мутахассислар тайёрлаш, ишга жойлаш ва бандлиги жараёнини давлат бошқаруви воситалари айниқса аҳамиятли бўлиб қолади.

Мазкур муаммоларни мутахассисларга талабни истиқболли тизимни тузиш, ишлаб чиқариш талабини ҳисобга олиб, «Буюртмалар портфели»нинг шаклланганлиги, бу талабнинг талабаларнинг олий таълим муассасалари, касблар бўйича миқдори билан мутаносиблиги, давлат иқтисодиётининг бошқариш тизимиға ўйғунлашган маркетинг хизмати ишини жонлантириш, иқтисод турли тармоғи бўйича олий ва ўрта маҳсус маълумотли мутахассислар тайёр ҳолида асосий нисбатларни ишлаб чиқиши хал этади.

Таълим соҳасида маркетинг тадқикотлари олиб боришида қўйидагиларни белгилаш зарур:

- таълим бозори талабини;
- таълим соҳасида хизматнинг муайян йўналишлари ва уларга талабни;
- таълим муассасасининг моддий-техника, молия, нисбий негизини;
- ишлаб чиқаришга бўлган эҳтимолий мўлжални;
- хизмат ва товарлар қиймати, улардан келадиган фойдани баҳолашни;
- бюджетдан ташқари фонд шаклланишида қатнашувчиларни;
- ҳомийларни.

Туман, шаҳар миқёсида шундай хизмат қўрсатувчилар мавжудлигини; иқтисоднинг махаллий ўзига хослигини; муайян худудларда истиқомат қилувчилар эҳтиёжини; истиқомат қилувчилар асосий тойифасини ҳисобга олиш, шунингдек, олий таълим муассасалари ишлаб чиқарадиган ёки қўрсатадиган товар ва хизматлар сотилиши ҳажмини белгилаш (истиқболи) зарур.

Маркетингни муваффақиятли ўтказиш учун қўйидагиларни ўрганиш зарур: истиқболланувчи фаолият бўйича махаллий матбуот, китоблар, проспект, каталог, журналлар, реклама материаллар, теледастур, бошқа таълим муассасаларининг тажрибасини, шунингдек, бўлғуси мижозлар билан сұхбат ўтказиш ва информация тадбирларига қатнашиш.

Олий таълим тизимида маркетинг фаолияти мунтазам суратда фаоллик қўрсатиш, ҳаракат қилиш, хизмат ва сотувнинг муваффақиятли ўсувини таъминлаш учун талабга тезлик билан жавоб беришни, демак, бюджетдан ташқари маблагни жалб этиш ва фойдаланиш масаласини самарали ечимини талаб этади.

Кейинги йилларда мутахассис ҳодимларга бўлган талаб кескин ошди, лавозим, сифат ва миқдор қўрсаткичлари ўзгарди, уларни олий маълумотли мутахассислар билан алмаштириш зарурияти юзага келди, ишга қабул қилувчилар кўп холларда тегишли тарзда дипломга эга эмас, балки ҳодимнинг ишни қай даражада билиши, касбий маҳоратига эътибор бермоқдалар. Бу халқ хўжалигининг барча соҳалари бўйича халқаро даражадагига мос келадиган билимга эҳтиёж пайдо бўлди деганидир. Ваҳоланки, кўпгина олий таълим муассасалари меҳнат бозори эҳтиёжи ва бозор талабларига жавоб бера олмайди. Натижада мутахассисларнинг бир қисмига қўшма, хусусий, чет эл ва мамлакатимиздаги бошқа корхоналарда мутлақо талаб йўқ. Олий таълим муассасаларида мутахассисларни параллел тайёрлаш кузатилмоқда. Бу тажрибадан маълумки республикада

ишизликнинг ошишига олиб келади. Булар барчаси олий таълим тизими обрўсини туширмоқда, мутахассислар тайёрлаш сифатига салбий таъсир кўрсатмоқда.

Бу вазиятни ўзгартириш учун, яъни олий маълумотли мутахассислардан фойдаланиш учун қўйидагилар алоҳида аҳамият касб этади:

- олий таълимни янгича ихтисослаштиришнинг (магистратура ва бакалавриат таълим йўналишини ихтисослари рўйхати) олий маълумотли мутахассислар билан алмаштирилиши лозим бўлган лозимдорликка мос келиши;
- даражасини, яъни мамлакат халк хўжалиги тармоқларидағи лавозимлар билан мутахассислар етиштириш мутаносиблигини белгилаш;
- умумий талабларга мувофиқ олий маълумотли мутахассислар билан таъминланганлик, яъни тармоқ меёrlарини ишлаб чиқариш янги тавсифловчисида қабул қилинган таълим йўналишлари бўйича умумий ва қўшимча талабларни аниқлаш;
- тармоқ кенгайиши ва меҳнат мураккаблигини сифат жиҳатдан такомиллаштириш билан боғлиқ мутахассисларга талабни аниқлаш. Бунда, албатта қўйидагилар эътиборга олиниши керак;
- уларнинг турли сабабларга кўра ишдан кетиши - авлодлар алмашиши, табиий кетиши, миграция, ходимлар кўнимсизлиги ва б.
- олий таълим муассасалари, минтақалар йўналишлар (олий таълим ихтисосликлари бўйича бакалавриат ва магистратура) бўйича талabalар қабул қилишнинг талаб билан мос келиши, яъни олий таълим ҳар бир йўналиши бўйича талабнинг таснифловчи, тавсифловчи ва давлат стандартига мос келиши.
- олий маълумотли мутахассисларга истиқболдаги талабни белгилаш бўйича тармоқ методикасини яратиш.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида кўзда тутилган таълим хизмати мониторинги ва талаб истиқболи моддий ишлаб чиқариш ва ижтимоий соҳада юқори малакали ходимлар етиштириш ҳамда қайта етиштириш - мутахассисларга бўлган талабни ўрганишни тақозо этувчи вазифа, яъни:

- республика, вилоят, иқтисод тармоғи ва ижтимоий инфратузилма, олий таълим йўналиши (ихтисослиги)да;
- малака даражаси (бакалавр, магистр) ва таълим (олий таълим муассасаларини тугатгандан сўнгги) бўйича тадқиқотнинг қўйидаги методикаларидан фойдаланиб:
- ижтимоий тадқиқот;
- Ўзбекистон Республикаси ва чет эллардаги таълим хизматини таққосий, қиёсий тахлили, кадрлар тайёрлаш бўйича олий таълим муассасалари имконини ўрганиш(мавжуд меъёрларга мосланган таълим миқдорий ва спектрал йўналишлари);
- техник - иқтисодий кўрсаткичлар ва бозор конъюнктураси билан мос ҳолда ходимларга бўлган талабни истиқболли моделлаштириш;
- меъёр ва меъёрийлик асосида ходимларга бўлган талабнинг истиқболи;

- олий таълимнинг аҳволи ва ривожиниг мониторинг тизимини ишлаб чиқиши;
- аҳоли бандлигини истиқбол асосида ходимларга бўлган талабини ўрганиш;
- тегишли олий маълумот олишга бўлган аҳоли талабини қондириш имкониятларини белгилаш;
- моддий ишлаб чиқариш ва ижтиомий соҳада ходимларга бўлган талабнинг алоҳида қонуниятларини ўрганиш.

Бу республика иқтисодини юқори малакали мутахассисларга бўлган талабини қондириш имконини беради.

Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимидағи камчилик ва ютуқларни юқорида алоҳида алоҳида кўриб чиқдик. Лекин улардан ҳозирда тизимда хулосалар қилиндими деган савол туғилади. Албатта талайгина ишлар қилинди. Қонунчиликда салмоқли ютуқларга эришилди. Айнан ривожланган давлатлар олий таълим тизимларидан қолишмайдиган дастурлар малакали кадрлар тайёрлашга замин яратди. Жуда кўп иқтидорли ёшлар ўз таълим босқичларини чет эл нуфузли олий таълим муассасаларида давом эттиромокдалар. Бу бир томондан ютуқ деб кўрилса, у ҳолда савол туғилади, нега ёшлар бизнинг олий таълим даргохларимизда тегишли билимга эга бўла олмайдилар? Бу мулоҳазали масала ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимнинг узвийлигини, давомийлигини сақлаш мақсадида чет эл университетларига йўлланма бермоқда.

Таълим тизимини иқтисодий такомиллаштириш мақсадида турли хил сервисларга, ишлаб чиқариш соҳаларига, қўшимча даромад манбаларига қўл урилди.

Тўғри, иқтисодий ривожланиш соҳасидаги шартнома тизимимизда камчиликлар етарли. Бу юз ўгириб бўлмайдиган хақикат. Аммо буларнинг ҳаммаси мамлакатда иқтисодий барқарорлик сақланиб турган вазиятда ўз жавобини топади. Демак, яқуний хулосага келадиган бўлсак, ютуқ ва камчиликларимиз устида тинимсиз ишласак, таълим иқтисодиётида такомиллашган тизимга эриша оламиз.

### **Назорат саволлари:**

1. Олий таълимнинг мақсади - Республикамизнинг ижтиомий-иқтисодий фаолияти.
2. Олий таълим тизимида иқтисодий ислоҳотлар олиб боришнинг аҳамияти ва муаммолари.
3. Бозор иқтисодиётiga ўтиш даврида олий таълим муассасаси ресурсларини бошқариш.
4. Олий таълим тизимини молиялаш истиқболлари.
5. Олий таълим муассасаларида маркетинг фаолияти истиқболлари.

### **Таянч сўzlари:**

Олий таълим, меҳнат, тарбия, назарияси, таълим тизим

**Адабиётлар:**

- 1.Беспалко В.П. Некоторые вопросы педагогики высшего образования.  
- Рига, 1972.
- 2.Смирнов С.Д. Педагогика и психология высшего образования: от деятельности к личности: Учеб. пособие для студ. высш. пед. учеб. заведений. - М.: Издательский центр "Академия", 2001. - 304 с.
- 3.Педагогика и психология высшей школы: Учебное пособие. - Ростов н/Д:Феникс, 2002. - 544 с.
- 4.Основы педагогики и психологии высшей школы / Под ред. А. В. Петровского. - М., 1986.

## ТЕСТ САВОЛЛАРИ

1) “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури” тўғрисида қонун қачон қабул қилинган?

- а) 1992 йилда
- в) 1997 йилда
- с) 1989 йилда
- д) 1996 йилда

2) Олий таълим муассасаларига талабалар қабул қилиш қандай олиб борилади?

- а) давлат грантлари негизида ва пуллик-шартномавий асосда амалга оширилади
- в) давлат грантлари негизида
- с) пуллик-шартномавий асосда амалга оширилади.
- д) барчаси тўғри

3) Олий мактаб педагогикаси бу...

- а) илмий билимларнинг яхши шаклланган катта назарий ва амалий материалларни ўз ичига олган тармоғига айланди
- в) тарбиянинг ривожланиши масалаларини ижтимоий ҳодиса сифатида тадқиқ этувчи педагогик билимлар тармоғидир
- с) у илгор педагогик гояларнинг салбий педагогик гояларга қарши курашиш тарихини, ҳукмрон табақаларнинг демократияга қарши сиёсатини очиб ташлайди
- д) барчаси тўғри

4. ... - ақли заиф болаларни тарбиялаш масалаларини ўрганади

- а) олигоференопедагогика
- в) мактабгача тарбия
- с) умумий педагогика
- д) олий мактаб педагогикаси

5. ... - кўр болаларни тарбиялаш масалаларини ўрганади

- а) олий мактаб
- в) тифлопедагогика
- с) олигоференопедагогика
- д) барчаси тўғри

6 ... - кар болаларни тарбиялаш масалаларини ўрганади

- а) олигоференопедагогика
- в) тифлопедагогика
- с) сурдопедагогика
- д) дидактика

7. Олий мактаб педагогикасига берилган түгри изоҳни топинг?

- а) шахс камолотини таъминлаш, унинг интеллектуал, маънавий-ахлоқий хамда жисмоний жихатдан ривожлантириш ва дунёвий билимларини ошириш
- б) мактаб ёшидаги болаларни тарбиялаш ва уларга таълим бериш масалаларини ўргатиш
- с) мактабгача таълим ёшидаги болаларни тарбиялаш, уларни интеллектуал, маънавий-ахлоқий ва жисмоний жихатдан камолотга етказиш масалаларини ўргатиш
- д) түгри жавоб йўқ

8. Олий мактаб педагогикаси қайси фанлар билан узвий боғлиқ?

- а) Фалсафа, Иқтисод
- б) Этика, Физиология
- с) иккала жавоб ҳам түгри
- д) Түгри жавоб йўқ

9. Қайси жавоб вариантида педагогика фанлари тизими түгри кўрсатилган?

- а) умумий педагогика, мактабгача таълим педагогикаси, коррекцион (махсус) педагогика; сурдопедагогика, тифлопедагогика, олигофренопедагогика ва логопедия;
- в) умумий педагогика, мактабгача таълим педагогикаси, коррекцион (махсус) педагогика, методика, педагогика тарихи, таълимни бошхариш, ижтимоий педагогика ва бошқалар;
- с) умумий педагогика, ижтимоий педагогика, касб таълими;
- д) умумий педагогика, методика, таълимни бошхариш; ахлоқ-тузатиш педагогикаси;

10. Мазкур ғоя қандай тушунча мохиятини ёритади: «... шахсни тарбиялаш, унга муайян йўналишларда чуқур, пухта илмий билимларни беришга йўналтирилган педагогик жараённинг ички мохияти, алоқа ва қонуниятларини маҳсус текшириш ва билиш усуллари бўлиб, улар асосида муаммони ижобий хал этишга ёрдам берувчи тамойиллари, обьекти ва субъектив омиллари аниқланади»?

- а) педагогик илмий-тадқиқот методларининг;
- в) таълим назариясининг;
- с) тарбия назариясининг;
- д) педагогик фанлар тизимининг;
- е) педагогика фани вазифаларининг.

11. Шахснинг ривожланишида муҳим ахамиятга эга индивидуал хусусиятларига берилган түгри таърифни белгиланг:

- а) шахс ривожланишидаги умумийлик;
- в) шахс ривожланишидаги ўзига хослик;

- с) тарбия жараёнини амалга ошириш;
- д) ўқувчиларнинг ёш ва педагогик-психологик хусусиятларига асосланиш;

12 .Нима учун V-VII баъзи ўқувчиларнинг ўзлаштириши ва интизоми сусаяди?

- а) синф раҳбари ва ўқитувчилар уларга бошланғич синфдагинга қараганда кам эътибор беради;
- в) ўқувчилар ўқишининг янги талаблари ва шароитига ўрганмаган ёки тайёр эмаслар;
- с) бошланғич синф ўқувчилари ривожланишида V синфда ўқиш учун зарур бўлган масалаларга эътибор берилмаган;
- д) мазкур даврда ўқувчиларнинг ривожланиши уларнинг ёш хусусиятларига боғлиқ

13. Кузатувчанлик қобиляти- бу

- а) ўқитувчининг тарбияланувчи ички дунёсига кира олиш қобиляти
- б) билимини намоён этиши
- с) жамоани бошқара олиши
- д) тўғри жавоб йўқ

14. Нутқ қобиляти – бу

- а) нутқ, ёрдамида, шунингдек имо-ишора воситасида ўз фикр ва туйғуларини аниқ ва равшан ифодалаш қобилятидир.
- б) билимини намоён этиши
- с) жамони бошқара олиши
- д) тўғри жавоб йўқ

15. Ташкилотчилик қобиляти – бу

- а) ўқувчилар жамоасини уюштириши, ўқувчиларнинг муҳим вазифаларни ҳал этишга рухлантириш, ўз ишини тўғри уюшганлигини назарда тутади.
- б) билимини намоён этиши
- с) жамоани бошқара олиши
- д) тўғри жавоб йўқ

16. Педагогик қобиляят – бу

- а) қобиляят турларидан бири бўлиб, кишининг педагогик фаолиятга яроқлилигини ва шу фаолият билан муваффақиятли шуғулдана олишини аниқлаб беради.
- б) истедодин намоён қила олиши
- с) кишининг етакчилик қилишини англатади
- д) тўғри жавоб йўқ

17. «Умумий ўрта таълимнинг давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарори қачон қабул қилинган?

- а) 1999 йилнинг 16 августида қабул қилинган
- в) 1997 йилнинг 29 августида қабул қилинган
- с) 1989 йилнинг 12 ноябрда қабул қилинган
- д) 1999 йилнинг 5 майда қабул қилинган

18. ..-деб муайян жамиятда ижтимоий тарихий жараёнда таркиб топган маълум тамойиллар асосида бажариладиган ҳамда бир-бири билан боғланган барча типдаги ўқув-тарбия муассасаларининг йиғиндисига айтилади ?

- а) таълим дастурлари
- в) Таълим тизими
- с) Самарали таълим
- д) педагогик муассасалар

19. «Таълим тўғрисида»ги қонун қачон қабул қилинган?

- а) 1989 йил 29 ноябр
- в) 1992 йил 12 апрел
- с) 1997 йил 29 май
- д) 1997 йил 29 август

20. ..-жадвал, расм, суръат, модел, фотосуратлар билимни пухта ўзлаштиришини таъминлайди ?

- а) таълим воситалари
- в) объектлар хақида
- с) ўрганилаётган воқеа
- д) технология

21. ...-сўзи илк бор немис педагоги Волфганг Ратхе(1571-1635) асарларида ўқитиш санъати сифатида ифодаланади ?

- а) миллий дастур
- в) таълим жараёни
- с) дидактика
- д) билим

22. ...-нарса ва ходисалардаги тафовут ҳамда ўхшашликни, тенглик ва нотенгликни топа олишга йўналтирилган фикрлаш операцияси демакдир ?

- а) Таққослаш
- в) Индуктив тафаккур
- с) Дедуктив хулоса
- д) Анализ синтез

23. Ўзбекистон Республикасида олий ўқув юртларининг нечта турлари белгиланади?

- а) 3
- в) 4
- с) 2
- д) 5

24. Олий таълим нечта босқичга эга?

- а) 3
- в) 4
- с) 2
- д) 5

25. Мамлакатимизда қачондан бери ОТМига тест синовлари орқали итимоий ҳақиқатликни таъминлайдиган ва иқтидорли ёш авлодларни саралаш жараёнида йўл қўядиган абитуриентларни саралаш ўтказила бошланди ?

- а) 1994
- в) 1992
- с) 1993
- д) 1991

26. Магистратура бу-?

- а) аниқ ихтисослик бўйича фундаментал ва амалий билим берадиган, бакалавриат негизида камидан икки йил давом етадиган олий таълим.
- в) ўрта ихтисослик бўйича фундаментал ва амалий билим берадиган, бакалавриат негизида камидан икки йил давом етадиган олий таълим.
- с) мутахассисликлар йўналиши бўйича фундаментал ва амалий билим берадиган, таълим муддати камидан 4 йил давом етадиган таянч олий таълим.
- д) мутахассисликлар йўналиши бўйича фундаментал ва амалий билим берадиган, таълим муддати камидан 3 йил давом етадиган таянч олий таълим.

27. Қайси қаторда «Метод» сўзини таърифи тўғри келтирилган?

- а) «Метод» сўзи грекча бўлиб, тадқиқот усули, йўл демакдир
- в) «Метод» сўзи юононча бўлиб, фалсафий луғатда мақсадга эришиш усули
- с) Метод ўқув - таълим жараёнининг негизи

28. ..... таълим жараёнида ўқув-тарбиявий мақсадга эришишда педагог ва талабалар фаолиятини ўзаро боғловчи усул, йўл. Бу қоида қуйидаги тушунчаларнинг қайсисига тўғри келади?

- а) Метод
- в) Педагогик фаолият
- с) Таълим-тарбия

29. .... бу инсон шахсини, унинг дунёқарашини, ишончини, онгини, хулқини шакллантиришга бўйсундирилган чексиз масалаларни ечиш жараёнидир. Тўғри жавобни топинг.

- а) Педагогик фаолият
- в) Тарбиялаш технологияси
- с) Дидактика

30. Педагогик фаолиятнинг ўзига хос хусусиятлари нималардан иборат?

- а) Мунтазам ўзгарувчан, янгиланувчан, ривожланувчанлиги
- в) Тарбияловчи, ривожлантирувчи, сафарбарлик
- с) Ривожлантирувчи, сафарбарлик, янгиланувчан

31. “Интерактив” қайси тилдан олинган ва нима маънони билдиради?

- а) Инглизча сўздан олинган бўлиб, “ўзаро ҳаракат қилмоқ” маъносини билдиради.
- в) Грекча сўздан олинган бўлиб, “ўзаро ҳаракат қилмоқ” маъносини билдиради.
- с) Юононча сўздан олинган бўлиб, “ҳаракат қилмоқ” маъносини билдиради.

32. Идентификацияланган ўқув мақсадларини ишлаб чиқиш, ўқув мақсадлари таксономияси, ўқув мақсадларини назорат (тест) топширикларига айлантириш, мақсадга эришиш усуллари, эришилган ўқув мақсадларини баҳолашлар қўйидагиларни қайси бири таркибиغا кирада?

- а) Педагогик технология
- в) Тарбиялаш технологияси
- с) Интерфаол метод

33. Педагогик фаолиятнинг қандай турлари мавжуд.

- а) таълим берувчи, ривожлантирувчи, тарбияловчи, сафарбарлик, тадқиқотчилик, ташкилотчилик
- в) таълим берувчи, ривожлантирувчи, тарбияловчи
- с) Ўзгарувчан, тадқиқотчилик, ташкилотчилик

34. Технологик ёндашув нима?

- а) Режалаштирилган натижани амалга ошириш имконини берувчи конструктив, кўрсатмали схемада ўз ифодасини топади
- в) Таълим жараёнининг негизи бўлиб, таълимда режалаштирилган мақсадни охирги хулосага боғловчи таркибий қисм.
- с) Таълимнинг мақсад, мазмун, шакллар воситалар тизимини аниқлашга ёрдам беради.

35. Методика билан «педагогик технология» тушунчаларини изоҳи қайси жавобда кўрсатилган?

- а) Методика—ўкув жараёнини ташкил этиш ва ўтказиш бўйича тавсиялар мажмуаси
- б) Педагогик муваффақиятни кафолатлай оладиган ўкувчи шахсини шакллантириш жараёнининг лойиҳалаш ташкилий–педагогик муолажалар мажмуаси
- с) Педагогик технология методиканинг таркибий қисмiga киради
- д) Фақат А ва Б жавоблар тўғри

36. Педагогик технологияларни қаноатлантирадиган мезонлар нималардан иборат?

- а) Изчиллик
- б) Бошқарувга асосланганлик
- с) Самарадорлик
- д) Жавобларнинг барчаси тўғри

37. Анъанавий таълимда ўкувчининг бош вазифаси нималардан иборат?

- а) Ахборотни қабул қилиш, ёрдам, ахборотни қайта ишламаган ҳолда жавоб бериш
- в) Ўкув топшириқларини ва муаммоли ҳал этишда иштирок этиш, доимо ўз билимини бойитиш, керакли баҳони кўтиш
- с) Ўз билимини мустаҳкамлаш мақсадида сидқидилдан меҳнат қилиш, ўз иқтидорини намоён этиш, ижодий изланиш
- д) Ўзини ва бошқаларини ҳурмат қилиш, ҳамкорликда ишлаш, китобхонлик билан шуғулланиш

38. Таълим жараёнини «Технологиялаш» қандай маънони билдиради?

- а) Ўқитишининг техник воситалари ёрдамида ташкил этишни билдиради
- в) Таълим мақсадларига эришишда таълим жараёнини ўқитувчининг шахсий маҳоратига боғлиқ бўлмаган ҳолда универсал тарзда лойиҳаланганини билдиради
- с) Ўкув ишлаб чиқариш таълими тушунилади
- д) Ўқитувчи ўкувчи билиш фаолиятининг ташкилий шаклларини таълим мазмунига мос ҳолда танлашини билдиради

39. Педагогик технологияни тузилмаси акс этган қаторни топинг?

- а) Тавсифий, илмий, амалий
- в) Концептуал асос, таълим жараёни мазмуни, технологик жараён
- с) Умумпедагогик, предметли, локал
- д) Муаммоли ўқитиш, дастурлаштирилган, табақалаштирилган ўқитиш

40. Педагогик технологиялар устивор методлар бўйича қандай таснифланади?

- а. Табақалаштирилган, дунёвий
- в. Тарбияловчи, демократик
- с. Ўйин, ўз-ўзини ривожлантирувчи таълим
- д. Жавобларнинг барчаси тўғри

41. 1961 йили АҚШда қандай журнал чоп этила бошланди?

- А. «Дастурли таълим» журнали
- Б. «Илғор технологиялар»
- В. «Янги ахборот технологиялари» журнали
- Г. «Педагогик технология» журнали

42. Қандай таснифга кўра педагогик технологиялар: умумпедагогик, хусусий методик, локал турларига бўлинади?

- А. Кўлланиш даражасига кўра
- Б. Фалсафий асосга кўра
- В. Илмий концепциясига кўра
- Г. Таркибий тузилишига кўра

43. Педагогика фанида яна қандай янгилик турларига қизиқиш уйғонганини аниқланг?

- А. Хусусий янгилик
- Б. Шартли, маҳаллий янгилик
- В. Субъектив янгилик
- Г. Ҳамма жавоблар тўғри

44. Педагогик технологиянинг аспекти акс эттирилган қаторни кўрсатинг?

- А. Умумпедагогик, хусусий, методик, локал
- Б. Тизимлилик, самаралик, бошқарувчанлик
- В. Инсонпарварлик, диалектик, методик
- Г. Илмий, тавсифий, амалий

45. ...-сўзи грекча бўлиб, тадқиқот усули йўл демакдир

- а) Метод
- в) педагог
- с) Дидактика
- д) тизим

46. Индуктив методни қўллаш қандай амалга оширилади?.

- а) одатда талабалар маълумот, ахборотга асосланиб, ўқувчиларнинг фанларни ўзлаштиришларини уларнинг хулк атвори ва муомалаларидан таъсир кўрсатиш йўлларини белгилаш учун қўлланилади.
- б) талабалар маълумот, ахборотга асосланиб, иқтисодий ҳодиса ва

жараёнлар хақида янги гипотезани илгари суриши ёки илгари билдирилган гипотезаларни текшириб кўриши мумкин.

- с) талабалар маълумот, ахборотга асосланиб, бир тури бўлгани холда, тадқиқотчининг жиддий тайёргарлик кўришини талаб этади
- д) тугри жавоб йук

47. Дарсни тадқиқот методи асосида ташкил қилишнинг таркибий қисмлари неча гурухга булнади?.

- а) 2
- б) 3
- с) 4
- д) 5

48. Тадқиқот услубининг афзаликлари?

- а) Талабани объектив ва мустақил фикр юритувчи мутахассис сифатида шаклланишига ёрдам беради
- б) Маълумотлар, далилларга диққат билан ҳисоблашиб ёндашишга ўргатади.
- с) Ҳар қандай билим нисбий эканлигини тушунишга ёрдам беради.
- д) хамма жавоблар тугри

49. Илмий тадқиқот усуслари таркибий қисмлари неча гурухга булнади?.

- а) 2
- б) 8
- с) 4
- д) 5

50. Дарсни ўтказишида ўқитувчи нималарга эътибор бериши керак?.

- а) Маълумотлар, далилларга диққат билан ҳисоблашиб ёндашишга ўргатади.
- б) ўқитувчи ўрганиладиган мавзу бўйича далилларни тўплашни талабаларга аввалдан топшириши мумкин.
- с) ўқитувчи ўрганиладиган мавзу бўйича тайёргарлик кўришни ахборот, маълумот, далилларни тўплашни талабаларга аввалдан топшириши мумкин.
- д) тўғри жавоб йук

51. Технология деганда нимани тушунасиз?.

- а) лотинча технос-санъат,махорат,логия-фан
- б) инглизча технос-санъат,махорат,логия-фан
- с) немисча технос-санъат,логия-фан
- д) французча технос-санъат,,логия-фан

52. ..-жадвал, расм, суръат, модел, фотосуратлар билимни пухта ўзлаштиришини таъминлайди.

- а) Таълим воситалари

- в) объектлар хақида
- с) ўрганилаётган воеа
- д) Технология

53. ...- Шахс ривожланишининг индивидуал ижодий жараёни билан педагогик жараённинг оммавий репродуктив табиатга эга эканлиги ўртасидаги зиддиятлар.

- а) Субъектив зиддиятлар
- в) Объектив қарама - қаршилик
- с) тизим
- д) ўқув ахбороти

54. Ўзбекистон республикасида олий таълим тизими неча босқичдан иборат

- А) 2
- Б) 3
- С) 4
- Д) 5

55. Бакалавиатура боқичи бу-

- А) Пухта таълим бериладиган ва мутахасисларни тайёрлаш ўйналтирилган ҳамда ўқиш камида 4 йил булган таънч олий таълим.
- Б) тугалланмаган олий
- С) мутахассис тайёрлаш босқичи
- Д) тўғри жавоб йўқ

56. Ўрта махсус, касб-хунар таълими йўналишига изоҳ беринг.

- А) Умумий ўрта таълим негизида ўқиш муддати уч йилган бўлган мажбурий ўрта махсус, касб-хунар таълими узлуксиз таълим тизимидағи мустақил турдир
- Б) 3 йиллик таълим
- С) 2 йиллик таълим

57. Талабаларда тарбия маданиятини шакллантиришда нималарга катта аҳамият бериш керак.

- А) билим, эътиқод ва амалий хатти - харакатларга
- Б) мустақил таълмга
- С) Ананавий таълимга
- Д) Тўғри жавоб йўқ

58. Тарбия назариясининг бошқа фанлар билан алоқаси

- А) педагогика, психология, фаласафа, тарих, иқтисод, сиёсатшунослик
- Б) ҳамма фанлар билан боғлиқ
- С) умумкасбий фанлар биалн
- Д) Тўғри жавоб йўқ

59. Талабалар ўз-ўзини бошқаришининг асосий мақсади қадай бўлиши керак.

- А) илм ва хунар ўрганишга қаратилган бўлиши керак
- Б) мустақил таълимга йўналтирилган бўлиш керак
- С) Ижтимой онгниривожлантиришга қаратилган бўлиши керак
- Д) Тўғри жавоб йўқ

60. Ушбу фикрлар кимга тегишли «илмлар кўпдир, улар замон иқболи бўлиб, турли фикр ва хотиралар уларга қўшилиб борса кўпаяди. Одамларни илмларга рағбат қилиши, илмларни ва илм ахлларини хурматлаш ўша иқболнинг белгисидир».

- А) Абу Райҳон Беруний
- Б) Фаробий
- С) Алишер Навоий
- Д) Тўғри жавоб йўқ

61. Педагогик қобилиятнинг асосий турлари нечта

- А) 9 та
- Б) 5
- С) 6
- Д) 7

62. Мустақил билим бу-

- А) табиат, жамият, тафаккур ҳақидаги билимга эга бўлиш демакдир
- Б) Интернет оркали таълим олиш
- С) қўшимча адабиётлар билан ишлаш
- Д) Тўғри жавоб йўқ

63. Талабаларда тарбия маданиятини шакллантиришда нималарга катта аҳамият бериш керак.

- А) билим, эътиод ва амалий хатти - харакатларга
- Б) мустақил таълимга
- С) Ананавий таълимга
- Д) Тўғри жавоб йўқ

64. Талабалар ўз-ўзини бошқаришининг асосий мақсади қадай бўлиши керак.

- А) илм ва хунар ўрганишга қаратилган бўлиши керак
- Б) мустақил таълимга йўналтирилган бўлиш керак
- С) Ижтимой онгниривожлантиришга қаратилган бўлиши керак
- Д) Тўғри жавоб йўқ

65. Ушбу фикрлар кимга тегишли «илмлар кўпдир, улар замон иқболи бўлиб, турли фикр ва хотиралар уларга қўшилиб борса кўпаяди. Одамларни илмларга рағбат қилиши, илмларни ва илм ахлларини хурматлаш ўша

иқболнинг белгисидир».

- А) Абу Райҳон Беруний
- Б) Фаробий
- С) Алишер Навоий
- Д) Тўғри жавоб йўқ

66. Таълимнинг устиворлиги –

- А) таълимнинг ривожланишининг биринчи даражали аҳамиятта эга эканлиги, билим, таълим ва юксак интеллектнинг нуфузи
- Б) таълим сифатини юқорига қўтарилиш
- С) хаммабоб таълим бериш
- Д) тўғри жавоб йўқ

67. Таълим ва тарбиянинг узвий боғлиқлиги бу-

- А) таълим бериш орқали тарбия бериш
- В) жараённинг ҳар томонлама камол топган инсонни шакллантиришга йўналтирилганлигидир
- С) тарбия бериш орқали таълим бериш
- Д) таълим тарбияга эга бўлган мутахассис тайёралш

68. Педагогик ҳаёл – бу

- А) болаларни фикрини англай олиши
- В) фикрлар теранлиги
- С) тўғри жавоб йўқ
- Д) кишининг ўқувчилар шахсини тарбиявий томондан лойиҳалаштиришда ўз иш-ҳаракатларининг натижасини олдиндан кўра билишда намоён бўладиган қобилиятдир

69. Таълимнинг устиворлиги –

- А) таълимнинг ривожланишининг биринчи даражали аҳамиятта эга эканлиги, билим, таълим ва юксак интеллектнинг нуфузи
- Б) таълим сифатини юқорига қўтарилиш
- С) хаммабоб таълим бериш
- Д) тўғри жавоб йўқ

70. Педагогик ҳаёл – бу

- А) болаларни фикрини англай олиши
- В) фикрлар теранлиги
- С) тўғри жавоб йўқ
- Д) кишининг ўқувчилар шахсини тарбиявий томондан лойиҳалаштиришда ўз иш-ҳаракатларининг натижасини олдиндан кўра билишда намоён бўладиган қобилиятдир

## **ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТИ РЎЙХАТИ**

1. Хакимова М.Ф. Касбий педагогика. Ўқув қўлланма.- Т:ТДИУ, 2007.
2. Подласый И.П. Педагогика: Учебник.-М: Высшее образование, 2006.
3. Райзберг Б.А. Психологическая экономика: Учебное пособие.-М: ИНФРА-М, 2005.
4. Новые педагогические и информационные технологии в системе образования.-М.: “Академия”, 2002.
5. Перегудов Л.В. Саидов М.Х. Олий таълим менежменти ва иқтисодиёти. Ўқув қўлланма.-Т.: “Молия”, 2002.
6. Гозиев Э. Олий мактаб психологияси (республика таълим маркази нашрга тавсия этган) - Тошкент : Ўқитувчи, 1997.
7. Каменская В. Психология общения. - Киев, 2002.
8. Радугин В. Педагогика.Психология. - М.:Владос, 2000.
9. Харламов И. Педагогика. – Минск, 2002.

Ахборот-ресурс манбалар

<http://elkutubbhona.narod.uz>

<http://uz.ref.uz>

<http://uz.ref.uz/search.php?section=231>

<http://ref.uz>

<http://pedagog.uz> [www.eduworld.ru](http://www.eduworld.ru)

## **МУНДАРИЖА**

Кириш .....	3-4
1-Мавзу. Олий мактаб педагогикаси фанининг предмети ва методологияси.....	5-9
2-Мавзу. Олий мактаб педагогикасининг моҳияти ва унинг функциялари.....	10-17
3-Мавзу. Мустақил Ўзбекистонда олий таълим.....	18-22
4-Мавзу. Олий мактабда ўқув жараёни ва таълим мазмуни.....	23-28
5-Мавзу. Олий мактаб дидактикаси.....	29-35
6-Мавзу. Таълимда янгича ёндошув ва интерфаол методлар.....	36-42
7-Мавзу. Олий мактаб педагогикаси фанининг илмий-тадқиқот методлари.....	43-48
8-Мавзу. Олий таълимда янги педагогик технологиялар.....	49-54
9-Мавзу. Олий таълимда педагогик маҳорат.....	55-59
10-Мавзу. Бўлажак мутахассисларда педагогик қобилиятларни шакллантириш.....	60-68
11-Мавзу. Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури асосида олий мактабни ташкил этиш ва ривожлантиришнинг асосий ўйналишлари.....	69-75
12-Мавзу. Кадрлар тайёрлаш миллий модели.....	76-83
13-Мавзу. Узлуксиз таълим тизими ва турлари.....	84-88
14-Мавзу. Тарбия назарияси ва унинг мазмуни.....	89-93
15-Мавзу. Талабаларнинг ўз-ўзини бошқариш.....	94-103
16-Мавзу. Талабаларнинг мустақил таълими.....	104-111

17-Мавзу. Талабаларда мустакил фикрлашни шакллантириш.....	112-118
18-Мавзу. Олий мактаб фаолиятини режалаштириш ва унинг турлари.....	119-126
Тест саволлари .....	127-138
Фойдаланилган адабиёти рўйхати.....	139
Мундарижа.....	140-141

“Олий мактаб педагогикаси” 5А140901 – Касб таълими  
(информатика ва ахборот технологиялари) йўналиши  
магистратура талабалари учун ўқув –услубий қўлланма  
“Техник таълим педагогикаси” кафедраси мажлисида  
(07.02.2011 йил 15–сонли баённома) мухокама килиниб,  
ТАТУ факултети ўқув-услубий кенгаши томонидан  
(14.02.2011 йил 23-сонли баённома) нашрга тавсия этилди.

Тузувчи:

Киличева Ф.Б.

Маъсул муҳарир:

Закирова Ф.М.

Корректор:

Бердиева З.

Босмага рухсат этилди \_\_\_\_\_  
Бичими 60x84<sup>1/16</sup>. Адади \_\_\_\_\_  
\_\_\_\_\_ буюртма. Босма табоғи \_\_\_\_\_

ТАТУ тасарруфидаги «ALOQACHI» нашриёт-матбаа марказида чоп этилди.  
Тошкент шаҳри, Амир Темур кўчаси, 108 уй.



